

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG'BEK NOMIDAGI SAMARQAND DAVLAT
ARHITEKTURA-QURILISH INSTITUTI**

**ME'MORCHILIK va QURILISH
MUAMMOLARI**
(ilmiy-texnikjurnal)

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА
(научно-технический журнал)

PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION
(Scientific and technical magazine)

2020, №2 (2-қисм)
2000yildan har 3 oyda birmarta chop etilmoqda

SAMARQAND



ME'MORCHILIK va QURILISH MUAMMOLARI

ПРОБЛЕМЫ АРХИТЕКТУРЫ И СТРОИТЕЛЬСТВА PROBLEMS OF ARCHITECTURE AND CONSTRUCTION

(ilmiy-texnik jurnal)
(научно-технический журнал)
(Scientific and technical magazine)

2020, № 2
2000 yildan har 3 oyda
bir marta chop etilmoqda

Журнал ОАК Ҳайъатининг қарорига биноан техника (қурилиш, механика ва машинасозлик соҳалари) фанлари ҳамда меъморчилик бўйича илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган илмий журналлар рўйхатига киритилган (гувоҳнома №00757. 2000.31.01)

Журнал 2007 йил 18 январда Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида қайта рўйхатга олиниб 09-34 рақамли гувоҳнома берилган

Бош муҳаррир (editor-in-chief) - т.ф.н. доц. С.И. Аҳмедов
Масъул котиб (responsible secretary) – т.ф.н. доц. Т.Қ. Қосимов

Тахририят Ҳайъати (Editorial council): м.ф.д., проф. М.Қ. Аҳмедов; т.ф.д., проф. С.М. Бобоев; т.ф.д., проф., академик А. Дасибеков (Қозоғистон); т.ф.д., проф., А.М. Зулпиев (Қирғизистон); и.ф.д., проф. А.Н. Жабриев; т.ф.н., к.и.х. Э.Х. Исаков (бош муҳаррир ўринбосари); т.ф.д. К. Исмаилов; т.ф.н., доц. В.А. Кондратьев; т.ф.н., доц. А.Т. Кулдашев (ЎзР Қурилиш вазирлиги); УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. М.М.Мирсаидов; м.ф.д. проф. Р.С. Муқимов (Тожикистон); т.ф.д. проф. С.Р. Раззоқов; УзР.ФА академиги, т.ф.д., проф. Т.Р. Рашидов; т.ф.д., проф. Х.Ш. Тўраев; м.ф.д., проф. А.С. Уралов; т.ф.н. доц. В.Ф. Усмонов; т.ф.д., проф. Р.И. Холмуродов; т.ф.д., проф. И.С. Шукуров (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. А.А.Лapidус (Россия, МГСУ); т.ф.д., проф. В.И.Римшин (Россия); т.ф.д., проф. Ж.Н.Низомов (Тожикистон ФА мухбир аъзоси); т.ф.д., проф. И.Каландаров (Тожикистон ФА мухбир аъзоси).

Тахририят манзили: 140147, Самарқанд шаҳри, Лолазор кўчаси, 70.
Телефон: (366) 237-18-47, 237-14-77, факс (366) 237-19-53. ilmiy-jurnal@mail.ru

Муассис (The founder): Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Обуна индекси 5549

© СамДАҚИ, 2020

ИНЖЕНЕРЛИК ТАРМОҚЛАРИ ҚУРИЛИШИ СТРОИТЕЛЬСТВО ИНЖЕНЕРНЫХ СЕТЕЙ

УДК 691-492-027.267

АСОСИЙ ЁНҒИН ЎЧИРИШ ВОСИТАЛАРИ ВА ТУРЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДАГИ МУАММОЛАРИ

Каримов Музаффар Шавкатович, катта ўқитувчиси
Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Ушбу мақолада асосий ёнғин ўчириш воситалари сув ва кўпикнинг сифатини ошириш мақсададида таркибига қўшимча моддаларнинг қўшилиши орқали ёнғин ўчирилишининг янада самарадорлигини ошириш йўналишида илмий тадқиқотларни олиб боришдаги муаммоларнинг илмий ечимлари тўғрисида тахлилий фикрлар юритилган.

Таянч сўзлар: Сув, кўпик ҳосил қилувчи моддалар, қуюлтирувчи қўшимчалар, сув ва кўпикнинг асосий кўрсаткичлари, Республикамизда ишлатиладиган кўпик ҳосил қилувчи моддалар.

В данной статье анализируются научные решения проблем, возникающих при проведении исследований с целью повышения эффективности пожаротушения путем добавления добавок к основным огнетушителям для улучшения качества воды и пены.

Ключевые слова: Вода, пенообразователи, загустители, смешивающие, показатели воды и пены, пенообразователи, используемые в Республике.

This article analyzes the scientific solutions to the problems that arise during research in order to increase the efficiency of fire-fighting by adding additives to the main fire extinguishing agents to improve the quality of water and foam.

Key words: Water, foaming agents, thickeners, water and foam indicators, foaming agents used in the country.

Республикамизда содир бўлаётган ёнғинларни самарали ўчирилишини таъминловчи бир нечта ёнғин ўчириш воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳозирги кунда такомиллаштирилиши борасида қатор илмий изланишларни биламиз, Албатта, ушбу ўчириш воситасига сув ва кўпик ҳосил қилувчи моддаларни мисол келтиришимиз мумкин. Сув ва кўпик ҳосил қилувчи моддалар энг кўп қўлланиладиган ёнғин ўчириш воситаси ҳисобланади. Ёнғин жойига осон узатиладиган, заҳарли бўлмаган, катта совутиш ва суюлтириш қобилятига эга, айрим турдаги каттиқ ва суюқлик моддаларга нисбатан инерт бўлган ёнғин ўчириш воситасидир. Ишқорли металллар, карбидлар, пероксидлар ва сувни қисмларга ажратувчи бошқа материаллар, шунингдек, сув билан реакцияга киришадиган ёнувчи бирикмалар (масалан, натрий гидро-сульфит) бундан истисно.

Ҳаттоки, ушбу йўналишда тадқиқотларни олиб бораётган илмий изланувчилар томонидан суюқликлар таркибидаги ионлар сонини қисқартириш эвазига ток ўтказувчанлик қобилятини камайтириш ва барча турдаги ёнғинларни ўчиришда кенг фойдаланишни таъминлаш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

Сув ва сувли кимёвий эритмаларнинг асосий вазифаси ёнғин ўчириш моддаларини совутиш, суюлтириш, изоляциялаш, ингибирлаш (сусайтириш) ёки комбинацияланган таъсир кўрсатиш йўли орқали ёнғинни тўхтатади. Ёнғин ўчириш

моддаларининг қўлланилиши ёнғинда кўпроқ намоён бўлаётган омил бўйича аниқланади.

Сувнинг юқори ёнғин ўчириш қобиляти унинг катта иссиқлик сиғими билан изохла-нади. Бундан ташқари, сувнинг буғ ҳолатига ўтиши учун ҳам катта миқдорда иссиқлик талаб этилади. Ҳосил бўлган буғ, ёниш зонасидаги кислород концентрациясини камайтиради.

Сиртки тарангликни камайтириш ва ўта ўтказувчанлик қобилятини ошириш учун сувга сиртки фаол моддалар: РО-1 кўпик ҳосил қилгичи, NP-1 сульфано, NP-3 сульфано, NV сульфано, NV некал ва бошқалар қўшилади. Сувга 0,2–0,4% намлагичнинг қўшилиши сув сарфини 2–2,5 баробар камайтириш ва ёнғинни ўчириш вақтини қисқартириш имконини беради.

Қуюлтирувчи қўшимчалар, масалан, натрий-карбоксиметилцеллюлоза (КМС), ёнғинни сув билан ўчириш самарадорлигини оширади. Сувга кўп бўлмаган (қуруқ моддага нисбатан ҳисоблаганда 0,05%) миқдорда 75/400 русумидаги натрий-КМС қўшилса, унинг ёпишқоқлиги ошади. «Ёпишқоқ сув» ёнаётган юзани юпқа плёнка билан қоплайди ва унинг ҳароратини тушириб, изоляцияловчи ҳамда тўсувчи хусусиятларни намоён қилиб, юзада сақланиб туради.

«Ёпишқоқ сув»нинг солиштирма сарфи оддий сувга қараганда анча кам. Натрий-КМС, шунингдек, барқарорловчи хусусиятга эга. У

кўпик ҳосил қилгичга бироз аралаштирилса, кўпик нисбатан тургунроқ бўлади.

Ўтказилган тадқиқотларнинг натижаларига кўра, сувга 0,02% техник полиакриламиднинг киритилиши ёнғин ўчириш қурилмаларининг қувур ўтказгичларидаги гидравлик исрофларни 3 баробардан кўпроқ камайтиради.

Сувнинг бромметил, тетрафтордибромэтил ва бошқа галоидлашган углеводород билан 5–10% ли аралашмаси катта совутувчи, юмшатувчи ва ингибирловчи таъсирга эга бўлади.

Ялпи ва пуркалган оқимлар кўринишида сув кўпгина қаттиқ моддалар ва материаллардаги, оғир нефт маҳсулотларидаги ёнғинларни ўчириш, сув пардаларини ҳосил қилиш ҳамда ёнғин ўчоғи яқинидаги объектларни совутиш учун қўлланилади. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, бензин томчилари 0,1 мм диаметри пуркалган сув билан, спирт 0,3 мм диаметри, трансформатор мойи 0,5 мм диаметри пуркалган сув билан ўчирилади. Бундай ҳолатда сув тобора кўпроқ қўлланилади [1].

Ёнғин ўчириш кўпикларига, кўпик-газдан (ҳаводан) ва ҳаво ячейкаларини ажратиб турувчи суюқликдан иборат бўлган тизимдир. Аммо ҳар қандай газ суюқлик тизими ҳам кўпик бўла олмайди. Суюқлик ичида газ миқдори кўп бўлса (80–90 фоиздан ортиқ) пуфакчалар бирига зич жойлашади, деформацияланади ва уячаларга ўхшаш тузилмани ҳосил қилади.

Кўпикнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат. Кўпик маълум даражада эгилувчанликка эга бўлади ва шу билан бир вақтда кўпик компонентларига хос бўлган бир қатор хусусиятларни ўзида сақлаб қолади. Газдек сиқилади. Сиртки юпка парда ичидаги эритма эса оддий суюқликнинг хусусиятларига эга бўлади.

Кўпикни тавсифловчи асосий кўрсаткичлар:

- карралилик;
- дисперсионлик;
- вақт бўйича ва ҳарорат ўзгарганда барқарорлик;
- тузулмавий-механик хусусиятлар, иссиқлик ўтказувчанлик, электр ўтказувчанлик.

Кўпикнинг карралилиги кўпик ҳажмини унинг таркибидаги эритма ҳажми нисбатига тенг бўлган катталиқ билан тавсифланади. Паст ва ўртача карраликдаги кўпикнинг карралилиги ва барқарорлигини белгилаш ГОСТ-Р 50588-93 бўйича амалга оширилади.

Карралиликка қараб кўпик ҳосил қилгичлардан олинадиган кўпик қуйидагича ажратилади:

- 20 дан кўп эмас, паст карраликдаги кўпик;
- 20 дан 200 гача ўртача карраликдаги кўпик;
- 200 дан юқори юқори карраликдаги кўпик.

Ҳаво пуфакчаларининг ўртача ўлчами билан тавсифланади: пуфакчалар қанчалик кичкина бўлса, кўпик шунчалик юқори дисперсионликка эга бўлади. Ячейкалар катта ўлчамга эга бўлганда кўпик кўпол дисперсиялик деб номланади.

Кўпикнинг барқарорлиги ёки мустаҳкамлиги унинг тўлиқ ёки қисман бузилишига қадар бўлган мавжудлик вақти билан тавсифланади. Мазкур кўрсаткич кўпик устунининг бузилишини кузатиш ёки алоҳида пуфакчаларни «яшаш» вақтини ўлчаш билан аниқланади.

Кўпикнинг тузулмавий-механик хусусиятлари – бу кўпикнинг маълум вақт давомида ўзининг бошланғич шаклини сақлаб туриш қобилияти ҳисобланади.

Кўпикнинг ёпишқоқлиги кўрсакичида кўпикни қувурлар орқали ўтказиш, кўпикни юза бўйлаб ёйилиб кетиш шартларини (масалан, ёнғин ўчиришда), тирқишлардан эркин оқиб кетиш қобилиятини аниқлаб беради.

Кўпикнинг барча асосий хусусиятлари, биринчи навбатда, уни қандай компонентлардан (моддалардан) олинисига, яъни кўпик ҳосил қилувчи модданинг тури ва дозировкасига боғлиқ бўлади.

Кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг хусусиятлари қуйидаги асосий мезонлар бўйича баҳоланади:

- барқарор (мустаҳкам) кўпикни тайёрлаш учун кўпик ҳосил қилгичнинг концентрацияси;
- олинадиган кўпикнинг карралилиги.

Кўпикни сиртки-фаол моддаларнинг (СФМ) сувли эритмаларидан олиш учун ишлатилган моддалар асосий кўпик ҳосил қилгичлар ҳисобланади. СФМ сувда эритилганда эритмага ажралиши чегарасида сиртки тортилишни анча камайтиради. Амалиётда кўпик ҳосил қилгичнинг сувда эрувчанлик, ювувчи ва юмшатувчи қобилияти, қаттиқ ҳамда денгиз сувида кўпик ҳосил қилиш қобилияти ва бошқа хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади. СФМнинг биологик муҳитда таркибий қисмларга ажралиш қобилияти энг муҳим баҳолаш мезонлари жумласига киради. Афсуски, СФМ атрофимиздаги ўсимлик, ҳайвонот дунёсига, табиатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Ҳосил бўлиш усули бўйича кўпиклар асосан икки гуруҳга бўлинади:

- кимёвий, унинг газли фазаси кимёвий реакция натижасида ҳосил бўлади;
- ҳаво-механик, унинг газли фазаси эжекция ёки мажбурий ҳаво (газ) узатиш йўли билан ҳосил бўлади [2].

Кимёвий кўпик – кўпик генераторларида ва ёнғин ўчиргичларда кўпик-генераторли қуқунлардан ишқорли ва кислотали эритмалар билан ўзаро таъсирда ҳосил қилинади. Қуқун таркибига 63% га яқин тиосульфат тузли тупроқ таркибидаги алюминий оксиди (сернокислий гли-

нозем), 33% натрий бикарбонат ва 4% қизилмия илдизи киритилади. Кимёвий кўпик ҳажми бўйича 80% карбонат ангидрид газы, 19,7% сув ва 0,3% кўпик ҳосил қилувчи моддадан таркиб топган бўлади. Кимёвий кўпикнинг солиштирма массасы 0,2 г/см³ га яқин, карралиги (атроф-муҳитнинг ҳарорати 15°C бўлганда) тахминан 5, турғунлиги 40 минутга яқин.

Кўпикнинг ёнғин ўчириш хусусияти ёнғин зонаси билан ёнувчи материал ёки ҳаво ўртасида ёнғин ўчириш воситаси ва материаллардан изоляцияловчи қатламнинг яратилиши – ёнғин ўчириш бўлинмалари томонидан қўлланиладиган ёнғин ўчиришнинг кенг тарқалган усулидир.

Ҳаво-механик кўпик махсус дастакда ёки генераторда кўпик ҳосил қилгичнинг сувли эритмасини ҳаво билан механик аралаштириш натижасида ҳосил бўлади. Кўпик паст, ўртача ва юқори карраликдаги кўпикка ажратилади. Ҳаво-механик кўпикнинг карралиги, унинг ёрдамида кўпик олинандиган дастакнинг (генераторнинг) тузилишига боғлиқ бўлади. Ёнаётган юзада етарли даражадаги, ёнувчи буғлар ва газларни ёнғин зонасига чиқишини изоляцияловчи, қатлам бўлиб тўпланишига қадар кўпик иссиқлик таъсирида бузилади ва моддани совутади. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, ёнғиннинг тўхташига хизмат қилади, бироқ изоляция – айнан оловнинг ўчишига олиб келадиган устувор хусусият бўлиб ҳисобланади.

Маҳаллий ва хорижий кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг асосий тавсифларига тўхталандиган бўлсак, қўлланиш соҳасига қараб ГОСТ-4.99-83 га мувофиқ, кўпик ҳосил қилувчи моддалар икки гуруҳга бўлинади – умумий ва мақсадли кўпик ҳосил қилувчи моддалар.

Умумий кўпик ҳосил қилувчи моддалар карбонат ангидридли асосга эга бўлиб, қаттиқ ёнувчи материалларни (А синф) ва ёнувчи суюқликлар (Б синф) ёнғинларини ўчириш учун кўпик ёки хўлловчи эритмаларни олишга мўлжалланган.

Мақсадли (фторлашган) кўпик ҳосил қилувчи моддалар нефт, нефт маҳсулотларидаги ҳамда қутбли органик суюқликлардаги ёнғинларни ўчириш учун фойдаланилади [3].

Ҳаволи-механик кўпикни олиш учун республикада қуйидаги кўпик ҳосил қилгич ишлаб чиқарилади ва ундан фойдаланилади:

«ТФМ-50» русумидаги синтетик углеводородли биоқисмларга ажралувчи кўпик ҳосил қилгич, таркибида фторлашган сиртки-фаол модда йўқ, А ва Б тоифадаги ёнғинларни, шу жумладан, нефт, нефт маҳсулотлари, қутбли бўлмаган (сувда эримайдиган) ёнувчан суюқликлар, қаттиқ ёнувчан материаллар ёнғинларини турли карраликдаги кўпик билан ҳамда намлагичлар эритмалари билан ўчиришда, қурилиш конструкцияларини, технологик аппа-

ратларни ва сақланаётган материалларни иссиқлик оқимлари таъсиридан химоя қилишда, ичимлик сувидан фойдаланган ҳолда паст, ўрта ва юқори каррали кўпикни олиш учун мўлжалланган.

Республикада ёнғин ўчириш учун ишлатиладиган кўпик ҳосил қилувчи моддалар сиртки-фаол асосига қараб протеинли (оқсилли), фторпротеинли, синтетик (углеводородли), фторпротеинли юпка парда ҳосил қилувчи кўпик моддаларига ажратилади. Хорижда ишлаб чиқариладиган айрим кўпик ҳосил қилгичларнинг тавсифлари 1-жадвалда кўрсатилган.

Юқорида тўхталиб ўтилган ёнғин ўчирувчи воситаларнинг ҳам ўзига хос камчиликлар мавжуд, мисол тариқасида, сув орқали ёнғинларни самарали ўчириш имкониятини кўрайдиган бўлсак, унинг ток ўтказувчанлигини қисқартириш борасида изланишлар ўз ниҳоясига етказилмаган ва сувдаги ионлар сонини камайтириш орқали ушбу воситани иқтисодий жиҳатдан ўсишига олиб келиши мумкин.

1-жадвал

| № | Кўпикнинг карралиги бўйича тури | Кўпик олинандиган кўпик ҳосил қилгичлар | Кўпикнинг турғунлиги, с | Деворлари 0,1-1,0 м бўлганда изоляциялаш хусусияти, с | Қўллаш соҳаси |
|---|---------------------------------|---|-------------------------|---|---|
| 1 | Паст каррали (K=10) | ПО-1 ПО-6 ПО-1А | 300 780 270 | 90-150 | Қаттиқ ва суюқ ёнувчи материаллар ёнғинларини ўчириш |
| 2 | ўрта каррали (K=100) | ПО-1 ПО-6 | 270 600 | 90-150 | Кабел ертўла ва тоннелларида ёнғинларни ўчириш |
| 3 | Юқори каррали (K=200) | ПО-1А ПО-1 | 240 150 | 90-150 | Ҳажм бўйича ёнғин ўчириш, туғунни чиқариш ва объектларни иссиқлик қисмидан изоляция қилиш |

Кўпик ҳосил қилувчи моддаларнинг инсон ва табиий атроф-муҳитга таъсирининг юқорилиги ва айрим ҳоллар ёнғин ўчириш автомобилларининг метал сиғимларида сақланаётган кўпикнинг чўкинди бўлиб сиғим остида ўтиши сиғимнинг емирилишига ҳамда кўпикнинг самарадорлигини пасайишига олиб келиши амалиётда кўп ҳолларда учратиш мумкин [4].

Ёнғин ўчириш востиларини янада такомиллаштириш ва ёнғинларнинг самарали ўчирили-

шини таъминлаш мақсадида сув ва кўпикнинг таркибига лаборатория ускуналарида айрим турдаги моддалар кўшилиши орқали самарали ўчириш воситаларини яратиш борасида илмий изланишлар бошланган бўлиб, бу борадаги ишларнинг келгусида кенг миқёсда олиб борилишини таъминлашда керакли ишлар амалга оширомоқда.

Адабиётлар:

1. Ёнгин ўчириш техникаси: дарслик. А.Х.Кўлдошев, Ў.Т.Музафаров, М.Б.Мусахожиев. Ўзбекис-

тон Республикаси ИИВ Ёнгин хавфсизлиги институти. – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ. 2018. – 500б.

2. Применение высокократной пены при тушении пожаров: Книга написана коллективом авторов/ И.И.Петров, В.Ч.Рейтго, А.А.Котов. – М.: Стройиздат, 1972, 112с.

3. Сучков В.П. Пожарная безопасность при хранении легковоспламеняющихся и горючих жидкостей на промышленных предприятиях. – М.: Стройиздат, 1985. – 96 с., ил.

4. <https://fireman.club/statyi-polzovateley/penoobrazovatel-xarakteristiki-penoobra-zovatelya-svoystvo-pozharnoj-peny/>

УДК 628,04

ПРИМЕНЕНИЕ ТОНКОСЛОЙНОГО ОТСТАИВАНИЯ ДЛЯ ОЧИСТКИ СТОЧНЫХ ВОД

Хамдамова И.Ш., Жуманов О.Ж.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Оқова сувларни таркибидаги эримаган муаллақ заррачалардан тозалашда тиндириш усули кенг қўлланилади. Мақолада оқова сувларни тозалашда юпка қатламли сув тиндиргичлардан фойдаланиш жараёни қараб чиқилган, юпка қатламли элементларнинг ўлчамлари ва технологик параметрлари келтирилган.

Отстаивание сточных вод широко применяется для выделения из них нерастворенных взвешенных грубодисперсных веществ. Кратко рассмотрены возможности применения тонкослойных отстойников для очистки сточных вод, приведены некоторые технологические параметры и размеры тонкослойных элементов.

Сточные воды по характеру загрязнений разделяются на содержащие минеральные вещества, органические вещества или одновременно те и другие.

К минеральным веществам относятся частицы грунта, руды, шлака, металлов, минеральные соли, кислоты, щелочи и другие неорганические вещества.

Органические примеси весьма многообразны и образуются за счет поступления в сточную воду остатков сырья, реагентов и продуктов производства, отходов жизнедеятельности человека и животных, веществ растительного происхождения и др.

Загрязняющие вещества могут находиться в воде в грубодисперсном состоянии (частицы крупностью более 0,1 мм), в виде суспензии, эмульсии, пены (частицы 0,1 мм-0,1 мкм), в коллоидном состоянии (частицы крупностью 0,1-0,001 мкм) или в виде истинного раствора.

Для задержания крупных плавающих отбросов на очистных сооружениях устанавливают решетки со стержнями прямоугольной формы, обеспечивающей лучшее задержание и удаление отбросов.

Песколовки устанавливают на очистных сооружениях для задержания минеральных частиц крупностью свыше 0,2-0,25 мм при пропускной способности очистных станций более 100 м³/сут.

Отстаивание сточных вод широко применя-

ется для выделения из них нерастворенных взвешенных (оседающих или всплывающих) грубодисперсных веществ. Отстойники применяют как основные сооружения механической очистки сточных вод.

На станциях полной биологической очистки при концентрации взвешенных веществ в исходной сточной воде более 150 мг/л перед биоокислительными сооружениями располагают первичные отстойники. В большинстве случаев в первичных отстойниках эффект отстаивания составляет 40-60%, при продолжительности отстаивания 1-1,5 час. Для повышения эффективности работы отстойников, при содержании в сточной воде взвешенных веществ более 300 мг/л применяется метод тонкослойного осаждения взвеси. К настоящему времени метод тонкослойного осаждения в области очистки природных и сточных вод достаточно широко распространен. Столь пристальное внимание к этому методу подчеркивает его эффективность и перспективы.

Достоинства метода осаждения в тонкослойных элементах, которые сами по себе имеют относительно небольшие размеры, полностью могут быть реализованы в очистных сооружениях. В тонкослойных отстойниках отстойная зона делится на ряд слоев небольшой глубины. Тонкослойные отстойники могут быть вертикальные, радиальные или горизонтальные. Они состоят из водораспределитель-

ной и водосборной зон, а также из отстойной зоны (тонкослойного пространства), занятой полочными или трубчатыми элементами. Тонкослойные элементы выполняются из плоских листов металла, но преимущественно из пластмассы или стеклопластика.

По конструкции тонкослойные отстойники подразделяются на трубчатые и пластинчатые в зависимости от вида рабочего элемента.

Эффективность осветления природных вод в трубчатых отстойниках обуславливается равномерностью распределения воды по сечению трубок и ламинарностью потока воды в трубках.

В пластинчатых отстойниках может использоваться одна из трех схем движения потока воды и осадка: прямоточная, противоточная или перекрестная.

Отстойники с погивоточной схемы движения воды и осадка целесообразно использовать для очистки природных и сточных вод, в загрязнении которых преобладают оседающие примеси. Благодаря движению воды в наклонных полках снизу-вверх создаются благоприятные условия для осаждения загрязняющих частиц по наиболее короткой траектории.

В связи с тем, что исследуемые сточные воды содержат высокие оседающих взвешенных веществ для их осветления согласно вышесказанному следует выбрать отстойники с обратным наклоном полочных блоков, при этом направление движения воды и осадка будет противоточным.

Оптимальные технологические показатели и размеры тонкослойных элементов, при противоточной схеме подтвержденные практикой, колеблются в следующих пределах: высота тонкослойного пространства 100-200мм; толщина тонкослойного пространства (по норма-

ли) 5-10 см; угол между направлением движения и горизонталью в тонкослойном пространстве 45-60°; длина тонкослойного пространства 0,6-1,7м.

Площадь поперечного сечения тонкослойного пространства, вычисляется по формуле:

$$\omega = Q/v, \text{ м}^2$$

Скорость потока определяется из условия обеспечения ламинарного режима течения воды ($Re \leq 500$) в ярусах и трубах тонкослойного пространства. Практически скорость потока принимается для полочных элементов 5-10 мм/с, для трубчатых элементов до 20 мм/с. Ширина тонкослойного пространства определяется по формуле:

$$B = \omega / H, \text{ м}$$

Применение тонкослойных элементов позволяет значительно сократить продолжительность отстаивания и, следовательно, объем отстойников.

Рассмотрены возможности применения тонкослойных отстойников для очистки сточных вод, приведены некоторые технологические параметры и размеры тонкослойных элементов. На следующем этапе работ проводится экспериментальные исследования процесса тонкослойного отстаивания сточных вод.

Литература:

1. Канализация населенных мест и промышленных предприятий /Н.Н.Лихачев, И.И.Ларин, С.А.Хаскин и др.: под общ.ред.В.Н.Самохина.-2-е изд. перераб. и доп.-М.: Стройиздат,1981.-639 с.:ил.
2. Демура М.В. Проектирование тонкослойных отстойников. -Киев: Будивельник, 1981, 49 с.
3. Алладустов У.Б. Йирик дисперсли механик жинслар билан ифлосланган окова сувларни юпка катламли сув тиндиргичларда тозалаш Проблемы архитектуры и строительства. Научно-технический журнал. Самарканд-2017. №1. -118-119 с.

УДК 691-492-027.267

ЕНГИЛ ТАШЛАНАДИГАН КОНСТРУКЦИЯЛАРНИНГ ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН МАЙДОНИНИ ҲИСОБЛАШ УСУЛЛАРИ

Ибрагимов Б.Т., т.ф.д., кафедра бошлиғи; **Каримов М.Ш.**, катта ўқитувчи
Рашидов Ш.А. 5-босқич курсанти
(Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси)

Ушбу мақолада иқтисодиёт тармоқларида ҳосил бўлиши мумкин бўлган портлашдан хавфли аралашмаларнинг ҳажмини ўлчаш ва талаб этиладиган энгил ташланадиган конструкция майдонларини аниқлашдан иборат.

Таянч тушунчалар: Энгил ташланадиган конструкция, портлашдаги ёниш ҳарорати, стехиометрик концентрация, назарий ҳарорат, ёниш реакцияси.

Эта статья нацелена на измерение количества взрывоопасных примесей, которые могут возникнуть в секторах экономики, и определение необходимых площадь легкобрасываемых конструкции.

Основные понятия: Эта статья нацелена на измерение количества взрывоопасных примесей, которые могут возникнуть в секторах экономики, и определение необходимых площадь легкобрасываемых конструкции.

This article aims to measure the amount of explosive impurities that may occur in sectors of the economy and to determine the necessary easy resettable designs areas.

Key words and phrases: Easy resettable designs, combustion temperature during explosion, stoichiometric concentration, theoretical temperature, combustion reaction.

Мамлакатнинг тараққиёти ва ривожланишини таъминловчи воситалардан бири бу иктисодиёт тармоқларидир. Ҳар қандай иктисодиёт тармоқлари жамиятнинг ривожланишини барқарорлаштиради. Иктисодиёт тармоқларининг ошиб бораётганлиги ва кенгайиб бориши иш ўринларининг ўсишини ҳам таъминлайди. Бу эса фуқароларнинг банлигини таъминлайди ва жамиятда соғлим муҳитни шакллантиради. Шундай экан иктисодиёт тармоқларини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва хавфсизлигини таъминлаш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Бирок, ушбу объектларда содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларни инобатга олишимиз лозим. Ишлаб чиқариш объектларидаги хавфли омиллардан бири портлаш ҳисобланади. Портлашлар натижасида катта ҳажмдаги талофатларни ҳамда инсонларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли ҳолатларни келтириб чиқараётганлини сўнгги 30 йил мобайнида дунёда содир бўлаётган ҳодисалардан кўришимиз мумкин. Портлашга таъриф берадиган бўлсак, моддалар ёки аралашмаларининг катта миқдорда энергия ажралиши билан кузатиладиган тезкорлик билан (юздан ёки ўндан бир сонияда) физик ёки кимёвий айланиш (ўзгариш) жараёни портлаш деб аталади. Бу энергия атроф-муҳитнинг ва портлаш маҳсулотларининг сиқилишига, босимнинг кескин ўзгаришига олиб келади. Портлаш газ, буғ ва чанг-хаво аралашмаларининг тезкорлик билан ёниб, кимёвий айланиши (ўзгариши)даги ёхуд моддаларнинг физик парчаланишидаги детонация эвазига юз бериши мумкин.

Ишлаб чиқариш биноларида портлашларнинг олдини олиш каби вазифалар мазкур биноларни лойиҳалаш даврида бажарилади. Шунга қарамадан, портлашдан хавфли (А ва Б тоифаларга тегишли) технологик жараёнлардан иборат жиҳозлардан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, авария оқибатида юзага келган алоҳида вазиятларда, шунингдек, технологик жиҳоздан фойдаланиш тартибининг бузилиши ва хавфсизлик техникасига риоя қилмаслик оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида инсонларнинг қурбон бўлишига, қурилиш конструкциялари ва технологик жиҳозларнинг бузилишига олиб келадиган портлашлар юз беради.

Конструкцияларнинг бузилиш даражасига қараб, портлашларни кучсиз (заиф), ўртача ва мустаҳкам (кучли)ларга ажратиш мумкин. Кучсиз бузилишлар $5 \cdot 10^3$ Па гача бўлган юкларда ҳосил бўлади ва асосий қурилиш конструкцияларининг бузилмасдан сақланиб қолиши билан тавсифланади. Ойналарнинг бузилиши, эшик ва дарвозаларнинг узилиб кетиши рўй

беради, ички тўсиқларда ёриқлар ҳосил бўлади. Ўрта бузилишлар $5 \cdot 10^3 - 5 \cdot 10^4$ Па тенг юклама таъсирида юз беради ва юк кўтарувчи конструкцияларнинг қисман бузилишида юк кўтарувчи конструкцияларда қолдиқ деформацияларнинг юз бериши билан тавсифланади. Тиклаш ишлари ўтказилгандан сўнг бинодан фойдаланиш мумкин. Кучли бузилишлар $5 \cdot 10^4$ Па дан ошадиган босим таъсирида юз беради.

Ёниш маҳсулотларининг ҳажми ва ҳароратига боғлиқ бўлган босимнинг жуда тез ўзгариши портлашнинг асосий аломати деб ҳисобланади. Агар портлашдан хавфли аралашма билан тўлиқ тўлдирилган ёпиқ ҳажмда ва стехиометрик* концентрацияда унинг батамом ёнишида ҳосил бўлган босим P_n деб, бошланғич босим эса P_o деб белгиланса, унда портлашдан сўнг ёпиқ ҳажмда ҳосил бўлган ортикча босим қуйидаги тенглама билан аниқланади.

$$\Delta P_n = P_n - P_o,$$

қисман газланганда эса қуйидаги тенглама билан аниқланади.

$$\Delta P_n = (P_n - P_o) \frac{W_{cm}}{W_{hajm}},$$

бу тенгламада W_{cm} – стехиометрик концентрацияда портлашдан хавфли аралашманинг ҳажми, m^3 ; W_{hajm} – хонанинг ҳажми, m^3 .

Ёпиқ ҳажмда аралашманинг портлаб ёнишида тўсувчи конструкцияларга таъсир этувчи абсолют босим Я. Б. Зельдович томонидан чиқарилган тенглама бўйича топилади. [1]

Таъкидлаш лозимки, ёнғинлардаги оддий ёнишда моддаларнинг ёниш ҳарорати атроф-муҳитга ва тўсувчи конструкцияларнинг қизитишга сарфланадиган иссиқлик йўқотилишининг кўллиги сабабли жуда паст бўлади.

Маҳсулот ёнишининг назарий ҳарорат кўрсаткичи аниқланганда, стехиометрик концентрацияга эга аралашманинг портлашидаги ёнишнинг ҳарорати ҳисоблаш йўли билан топиш мумкин. Қуйида келтирилган иссиқлик мувозанати тенграмаси мазкур тенграманинг негизи ҳисобланади.

$$n_{en} Q_n = Q_{p,g}$$

бу тенгламада n_{en} - ёнувчи модданинг миқдори, кмол; Q_n - ёнишнинг энг юқори иссиқлиги, кЖ/кмол.

Бунда ёниш маҳсулотларининг энталпияси $Q_{p,g}$ қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$Q_{p,g} = m_1 s_1 t_g + m_2 s_2 t_g + \dots + m_4 s_4 t_g,$$

бу формулада m_1 – ёниш маҳсулотларидаги алоҳида компонентнинг миқдори, [кмол];

s_1 – ёниш маҳсулотларидаги алоҳида компонентларнинг молли иссиқлик сифими, [кЖ/(кмол·К)]; t_{en} – ёниш маҳсулотининг назарий ҳарорати, К;

Охирги тенглик ҳисоби билан тенглама куйидаги кўринишда бўлади:

$$n_{\text{ён}} Q_n = \sum_{i=1}^{i=n} m_i s_i t_{\text{ён}},$$

бу тенгламада 1-портлашдаги ёниш маҳсулотларининг таркибига кирувчи компонент турларининг сони.

Тенгламадаги $1, n_i, m_i$ - кўрсаткичлари ёниш реакциясидан топилади, модда ёнишининг энг куйи иссиқлиги эса – маълумотлар келтирилган қўлланмаларда берилган кўрсаткичлар бўйича аниқланади.

Ёниш маҳсулотларининг иссиқлик сиғими s_i доимий ҳисобланмаслиги ва шу каби ноъмалум бўлган ҳароратга боғлиқ эканлиги масаланинг ечилишини мушкуллаштиради. Масала кетма-кет тарзда яқинлаштириш усули билан ечилади. Бунда ёнишнинг назарий ҳарорати $t_{\text{ён}}$ қабул қилинади ва берилган ҳароратда маълумотлар қўлланмаси бўйича портлаш маҳсулотларнинг газлар энталпияси аниқланади. Агар жадвалда келтирилган ёниш маҳсулотларининг умумий иссиқлик миқдори моддаларнинг ёнишида ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдорига тенг бўлса, унда масала тўғри ечилган деб ҳисобланади. Акс ҳолда қайтадан ёниш ҳароратини қабул қилиб, масалани ечишни такрорлаш лозим.

Сарф коэффиценти куйидаги кўрсаткичларни $\mu=0,75$; $k=1,29$ кг/м³; $T_0=273$ К ташкил этади. Ёнишнинг тезлашиши оқибатида мўътадил тезлик ошишини тавсифловчи коэффиценти туйниқлар орқали газларнинг чиқиб кетиш тезлигини аниқлаш бўйича ўтказиладиган амалий ҳисоботларда 2 га тенг қилиб олинади ва портлашнинг бошланғич вақти P_n катталигини аниқлашда эса 1 га тенг деб олинади.

Портлаш вақтида ажралиб чиққан иссиқликнинг деярли 90% ёниш маҳсулотларини киздириш учун сарфланади.

Алоҳида моддалар учун ёнишнинг назарий ҳароратини маълумотлар учун мўлжалланган 1-жадвал ёрдамида аниқлаш мумкин.


1-жадвал

| Ҳарорат, °С | Энталпия, кЖ/(к·мол) | | | | Ҳаво |
|-------------|----------------------|------------------|-----------------|----------------|---------|
| | CO ₂ | H ₂ O | SO ₂ | N ₂ | |
| 1000 | 49442 | 38648,5 | 50321,9 | 31337 | 31621,9 |
| 1100 | 55140,4 | 43198,9 | 55907,2 | 34760,2 | 35074,5 |
| 1200 | 60922,6 | 47807,9 | 61492,4 | 38221,2 | 38560,6 |
| 1300 | 66788,6 | 52584,5 | 67161,5 | 41719,8 | 42067,6 |
| 1400 | 72654,6 | 57403 | 72797,1 | 45252 | 45629,1 |
| 1500 | 78562,5 | 62347,2 | 78436,8 | 48771,6 | 49190,6 |
| 1600 | 84554,2 | 67333,3 | 84135,2 | 52375 | 52794 |
| 1700 | 90545,9 | 72445,1 | 89821 | 55936,5 | 56397,4 |
| 1800 | 96579,5 | 77598,8 | 95557,1 | 59539,9 | 59992 |
| 1900 | 102613,1 | 82794,4 | 101184,3 | 63143,3 | 63624 |

| Ҳарорат, °С | Энталпия, кЖ/(к·мол) | | | | Ҳаво |
|-------------|----------------------|------------------|-----------------|----------------|----------|
| | CO ₂ | H ₂ O | SO ₂ | N ₂ | |
| 2000 | 108646,7 | 88073,8 | 107012,6 | 66788,6 | 67333,3 |
| 2100 | 114722,2 | 93395,1 | 112715,2 | 70433,9 | 71020,5 |
| 2200 | 120839,6 | 98758,3 | 118451,3 | 74121,1 | 74707,7 |
| 2300 | 126915,1 | 104163,4 | 124220,9 | 77766,4 | 78395 |
| 2400 | 133032,5 | 109631,3 | 130024,1 | 81453,6 | 82124 |
| 2500 | 139149,9 | 115141,1 | 135756 | 85140,8 | 85853,1 |
| 2600 | 145235,9 | 119398,2 | 141513 | 89003,9 | 89330,8 |
| 2700 | 151481,1 | 124782,4 | 147295,2 | 92653,5 | 93105,9 |
| 2800 | 157560,7 | 130342,5 | 152985,3 | 96437 | 96789 |
| 2900 | 163795,5 | 135848,2 | 158813,6 | 100488,7 | 100488,7 |
| 3000 | 169946,4 | 141161,1 | 164667 | 103828,2 | 104205,3 |

Масала. Ацетелен учун ёнишнинг энг юқори иссиқлиги $Q_n = 1307,3 \cdot 10^3$ кЖ/кмол га тенг қилиб олинади. Ацетилен билан ҳавони стехиометрик аралашмасининг портлашдаги ёниш ҳарорати аниқланади.

Ёниш реакциясидан n ва m кўрсаткичлар куйидагиларга боғлиқ.



Ёниш реакцияси: $n_{\text{ён}}=1$ кмол; $m_{CO_2} = 2$ кмол; $m_{H_2O} = 1$ кмол; $m_{N_2}= 9,4$ кмол;

Реакциядан ажралиб чиқаётган иссиқлик миқдори.

$$n_{\text{ён}} Q_n = 1 \cdot 1307,3 \cdot 10^3 = 1307,3 \cdot 10^3 \text{ кЖ}$$

Назарий ҳароратни маълумотлар келтирилган жадвалга асосан, $t_{\text{ён}}=2800^\circ\text{C}$ деб қабул қиламиз ва юқоридаги жадвалда берилган кўрсаткичлар ҳисоби билан портлаш маҳсулотларининг иссиқлик миқдори аниқланади. Демак:

$$n_{\text{ён}} = \sum m_{CO_2} \cdot m_{H_2O} \cdot m_{N_2} = 2 \cdot 157560,7 + 1 \cdot 130342,5 + 9,4 \cdot 96437 = 1352 \cdot 10^3 \text{ кЖ}$$

Ушбу ёниш маҳсулотининг иссиқлик миқдори модданинг ёниш иссиқлигидан ошмаслиги керак. Шундай экан, ацетилен ёнишнинг ҳақиқий ҳарорати қабул қилинган кўрсаткичдан $t_{\text{ён}}=2800^\circ\text{C}$ катта.

Бунда жадвалга мувофиқ назарий ҳароратни қайтадан танлаймиз $t_{\text{ён}}=2700^\circ\text{C}$ деб қабул қиламиз.

$$n_{\text{ён}} = \sum m_{CO_2} \cdot m_{H_2O} \cdot m_{N_2} = 2 \cdot 151481,1 + 1 \cdot 124782,4 + 9,4 \cdot 92653,5 = 1298,7 \cdot 10^3 \text{ кЖ}$$

$$1352 \cdot 10^3 > 1307,3 \cdot 10^3 > 1298,7 \cdot 10^3$$

Реакциядан ажралиб чиққан иссиқликнинг миқдори қабул қилинган ҳароратда ёниш маҳсулотининг иссиқлик миқдори кўрсаткичларининг ўртасидадир. Ацетилен ёнишида назарий ҳароратнинг ҳақиқий кўрсаткичи интерполяция йўли билан миқдорини куйидаги

кўрсаткичига оширишга олиб келишни аниқлаймиз:

Ҳароратни 100°C га ошишида газларнинг иссиқлик миқдорини аниқлаймиз. Бунда бизга $t_{\text{ён}}=2800^{\circ}\text{C}$ ва $t_{\text{ён}}=2700^{\circ}\text{C}$ кўрсаткичларининг ўртасидаги фарқни топамиз.

$$1352 \cdot 10^3 - 1298,7 \cdot 10^3 = 53,3 \cdot 10^3 \text{ кЖ}$$

Q_n – ёниш иссиқлиги билан $t_{\text{ён}} = 2700^{\circ}\text{C}$ ҳароратидаги газларнинг иссиқлик миқдори ўртасидаги фарқни аниқлаймиз.

$$1307,3 \cdot 10^3 - 1298,7 \cdot 10^3 = 8,6 \cdot 10^3 \text{ кЖ}$$

Пропорция тузамиз:

$$53,3 \cdot 10^3 \text{ кДж} - 100^{\circ}\text{C},$$

$$8,6 \cdot 10^3 \text{ кДж} - \Delta t^{\circ}\text{C}.$$

Бундан газларнинг иссиқлик ҳароратини йиғиндисини аниқлаймиз.

$$\Delta t = \frac{8,6 \cdot 10^3 \cdot 100}{53,3 \cdot 10^3} = 16^{\circ}\text{C}$$

Шундай экан ацетилен ёнишининг ҳақиқий ҳарорати

$$t_{\text{ён.ҳақ}} = t_{\text{ён}} + \Delta t = 2700 + 16 = 2716^{\circ}\text{C}$$

Ацетиленнинг портлашдаги ёниш маҳсулотларининг ҳарорати ҳисоблаймиз.

$$T_{\text{п}} = (t_{\text{ён.ҳақ}} + T_0) \cdot 0,9 = (2716 + 273) \cdot 0,9 = 2690 \text{ К}$$

бунда: T_0 – сарф коэффиценти – 273 К.

0,9- портлаш натижасида ажралган иссиқликнинг деярли 90% ёнувчи маҳсулотларни қиздиришга сарфланади.

Демак, ацетиленнинг портлашдаги ёниш маҳсулотларининг ҳарорати 2690 К ни ташки қилар экан.

Бино ва иншоотларга таълаб этиладиган енгил ташланадиган конструкция майдонининг ҳисоби $T_{\text{дас}}$ – аралашманинг дастлабки ҳарорати 293 К ва P_0 – хона ҳажмидаги ортиқча босим 10^5 Па бўлганида бажарилади.

Ҳисобнинг бошида дастлабки $W_{\text{см}}, W_{\text{ҳажм}}, \Delta P_0, m, n, T_{\text{п}}, v_{\text{п}}$, маълумотлар аниқланади. Зарур бўлган дастлабки маълумотлар топилганидан сўнг, ЕТКнинг майдонига таъсир кўрсатувчи параметрларни ҳисоблашга киришилади. ЕТКнинг талаб этиладиган майдонини ҳисоблаш учун мўлжалланган схема портлашдан хавфли аралашмаларнинг стехиоетрик концентрациялардан фарқли бўлган концентрацияларда ҳам ЕТКнинг талаб этиладиган майдонини аниқлаш имконини беради.

Масала: Хонанинг ҳажми 1000^3 м га тенг. Ишлаб чиқариш хонаси ҳажмининг 25% стехиоетрик ацетилен-ҳаво аралашмаси билан газланганлигида ЕТКнинг талаб этиладиган майдонини аниқлаймиз. Портлаш вақтида конструкцияга тушадиган йўл қўйиладиган юклама $\Delta P_{\text{орт}} = 0,05 \cdot 10^5$ Па ни ва хона ҳажмида ҳосил бўлган ортиқча босим $P_{\text{орт}} = 1,05 \cdot 10^5$ Па ни ҳамда ацетилен ёнганидаги назарий ҳарорат 2989 К ни ташкил этади.

Ўтказилган тадқиқотларга асосан ҳисоб учун зарур бўлган дастлабки маълумотлар қуйидагича аниқланди:

$$\frac{W_{\text{см}}}{W_{\text{ҳажм}}} = 0,25 \text{ да; } W_{\text{см}} = 0,25 \cdot W_{\text{ҳажм}} = 250 \text{ м}^3$$

Бунда: 0,25 м - хона ҳажмининг 25% стехиоетрик ацетилен-ҳаво аралашмаси билан газлангани:

$$W_{\text{ҳажм}} - \text{хонанинг ҳажми } 1000 \text{ м}^3.$$

$$T_{\text{п}} = (t_{\text{ён.ҳақ}} + T_0) \cdot 0,9 = (2716 + 273) \cdot 0,9 = 2690 \text{ К}$$

Ёнишнинг мўтадил тезлиги қуйидагича қабул қилинади.

$$v_{\text{п}} = 1,57 \text{ м/с}$$

Ёниш маҳсулотининг кенгайишини аниқлаш учун катталикларнинг нисбати портлашда ёниш маҳсулотларининг кенгайиш даражаси қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$E = \frac{m}{n} \cdot \frac{T_{\text{п}}}{T_{\text{дас}}}$$

m – қиймат 12,4 mol га тенг; n – қиймат 12,9 mol га тенг; $T_{\text{п}}$ – портлаш вақтида ёниш маҳсулотларининг ҳарорати Ацетилен учун - 2690 К; $T_{\text{дас}}$ – Аралашманинг дастлабки ҳарорати - 293 К.

$$E = \frac{12,4}{12,9} \cdot \frac{2690}{293} = 8,81 \approx 9$$

Тешиқлар орқали ёниш маҳсулотлари чиқиб кетишининг ҳисобий давомийлигини аниқлаш қуйидагича:

$$E \cdot W_{\text{см}} = 9 \cdot 250 = 2250 \text{ м}^3 > W_{\text{ҳажм}} = 2250 \text{ м}^3$$

Қуйидаги форма ёрдамида тешиқлар орқали ёниш маҳсулотлари чиқиб кетишининг ҳисобий давомийлигини топамиз.

$$\tau_{\text{тез}} = \frac{0,31 \cdot \sqrt[3]{W_{\text{ҳажм}}} \left(a - 3 \sqrt[3]{\frac{\varepsilon \cdot \Delta P_{\text{орт}}}{P_0 \cdot (\varepsilon - 1)}} \right)}{v_{\text{п}} \cdot \varepsilon} = \frac{0,31 \cdot \sqrt[3]{1000} \cdot \left(1 - 3 \sqrt[3]{\frac{9 \cdot 0,05 \cdot 10^5}{10^5 \cdot (9 - 1)}} \right)}{1,57 \cdot 9} = 0,13 \text{ сония}$$

Портлаш маҳсулотларининг чиқиб кетишдаги ҳарорати қуйидагича аниқланди:

$$T_{\text{хар}} = \frac{[0,8 + (\varepsilon - 1) \cdot \frac{W_{\text{см}}}{W_{\text{ҳажм}}}] \cdot T_{\text{п}} + (0,8 - \frac{W_{\text{см}}}{W_{\text{ҳажм}}}) \cdot T_{\text{дас}}}{1,6 + (\varepsilon - 2) \cdot \frac{W_{\text{см}}}{W_{\text{ҳажм}}}} = \frac{[0,8 + (9 - 1) \cdot 0,25] \cdot 2690 + (0,8 - 0,25) \cdot 293}{1,6 + (9 - 2) \cdot 0,25} = 2296 \text{ К}$$

0,8 – хонанинг бўш ҳажми стехиоетрик концентрацияга эга портлашдан ҳаволи аралашма билан тўлиқ газланганлик кўрсаткичи.

Ёниш маҳсулотларининг тешиқлар орқали чиқиб кетиш тезлиги қуйидагича аниқланди:

$$v_{\text{тез}} = 33,4 \cdot \sqrt{T_{\text{хар}} \left[a - \left(\frac{P_o}{P_{\text{орт}}} \right)^{0,286} \right]} =$$

$$= 33,4 \cdot \sqrt{2296 \cdot \left[1 - \left(\frac{10^5}{1,05 \cdot 10^5} \right)^{0,286} \right]} = 189 \text{ м/с}$$

Портлаш вақтида ёниш маҳсулотларининг ортиқча босими аниқланди.

$$\Delta W_{\text{п.о}} = (\varepsilon - a) \cdot \frac{W_{\text{см}}}{W_{\text{хажм}}} - 0,8 \cdot \left(\frac{P_{\text{орт}}}{P_o} - a \right) =$$

$$(9 - 1) \cdot 0,25 - 0,8 \cdot \left(\frac{1,05 \cdot 10^5}{10^5} - 1 \right) = 1,71 \text{ м}^3 / \text{м}^3$$

Енгил ташланадиган конструкциянинг талаб этиладиган майдони қуйидагича аниқланди:

$$f_{\text{ЕТК}} = \Delta W_{\text{п.о}} / \tau_{\text{тез}} \cdot v_{\text{тез}} =$$

$$= 1,71 / (0,13 \cdot 189) = 0,069 \text{ м}^2 / \text{м}^3$$

$$F_{\text{ЕТК}} = f_{\text{ЕТК}} \cdot W_{\text{хажм}} = 0,069 \cdot 1000 = 69 \text{ м}^2$$

УДК 614.846.6

ЁНГИН ЎЧИРИШ АВТОМОБИЛЛАРИНИ САҚЛАШ УЧУН ЭКСПЛУАТАЦИОН ХАРАЖАТЛАРНИ АСОСЛАШДА ИШОНЧЛИЛИКНИ БАҲОЛАШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИ ҚўЛЛАШ

Тоҳтамуратов Д.М., Мусахожиев М.Б., Ўзбекистон Республикаси ФВВ Академияси

Ушбу мақолада мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёнгин ўчириш автомобилларини асосий ҳамда махсус агрегат ва узелларини ишончилигини баҳолаш учун статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш орқали ёнгин ўчириш автомобилларини сақлаб туришга кетадиган эксплуатацион харажатларни асослашусуликелтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ишончлилик, ишончлилик кўрсаткичлари, эксплуатацион харажатлар.

В данной статье предлагается применение методики сбора и анализа статистической информации о работе основных и специальных агрегатов и узлов пожарных автомобилей отечественного производства для оценки их надёжности, также отмечено что данный метод может применяться для обоснования эксплуатационных расходов на содержание пожарных автомобилей.

Ключевые слова: надёжность, показатели надёжности, эксплуатационные расходы.

This article proposes the application of methods for assessing the reliability of domestic fire trucks by collecting and analyzing static information for the purpose of improving their main and special units and assemblies, as well as justifying the operating costs for maintaining fire trucks.

Key words: reliability, indicator of reliability, operating costs.

Мамлакатимизда барча соҳалари каби Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати тизимлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўларок 2008 йилдан буён юртимизда хусусан “Самарқанд автомобиль заводи” МЧЖда, кейинчалик эса “JV MAN Auto Uzbekistan” ҚК-МЧЖда ёнгин ўчириш автомобилларини ишлаб чиқарилиши ва Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати бўлинмалари улар билан босқичма-босқич таъминланиши йўлга қўйилди.

Албатта ёнгин ўчириш автомобилларини қўллашнинг самарадорлиги уларнинг сифат даражасига, авваламбор асосий ва махсус қисмлари (агрегат, узел ва механизмлари)ни

Демак, Ацетилен-ҳаво аралашмаси мавжуд хонанинг 69 м² ни ЕТКлар ташкил этилиши олиб борилган тадқиқот ва изланишлар натижасида аниқланди [2].

Юқорида олиб борилган илмий изланишлар тадқиқотлар ҳамда қилинган ҳисоб ишлари асосида иқтисодиёт тармоқларида мавжуд бўлган турли портлашдан хавфли ишлаб чиқариш хоналарида ҳосил бўлиши мумкин бўлган ҳаво аралашмаларнинг ҳажмини ҳисоблаш орқали бино ва иншоотларга талаб этиладиган енгил ташланадиган конструкцияларнинг майдонларни аниқлаш ҳамда молиявий жиҳатдан ортиқча харажатларни тежашдан иборат эканлигини кўрсатмоқда.

Адабиётлар:

1. Қурилишда ёнгин хавфсизлиги [Матн] Ў.Т.Музаффаров [ва бошқ.] – Т.: Чўлпон номидаги НМИУ. 2017. 392-б.
2. <https://cyberleninka.ru/article/n/raschet-ploschadilegkosbrasyvaemyh-konstruktsiy-dlya-pomescheniya-spirtohranilischa>.

тайёрлаш сифати ва ишончилигига боғлиқдир.

Ишончлилик - бу буюм (агрегат ёки механизм)нинг ўз фойдаланиш кўрсаткичларини талаб қилинадиган вақт оралиғида берилган чегараларда сақлаб, берилган функцияларни бажариш хоссаси. Бунда икки шарт бажарилиши лозим. Биринчидан, буюмни фақат берилган шароит ва иш режимларида ишлатиш керак. Иккинчидан, буюмга тўлиқ ҳажмда ва тавсия қилинган даврийликда хизмат кўрсатилиши керак.

Буюмнинг ишончилиги уни эксплуатация қилиш шароитига боғлиқдир. Ишончлилик назариясининг асоси ишдан чиқиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топади.

Ишдан чиқиш ҳолатлари эса келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари турлича. Машиналар элементларидаги тасодифий ва систематик ўзгаришлар уларнинг сабаблари бўлади.

Ёнғин ўчириш автомобилнинг ишончлилиги иқтисодий тармоқларида фойдаланиладиган автотранспорт воситаларининг ишончлилигидан фарқ қилади. Бу ёнғин ўчириш автомобилларини эксплуатация шароитининг хусусиятлари, юк автомобилга нисбатан мезанизмларнинг кўплиги билан фарқланади.

Ёнғин ўчириш техникасини лойihalаштиришда керакли ишончлик даражаси бир қатор тадбирларни бажариш билан таъминланади. Биринчи ўринда энг маъкул бўлган йўл танланиб, унинг ишончлилиги баҳоланади, юқори ишончлик билан тавсифланадигани стандартлашган ва бир шаклга эга элементлар максимал даражада қўлланилади. Бундан ташқари, ёнғин ўчириш автомобилларини эксплуатациясининг алоҳида хусусиятларини инобатга олувчи тадбирлар кўзда тутилади.

Автомобилни эксплуатация қилиш жараёнида агрегат ва узелларнинг бир-бири ва атрофмуҳит билан таъсири натижасида сифатнинг ўзгариши юзага келади. Автомобиль сифатининг ўзгариш динамикаси қанчалик катта бўлса бу шунчалик унинг эксплуатация хусусиятларига таъсир кўрсатади.

Ёнғин ўчириш автомобилларининг ишончлилигини таъминлаш уларни ишлаб чиқариш ва эксплуатацияси жараёнидаги асосий муаммолардан бири ҳисобланиб, ёнғин ўчириш автомобилларининг техник имкониятларига қўйиладиган талабларни ошиб бориши унинг қанчалик долзарб эканлигини белгилайди.

Бундан ташқари, ёнғин ўчириш автомобилларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, яъни бу ишларни амалга ошириш учун йил давомида талаб қилинадиган эҳтиёт қисмларининг сони, бир йилгача бўлган вақт ичида таъмирлаш-монтаж ва ростлаш ишлари ҳамда бу ишларни бажарадиган ходимларни ойлик маоши билан таъминлаш учун сарфланадиган харажатларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослантиришда ҳам сифат ва ишончликни баҳолашга алоҳида эътибор қаратиш ўринлидир.

Амалиётда маҳаллий ишлаб чиқарилаётган ёнғин ўчириш автомобилларининг эксплуатацияси жараёнида улардан кўп фойдаланилмаганига (аксарият ҳолатларда бир йилгача) қарамай айрим агрегат ва узеллари (ёнғин ўчириш насоси элементлари, узатмалар қутиси, қўшимча трансмиссия механизмлари, сув цистернаси ва х.к.)ни ишдан чиқиши ҳолатлари учрайди. Бу автомобиль ва ундаги махсус агрегатларни эксплуатация қилиш шароити, ҳайдовчининг билими ва амалий кўникмасига, техник хизмат кўрсатиш ишларининг сифатига

боғлиқ бўлсада, асосий агрегат ва жиҳозлар тегишли стандарт ва нормаларда белгиланган ишресурслари доирасида ишдан чиқмасдан (бузилмасдан) ишлаши, яъни маълум вақт ичида белгиланган вазифани бажариши лозим.

Давлат стандартларида ёнғин ўчириш автомобиллари учун техник талаблар билан бирга уларнинг сифат кўрсаткичлари номенклатураси ҳам белгиланган. Ушбу кўрсаткичлар қаторида ишончлик кўрсаткичи ҳам алоҳида ўрин тутади.

Ишончлик кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат: биринчи капитал таъмиргача белгиланган ресурс, тўхтамасдан (бузилмасдан) ишлаш, тўлиқ ўртача хизмат (фойдаланиш) муддати, оператив тайёрлик коэффициенти.

Ёнғин-техника махсулотини ишлаб чиқариш учун техник топшириқларни тайёрлашда тегишли стандарт ва нормаларга мувофиқ унинг белгиланган вақт (ресурс) ичида ишдан чиқмаслиги (бузилмаслиги)га қатъий талаблар белгиланади. Мисол учун, ёнғин ўчириш автостернасида ўрнатиладиган ёнғин ўчириш насоси ва узатмасининг ишдан чиқишгача гамма-фоизи $\gamma=80\%$ бўлиши, у “ПН-40УВ” насоси учун 150 соатдан ва “НЦП” насоси учун 200 соатдан кам бўлмаслиги кераклиги ёки ёнғин ўчириш автомобилнинг биринчи капитал таъмиргача махсус агрегатларнинг гамма-фоизи $\gamma=80\%$ ресурси 1500 соатдан кам бўлмаслиги кўрсатилади. Гамма-фоизли ресурс, узок хизмат қилиш (яроқлилиқ) гуруҳига кирувчи ягона кўрсаткичлардан бири бўлиб, белгиланган эҳтимолларда хизмат (иш) вақтида сўнгги чегаравий ҳолатга етмаслигини тавсифлайди, яъни оддийгина қилиб айтганда буюм (агрегат ёки механизм) ишлаш вақтининг γ эҳтимоли билан ишдан чиқиш (бузилиши)нинг чегаравий ҳолатга етмаслигини фоизларда ифодаловчи йиғинди.

Ёнғин ўчириш автомобилларининг ишончлик даражасини баҳолаш учун уларнинг техник ҳолатини ўзгариши, ишдан чиқиш ёки бузилиш ва қисмлари (агрегат, узеллари)ни ишлаши тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш, ўрганиш ва қилиш лозим. Буюмларни ишдан чиқиш ҳолатлари қилиниб, нафақат уларнинг ишончлилиги балки ишдан чиқишнинг сабаблари ҳам аниқланади.

Хулоса қилиб айтганда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган ёнғин ўчириш автомобилларининг ишончлилигини баҳолаш ҳамда келгусида уларни эксплуатацияси билан боғлиқ муаммоларни ишлаб чиқарувчи билан ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида таянч (базавий) гарнизонларни белгиланиши ва улар томонидан автомобилларни эксплуатацияси билан боғлиқ маълумотларни тўплашни ташкиллаштириш лозим. Ушбу гарнизонлардан келадиган маълум

мотлар ёнгин хавфсизлиги бўлинмаларида фойдаланишда бўлган янги ёнгин ўчириш автомобилларидаги агрегат ва тизимларнинг техник ҳолатини ўзгариши, автомобилларни ва уларнинг таркибий қисмларини ишдан чиқиши (бузилиб қолиши) тўғрисидаги маълумотлардан ташкил топиши лозим.

Кўрсатилган маълумотларни тўплаш учун тегишли ҳисоб-қайд ҳужжатларини юритилиши керак. Буларни кузатувлар журнали (ёки махсус статистика қайд варақалари) ва маълумотлар харитаси мисолида кўриб чиқиш лозим. Кузатувлар журнали назоратдаги (кузатувдаги) ҳар бир ёнгин ўчириш автомобилига юритилиб, ҳайдовчи томонидан носозликларни аниқланишига қараб тўлдириб борилади ва унда ишдан чиқиш ёки бузилиш ҳолатлари, уни қайта тиклашга сарфланган вақт қайд этилади. Маълумотлар харитаси кузатув журналида қайд этилган маълумотларни тўплаб, ёнгин ўчириш автомобилларини ишончилиги тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш билан шуғулланувчи юқори ташкилот (ҳудудий бошқарув органига, сўнг марказий бошқарув органига) тақдим этилади. Харита масъул шахс томонидан даврий равишда кузатув журналидан олинган маълумотлар билан тўлдириб борилади.

УДК 502/504.5;574

ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЭКОЛОГИЯГА ДОИР МУАММОЛАР

Арипов О.А., доцент; **Алимов Х.Л.**, доцент; **Холбоев З.Х.**, катта ўқитувчи
Наманган муҳандислик қурилиш институти

Мақолада қурилиш соҳасининг ривожланиши ва бу соҳани ривожда экологик муаммоларнинг юзага келаётганлиги таҳлил этилган. Қурилишни амалга оширишда экологик муносабатларнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади.

В статье анализируется развитие строительной отрасли и возникновение экологических проблем в развитии этой отрасли. Подчеркивается важность экологических отношений в реализации строительства.

The article analyzes the development of the construction industry and the occurrence of environmental problems in the development of this industry. The importance of environmental relations in the implementation of construction is emphasized.

Чоу В.Т. Гидравлика открытых каналов. Литература по строительству. М., 1969. - 464 с.

Карман Т. Механическое подобие и турбулентность. В сборнике «Проблемы турбулентности», ОНТИ, М., 1936, стр.271-286

Троицкий В.П., Уралов Б.Р. Влияние формы безнапорного цилиндрического канала и шероховатости на потери напора. Охрана окружающей среды от загрязнения промышленными выбросами ЦБП,

Межвузовский сборник научных трудов, вып. 9., Л., 1981, с.52-57

Wagner H. Beitrag zur Abflussberechnung offener Gerinne. Wissenschaftliche Zeitschrift der Technischen Universität Dresden. 1972, Heft 3, S. 641-648.

Bazin H. Recherches experimentales sur l'écoulement de l'eau dans les canaux découverts. Met.

presentes p. divers Savants a l'Academie des Sciences, Paris, 1865, 652p.

Мамажанов М., Уралов Б.Р., Хидиров С. Влияние гидроабразивного износа деталей центробежных и осевых насосов на эффективность эксплуатации оросительных насосных станций. ISSN 2181-8584, журнал "Ирригация и мелиорация", №1(15), Ташкент, 2019, с. 37-43.

УДК 628.349.94.3

ГИЛАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ ОҚОВА СУВЛАРИНИ ТОЗАЛАШ УСУЛЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Устемиров Ш., ассистент; Улугбеков Б., ассистент
Жиззах Политехника институти

Мақолада гилам ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувларини тозалашда физик-кимёвий услубини тадқиқ этиш ҳозирги кундаги долзарб муаммолардан биридир, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, экологик нуқтаи назардан аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб беришда сув ҳавзаларига ишлаб чиқариш оқова сувларини тозалаб ташлаш масалалари келтирилган. Айниқса гилам ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувларининг маҳаллий тозалаш иншоотлари ўрнига қулай ва компакт қурилмаларни яратишга бўлган талаб йилдан йилга Республикамизда ошиб бормаётгани таъкидланган.

В статье рассмотрены вопросы исследования физико-химического метода очистки сточных вод предприятий по производству ковров является одной из актуальных проблем в настоящее время, с точки зрения охраны окружающей среды, с экологической точки зрения, в обеспечении населения чистой питьевой водой, производство в бассейнах с целью очистки сточных вод. В частности, спрос на создание удобных и компактных устройств вместо местных очистных сооружений на сточных водах предприятий по производству ковров из года в год растет в республике и приводит к дальнейшему росту.

The study of the physical and chemical method of waste water treatment of carpet production enterprises is one of the most urgent problems at the present time, from the point of view of environmental protection, from an environmental point of view, in providing the population with clean drinking water, production in pools for the purpose of wastewater treatment. In particular, the demand for creating convenient and compact devices instead of local wastewater treatment plants for carpet production enterprises is growing year by year in the Republic and leads to further growth.

Калит сўзлар: Флотация, синтетик ПАВ, адсорбция, азон, буёк, эритма, фаол мода.

Маълумки Республикамизда пахта толаси ҳам ашё сифатида узоқ йиллар саналиб келинган, лекин мустақиллигимизни шарофати билан бугунги кунда пахта толасига тўлиқ ишлов бериш ва тайёр маҳсулот сифатида аввало ўзимизнинг эҳтиёжларимизни қондириш, қолаверса четга экспорт қилиш масаласи қўйилган.

Сувни муҳофаза қилиш объектларининг қурилиши ва сувни қайта ишлатиш тизими қувватини ошириш, сув манбаларини умуман қуришдан ёки ифлослантиришдан яхшироқ муҳофаза қилиш, корхоналарда сувдан фойдаланишнинг нооқова тизимини қўллаш ва шунингдек, сув хўжалиги комплексларини бошқаришнинг автоматлашган тизимини ташкил этиш, олдимизда турган долзарб масала ҳисобланади.

Гилам ишлаб чиқариш корхоналарининг кўп сув истеъмол қилувчи корхоналардан бири бўлиб, сув эритувчи модда сифатида қўлланиладиган (бўяш оқартирув, эритмаларни тайёрлаш ва ишлов берилган ип ёки материални узлуксиз узоқ ювиш учун) экстракция жараёни ва қурилмаларни совитиш учун ишлатилади. Технологик жараён учун ишлатиладиган сувнинг 70 – 75 % ҳам ашё ва ярим фабрикатларни (ип,

газлама) ювишга ишлатилади.

Гилам ишлаб чиқариш корхонасида ҳосил бўлган оқова сувлар мураккаб гетроген тизим ҳисобланади, шунингдек оқова сувдаги ифлосланиш аралашма ҳолида, каллоид, аралашмаган ва шунингдек қалқиб юривчи кўринишда бўлади. Тоза сув ҳавзаларига гилам ишлаб чиқариш заводи оқова сувларини чуқур тозаласдан, шунингдек шаҳар канализациясига талаб этилган даражада, яъни шаҳар канализацияси биологик тозалаш жараёни тизимини бузмаслиги учун маҳаллий тозалаш талаб этилади.

Гилам ишлаб чиқариш корхоналарида оқова сувни тозалашда ишлатиладиган методлар сувни тайёрлашда ҳам, кимёвий технологик жараёнларида: ҳам тиндириш, филтрлаш, сузиб олиш, кимёвий қайта тиклаш, адгезия, адсорбция, кучли кислоталар оркали деструкциялаш, флотация ҳам қўлланади.

Гилам ишлаб чиқариш корхоналари сув хўжалиги системасида оқова сувларни тозалашда кенг миқёсда қуйидаги методлар қўлланилади: ишлаб чиқариш оқова сувларидан синтетик ПАВ, буёк ва эриган моддаларни, ажратиш учун ишлатиладиган кўпикли флотация

юкори молекулярли коллоидли ва эриган моддаларни ажратиш учун гидрооксидли амалий ва темирли адсорбция, кимёвий тиклаш (темир кукунины кислотали муҳитда аралаштириш ва суюкликни тиндириш йўли билан) жун ювилган оқова сувдаги чидамли суспензияларни кимёвий парчалаш; концентратланган оқова сувларда органик моддаларни суюк фазали ачиштиш; буғлантириш; органик моддани биокимёвий дистрикцияси. Қуйида гилам ишлаб чиқариш заводи оқова сувларини тозалаш учун ишлатилган усулларнинг қисқача тарифи келтирилган.

Флотация усули билан оқова сувларни тозалаш ҳаво пуфакчалари билан ўзаро таъсири ва флотация қисмлари ҳаво пуфакчалари системали равишда юзага кўпик ҳолатда қалқиб чиқиши ётади. Синтетик ПАВларнинг филтрланиши уларнинг кўпиклана олиш хусусияти билан боғлиқ; юзадаги фаол модданинг кўпиклана олиш хусусияти канчалар юкори бўлса, суюкликдан унинг филтрланиши шу қадар кўп бўлади.

Агар аралашма таркибидаги ПАВ кўпикланишга кумаклашибгина қолмасдан шу билан бирга ифлосланган сув таркибидаги кўпикланмайдиган бошқа компонентлар билан ўзаро таъсирлаша олса, бу усулнинг самарадорлигини янада орттиради. Уларнинг ўзаро таъсири характери шундай бўлиши керак, ҳосил бўлган флотоагрегатлар сув-ҳаво фазаси булимида концентратланса ва қуюқ, қукун ҳосил қилинса. Кўпикли флотация усулини оқова сувдаги куйкалар, буёқлар ва ишлов бериш препаратларини ажратиш учун куллаш мумкин.

Буёқларнинг ионли флотациясининг самарадорлигига рН аралашмасини юқорилиги таъсир этади. Тозалаш кўрсаткичининг ошиши электр диссоцияси даражаси билан улчанади. Шу муҳитда ОП-10 типдаги ионогенли булмаган ПАВ ўзини катионлигига ухшаб тутадилар ва сувда осонгина бирикмалар ташкил топмагунча шундай ҳолат давом этади. Дисперс ва кубли буёқдар анион ПАВ иштирокида деярли флотацияланмайди, чунки уларда гидрофиллик кучли.

Флотация методи билан тозалаш, кўрсаткичлари қуйидагиларниташкил этади: улчамли моддаларда 50-70% ККЭ=26-30%, КБЭ=28-32%, бу ҳолатда ионоген булмаган ПАВ концентратцияси 60% камаяди, анионлиси эса -42% га, уларнинг аралашмаси -47-50% га камаяди.

Адсорбция усули эритмадан эриган органик моддаларни адсорбентларга ютилишига асосланган, яъни адсорбентларни ютиш қобилиятига асосланади. Бу усул тўлиқ тозаланмаган оқова сувларни тозалашда яхши самара беради ва бошқа унсурлар билан специфик ифлосланишнинг олдини олади. Бу усул бошқача усул

куллаш мумкин бўлмаган ҳолда ишлатилиши мақсадга мувофиқ.

Эритма модданинг адсорбцияси унинг молекуласи эритма ҳажмидан юкорига кутарилган ёки адсорбент ҳажми юза кучи таъсирида кутарилганининг натижаси бўлади.

Адсорбция унинг молекуласида органик эритма таркибида иккиламчи боғлиқдик ва хушбуй таркиб булганда жуда фаол ўтади. Адсорбцияга фаоллашув модда молекуляр массасининг ошиши билан кучаяди, шунинг учун буёқдар синтетик ПАВ ва ишлов бериш препаратлари, агарда улар учун углеводород радикали ёки хушбуйлар асосида бўлса, минерал тузлар йирик мицеллар ассоциясида бўлса сувли эритмалардан, якка молекулярдан кура бутун кўпроқ энергия билан ажралади. Адсорбцияга у ёки бу сорбентнинг мойиллиги Ғадс катталиги билан баҳоланади. Факатгина адсорбция куч системасида харакатланаётган сумма фарқи ва гидротация энергияси камлиги билан фарқланади.

Адсорбцион тозалашнинг қулай усулларидан бири оқова сувни пастдан юкорига фаоллашган кумир ёрдамида филтрлаш (бунда даставвал сувдан улчамли моддаларни ажратиб олишни унутмаслик керак). 1-жадвалда 25 мг/л неоген ПАВ, 12 мг/л кислотали буёқлар ва 200 мг/л га яқин натрий хлоридли оқова сувни фаоллашган кумир ёрдамида тозалаш, яъни филтрлаш жараёни тавсифланган.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, тозалашнинг адсорбцион усули ишлаб чиқаришдаги оқова сувлардан специфик чиқиндиларни ажратиб олишда жуда самаралидир. Улар эса ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳаларида жуда қулай хомашё ҳисобланади.

1 - жадвал

Гилам ишлаб чиқариш корхоналарида моделлашган оқова сувларни адсорбцион тозалашнинг натижаси

| 1кг/л Активлаштирилган кумирдан утказилган эритма ҳажми | Концентрация, мг/л | Буёқларнинг ажралош самардорлиги, % |
|---|-----------------------|-------------------------------------|
| | Неионоген ПАВ буёқлар | |
| 200 | 0.8-0.2 | 90 |
| 230 | 1.7-3.5 | 85 |
| 265 | 2.8-4.0 | 84 |
| 300 | 4.0 | 84 |

Гилам ишлаб чиқариш корхонасида бўлган, рангли оқова сувларни рангсизлантиришнинг кимёвий қайта тиклаш усули бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаси адабиётларда келтирилган.

Усулнинг замирида аксарият буёқларнинг таркибига кирадиган биокимёвий чидамли азот ва нитроқўшилмалардан амина кўшилмаларгача бўлган ҳолати қайта тиклаш бўлади.

Тозалангандан кейинги оқова сувга кўйилган талаблар, ўзига хос чиқиндилардан қайта тиклаш усулининг имкониятлари чегаралан-

ганлиги бу методнинг кенг миқёсда қўлланишига тускинлик қилади.

Гилям ишлаб чиқариш корхоналари буяш ва ишлов бериш цехларидаги оқова сувларга ишлов бериш икки босқичда олиб борилади: бўёқларни ажратиш олиш, бунда оқова аралашмасидаги бўёвчи моддаларни азонлаштириш ва азон билан ишкорлаш назарда тутилади. Бу тадқиқотларнинг натижаси оқова сувларда бўёқ интенсивлиги 1:256-1:2024 бўлганда: рангсизлантириш даври-50-240 мин, азон миқдори 72.5-1:20, рангсизлантириш самарадорлиги 79-82%. Концентрацияси 75-100 мг/л бўлган модел системали бўёқларни азонлаштириш шуни кўрсатадики, узок муддат азонлаштирилганда, азон миқдори 29-41 мг/л бўлганда рангсизлантириш самарадорлиги 98% га ошди.

Оқова сувда бошқа чиқиндилар билан аралашма ҳолатидаги бўёқлар қийинрок ишкорланади. Тадқиқотлар натижаси шуни курсатадики, энгил саноат корхоналаридаги оқова сувларни тозалаш учун узок муддат ишлов бериш (42 соат) ва катта миқдорда азон ишлатиш (444 мг/л гача) диссертация усули қўлланилиши мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатади.

Гилям ишлаб чиқариш корхоналари оқова сувларини тозалаш хақидаги адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиб шундай хулосага келиш мумкин. Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига кўп миқдорда сувнинг сарфланиши, оқова сувларнинг мураккаб таркиби, ишлатилган сувнинг сифатига кўйилган катта талаблар, реагентларнинг технологик жараёнида йўқотишларга йўл қуймаслик учун кўп оқова сувларни тозалаш вазифасини ва улардан бир вақтнинг ўзида камёб маҳсулотни ажратиш олиш вазифасини қийинлаштиради. Афсуски,

юқоридаги усуллар энгил саноат корхоналаридаги оқова сувларни тозалаш ва тозалаш системасини барпо эта олмайди.

Ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган усуллар ичида алоҳида уринни тескари осмос ва ультрафилтрация усули эгаллаб турибди. Бу методлар халқ хужалигининг деярли ҳамма соҳасида яхши самара берувчи ҳисобланади, бунга эҳтиёж бўлганда, тозалашда органик эритма ёки минерал моддаларни концентрациялашда кўриш мумкин. Айни дамда бу усул чет эл энгил саноатларида қўлланилиб, янги йўллари излаб топиш ва юқори кўрсаткичларга эришиш учун изланишлар олиб борилмоқда.

Кўриб чиқилган адабиётларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкин, яъни “Гилям” ишлаб чиқариш корхоналаридаги оқова сувларни тозалаш учун флотацияни қўллаш бу масалани ечими бўла олади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар:

1. Жуков А.И., Монгайт И.А. и др. «Канализация промышленных предприятий». — М.: Стройиздат., 1989., с 374.

2. Когононовский А.И., Клименко Н.А. «Физико-химические методы очистки промышленных сточных вод от ПАВ». - Киев.: Наукова думка.1984., с 158.

3. СЭВ, ВНИИ Водгео «Укрупненные нормы водоотведения для различных отраслей промышленности» М., Стройиздат, 1978

4. Международная научно-практическая конференция. Наука и практика: проблемы, идеи, инновации. Камская государственная инженерно-экономическая академия (филиал в г. Чистополь) - 2009.

5. Шифрин С.М., Краснобородько М.Г. «Новый метод очистки сточных вод красильно - отделочных фабрик». - В.сб.: М., 1991, с 5-8.

УДК 628.543.504.61

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДЛАРИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИК СУВ ТАЪМИНОТИ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕХНИК СУВЛАРНИ СИФАТ КЎРСАТКИЧИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Мирзаев Абдиалим – техника фанлари номзоди
Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

В статье проведен анализ химико-технологических водных систем предприятий нефтеперерабатывающей и нефтехимической промышленности. Рассмотрены их системы водоснабжения и системы технических вод. Показано, что в предприятиях степень очистки технических вод не достигает установленных нормативных показателей.

The article analyzes chemical and technological water systems of oil refining and petrochemical industry enterprises. Their water supply systems and technical water systems were reviewed. It is shown that the maximum degree of technical water treatment does not reach the established standard indicators.

Калитли сўзлар: нефт маҳсулотлари, қайта ишлаш, тизим, техник сув, сув таъминоти, завод, бензин, керосин, технологик қурилмалар.

Ривожланиб келаётган мамлакатимизда жамият фаровонлигини асосий кўрсаткичларидан бири - бу истеъмолчиларнинг узлуксиз ва ишончли сув хавзалари билан таъминланганлик

даражасидир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 4 майдаги “2017-2021 йилларда ер ости ва ер усти сув захираларидан

оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди. Унда ер ости ва ер усти сувларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни йўлга қўйиш, самарали мониторинг тизимни яратган ҳолда уларнинг захираларини яна кўпайтириш, камайиб кетиш ва ифлосланишдан муҳофаза қилиш, шунингдек, узоқ муддатли истиқболда ичимлик сув таъминоти, саноат корхоналари учун ишлатиладиган техник сувларни тизимларини ривожлантириш ва модернизациялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ва мақсадли дастурларни амалга ошириш асосида республикада аҳолиси сифатли ичимлик суви ва саноат корхоналарини техник сувлари билан таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Демак, юқорида келтирилган фикрлардан шуни англашимиз мумкинки, табиий сув ресурсларидан тўғри фойдаланиш ва аҳолини ҳамда саноат корхоналарини барча талабларга жавоб бера оладиган тоза ичимлик ҳамда техник сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш ва уни узлуксиз етказиб беришда тўсқинлик қилаётган муаммоларни ечиш асосий мақсад ва вазифамиз эканлигини тушуниб етамиз. Табиий сувларни энг кўп сарф қиладиган соҳаларидан бири Республикада нефтни қайта ишлаб чиқариш саноат корхоналаридир, яъни Республикадаги умумий сув сарфини 5-6 % нефтни қайта ишлаш заводларида нефтмаҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда заводнинг хўжалик-маиший юмушларига сарф бўлади. Булардан кўриниб турибдики, нефтни қайта ишлаш ишлаб чиқариш саноат корхоналарига талаб даражасидаги етарли миқдорда ва сифатли сув етказиб бериш ҳамда қўлланиладиган техник сувларни тозалаш ва қайта фойдаланиш Ўзбекистон шароитида ўта долзарбдир.

Ўзбекистондаги замонавий нефтни қайта ишлаш заводлари ишлаб чиқариш жараёнлари учун миллионлаб метр кублаб сувларни айланма сув тизимида ишлатади. Бундан ташқари тоза техник сувлар, ёнғинга қарши, хўжалик-ичимлик юмушлари учун ва заводга қарашли ишчилар яшайдиган уйлар мажмуаси учун ҳам ишлатилади. Сарф бўладиган сувларни (нефтни қайта ишлаш учун) миқдори ва таркиби нефтни таркибига яъни, олингурутни оз, ўртача ва ва кўп бўлишига, чуқур ишлов бериш даражасига, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар турига, температурасига ҳамда маҳсулотни тайёрлаш даражасига боғлиқ. Сув заводда асосан қуйидаги юмушлар учун ишлатилади, яъни нефт маҳсулотларини совутиш, ускуналарни совутиш, нефтни тузсизлантириш, ишқорийлик оширилгандан кейин ёқилғини ювиш, ишқорийли эритмаларни тайёрлаш ҳамда бошқа технологик юмушлар учун. Нефтни қайта ишлаш заводлари асосан бешта турга бўлинади: I – нефтга

чуқур ишлов берадиган шаклли иссиқ завод; II – нефтга чуқур ишлов берадиган шаклли завод; III – нефтга ўртача ишлов берадиган шаклли иссиқ ёғли завод; IV – нефтга чуқур ишлов берадиган шаклли иссиқ - ёғли завод; V – нефти-кимёвий ишлаб чиқаришли ҳамда нефтга чуқур ишлов берадиган шаклли иссиқ ёки иссиқ - ёғли завод.

I – турдаги завод шакли иссиқхоналарда ишлатиладиган ёқилғиларни максимал даражада ишлаб чиқаради, ҳамда қуйидаги товар маҳсулотларини ишлаб чиқади: ҳар хил маркали бензинларни, керосин, ёзги ва қишки дизел ёқилғиларини, ароматли углеводородларни, сиклиланган углеводородларни, газларни, ҳар хил маркали битумларни, ҳамда олтингурутларни ишлаб чиқаради.

II – турдаги завод шакли ранги тиниқ маҳсулотларни кўпроқ даражада ишлаб чиқаради (бензинлар, керосинлар ва бошқалар) ва иккинчи ишлов бериш ҳисобига юқори сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни йўлга қўяди. Замонавий ўрнатилган қурилмаларни юқори активликка эга бўлган бензинларни ишлаб чиқади. Бу заводда абла-бензинлар, иссиқхоналар учун ёқилғилар ва бошқалар ишлаб чиқилади.

III – турдаги завод шакли мазут маҳсулотларини ишлаб чиқариш амалга оширилади, бундан ташқари саноат корхоналари учун керак бўлган ёғларни, ёғлаш маҳсулотларини барча турларини ишлаб чиқади.


IV – турдаги завод шакли нефтга чуқур ишлов бериш иссиқ-ёғловчи материалларни юқори сифатлиларини ишлаб чиқади.

V – турдаги завод шакли нефтикемёвий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи ҳисоб ланади, бу маҳсулотлар нефтга чуқур ишлов бериш йўли билан амалга оширилади. Ҳамда қўшимча этилен, полиэтилен полипропилен, бензол полистирол ва бошқа ҳар хил маҳсулотларни ишлаб чиқади.


Ўзбекистон шароитида нефтни файта ишлаш заводларида қўлланиладиган замонавий техник сув таъминоти тизимларидан, яъни нефтни қайта ишлаш заводини сув таъминоти тизимини умумий принципаал шакли (1-расмда) келтирилган ва нефтни қайта ишлаш заводини блокадаги айланма сув таъминоти тизимини шакли (2-расмда) кўрсатилган [1].

Нефтни қайта ишлаш заводида нефт маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун сарф бўладиган, ёнғинга қарши ишлатиладиган ва хўжалик-маиший ичимлик сувлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат стандарти бўйича сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабларга асосланиб қабул қилинади. Техник тоза айланма сувларни сифат кўрсаткичларини талаблари I-жадвалда келтирилган. Ишлатилгандан кейинги

сувнинг маҳсулотлари билан ифлосланиши даражаси 2-жадвалда келтирилган [2].



1-расм. Нефтни қайта ишлаш заводи сув таъминоти тизимининг принципиал шакли: 1-қирғоқдаги насос станция; 2-иккинчи босқичли насос станция; 3-технологик қурилмалар; 4-айланма сув таъминоти блоги; 5-ёнғинга қарши сув таъминоти насос станцияси; 6-моддий товарлар сақлаш базаси парки; 7-тозаланган техник сувларни узатиш насос станцияси. Қувурлар: -паст босимдаги тоза сув; - ёнғинга қарши ишлаб чиқариш сув таъминоти; - ва – паст ва юқори босимли тозаланган техник сув; -айланма совутадиган сув; -айланма иссиқ сув.



2-расм. Нефтни қайта ишлаш заводини блокадаги айланма сув таъминоти тизими шакли: 1-нефтажратувчи; 2-иссиқ сувлар камераси; 3-ювиш учун ишлатиладиган сувларни йиғими баки (ҳажми); 4-насос станцияси; 5-ювиш сув ҳажми; 6-филтирлаш (сиздириш) қурилмаси; 7-реагентлар узели; 8-градирни (совиткич қурилмалари); 9-совутилган сув камераси, қурилмалари; I, II, III – иссиқ совутиш ва филтирланган сувлар; IV-тоза техник сув; V-биологик тозаланган техник сув, I-тизимдаги; VI-филтирларни ювгандан кейинги сув; VII-зарарсизлантириш қурилмасида ишлаш (чўкма); VIII-нефт маҳсулотларини бўлиш, ажратиш; IX-қўрғошин купороси эритмаси; X-ингибитр; XI-хлорли сувлар.

1-жадвал
Техник тоза ва айланма сув таъминоти тизимидаги сувларни сифат кўрсаткичлари

| Кўрсаткичлар | Кўрсаткичларни мазмуни | |
|--|---|-----------------|
| | Айланма сув таъминоти тизимидаги тозаланган сув | Тоза техник сув |
| Температура, °С | ≤ 25 | ≤ 15 |
| Нефт маҳсулотлари, мг/л | ≤ 25 | - |
| Лойқалиги, мг/л | ≤ 25 | 100 |
| Ҳиди балл | ≤ 3 | - |
| Қаттиқлик, мг-эқв/л вақтинчалик доимий | ≤ 5 | 2,5 |
| Тузларни миқдори, мг/л | ≤ 15 | 3,3 |
| Cl, мг/л | ≤ 2000 | ≤ 500 |
| SO ₄ , мг/л | ≤ 300 | ≤ 50 |
| pH | ≤ 500 | ≤ 130 |
| | 7,5÷8,5 | 7,5÷8,5 |

2-жадвал
Нефтни қайта ишлаш заводидида ишлатилган сувнинг нефтмаҳсулотлари билан ифлосланиши даражасини кўрсатувчи жадвал

| Айланма сувни ифлосланиш даражаси | Концентрация, мг/дм ² | |
|-----------------------------------|----------------------------------|---------------------------|
| | НКИЗ дан кейинги кўрсаткич | Ҳавза учун меъёр даражаси |
| Нефт маҳсулотлари | 7,9 | 0,05 гача |
| Фенол | 1,3 | 0,01 гача |
| Хлоридлар | 540 | 300 гача |
| Сульфатлар | 146 | 100 гача |
| Лойқалиги | 7,9 | - |
| ХПК | 1230 | 15 гача |
| Аммоний азоти | 52 | 0,39 гача |
| БПК ₅ | 64 | 3 гача |

Ўзбекистон шароитидаги нефтни қайта ишлаш заводларида фойдаланилиб, қайта тозалашга юборилаётган техник сувларни таркибини ўрганиб, қуйидагиларни аниқладик: нефтни таркибида мураккаб ҳар хил кимёвий аралашмалар мавжудлиги, айниқса углеводородлар 50-98% ни ташкил қилиш аниқланди. (3-жадвал)

Нефтни қайта ишлаш заводларида фойдаланилган техник сувларни ифлосланиши даражаси тадқиқ қилиниб, таркиби аниқланади (4-жадвал).

3-жадвал
Нефт маҳсулотларини таркибида углеводородларни улуши %

| Компонентлар | Хом нефт | Бензин |
|---|----------|---------|
| Алифатикли ёки парафинли (алканлар) углеводородлар | 15-55 | 25-68 |
| Циклопарафинли углеводородлар | 30-50 | 5-24 |
| Ароматли (бензин ва полинуклар қўшимчалар) углеводородлар | 5-20 | 7-55 |
| Асфалтли (гидроциклик моддалар, кислород. Олтингугурт, азон) углеводородлар | 2-15 | 0,1-0,5 |
| Олефинлар | 0 | 0-41 |

4-жадвал
Нефтни қайта ишлаш заводларида фойдаланилган техник сувларни таркибини ифлосланиш даражасини тавсифи

| Ифлослантурувчилар номи | Микдори, мг/л |
|----------------------------------|---------------|
| Нефтмаҳсулотлари | 400-15000 |
| Шу жумладан: томчили (аралашган) | 350-14700 |
| Эмулгирланган | 50-300 |
| Эриган | 5-20 |
| Кўрик қолдик | 600-850 |
| Оловда топланга куруқ қолдик | 300-600 |
| Тэтраэтилкўрғошин | 1-2 |
| ББЭ ₅ | 140-700 |
| Актив реакция (рН) | 7,2-7,8 |

Техник сувларни тозалаш учун қуйидаги тозалаш иншоотлари қўлланилади: тинитиш; филтрлаш (сиздириш); ачитиш; ишқорлаш; юмшатиш; темирсиэлантуриш; зарарсиэлантуриш. НКИЗ-ларидаги айланма сувларга қуйидаги ишловлар бериледи: нефт маҳсулотларидан тозалаш учун тинитиш, нефтни ажратувчиларни механик аралашмалардан тозалаш, филтрлаш, ингибитирлаш, хлорлаш ва ачитиш [1].

Нефтни қайта ишлаш заводларидан чиққан техник сувни тозаламасдан сув ҳавзаларига ташланса, сувни хўжалик-маиший юмушлари учун ҳам фойдаланишига ярқисиз қилади ва ҳавзадаги (сув манбасидаги) тирик организмларни ҳаммасига негатив таъсир қилади (5-жадвал), бу жадвалда нефт ва нефтмаҳсулотларини ҳавзадаги сувни органолептик хоссасига ва жонзотларнинг организмга таъсир даражаси кўрсатилган [1].

Ўзбекистон шароитида нефтни қайта ишлаш заводларида қўлланиладиган замонавий техник сув таъминоти тизимлари ва қўлланиладиган техник сувларни сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларни қилишимиз мумкин, яъни нефтни қайта ишлаш заводида қўлланиладиган сув таъминоти тизимларини мавжуд турларини қўлланилиши соҳаси таҳлил қилинади, натижада Ўзбекистон шароитига тўғри келадаган нефтни қайта ишлаш заводи-ни сув таъминотини айланма тизими танланди;

УДК.674

ТУРАР ЖОЙ БИНОЛАРИДА БАХОР ЁЗ ҚИШ ОЙЛАРИ ШАРОИТДА ЭКСПЛУАТАЦИЯ ҚИЛИШГА ТАЁРЛАШ ВА ТАДҚИҚ ҚИЛИШ.

Алимов Х., Чўлпонов О., Қаюмов Д., Наманган меъморчилик курилиш институти
Ғойибов О., Самарқанд давлат архитектура курилиш институти

Зимние месяцы - очень сложный период для технической эксплуатации инженерных систем, конструкций и оборудования зданий. В этот период сантехнические системы работают под высоким напряжением. Внешние барьерные конструкции зданий подвергаются воздействию переменных температур. Сильные ветровые нагрузки при низких температурах позволяют комнатам остывать. Это приводит к нарушению нормального температурно-влажностного режима в помещении при определенных условиях.

Ключевые слова: инженерные системы, эксплуатация, центральное отопление, холодное водоснабжение, газоснабжение, чердаки, отопление, водопровод.

мавжуд нефтни қайта ишлаш заводларини сув таъминоти тизимини шакллари ўрганилди, натижада груҳлашган (комплекс) сув таъминоти тизимини шакли танланади

5-жадвал
Нефт ва нефт маҳсулотларини ҳавзадаги сувни органолептик хоссаларига ва сувдаги тирик мавжудотларнинг организмга таъсир даражаси

| Аралаш-малар (моддалар) | Бошланғич таъсир қилувчи концентрациялар (аралашмалар), мг/л | | | | Ҳавзадаги РЧУ, мг/л | |
|-------------------------|--|---------------------------|----------------------------|--------------------------------|-------------------------------|--|
| | Сувни орго-налептик хусусиятига таъсири | Ҳавзани са-нитар холатига | Тирик орго-низмга таъ-сири | Хўжалик ичимлик ва маиший сув- | Балиқчилик хўжалигига таъсири | |
| Кўп ол-тингурут-ли нефт | 0,1 | 3 | - | 0,1 | 0,05 | |
| Ҳар хил нефтлар | 0,3 | 3 | 300 | 0,3 | 0,05 | |
| Мазутлар | 0,3 | 3 | - | 0,3 | 0,05 | |
| Бензин | 0,1 | - | - | 0,1 | 0,05 | |
| Керосин | 0,1 | - | - | 0,1 | 0,05 | |
| Бензол | 5,0 | 25 | 0,5 | 0,5 | 0,5 | |
| Толуол | 0,5 | 25 | 200 | 0,5 | 0,5 | |
| Ксилол | 0,05 | 1 | 0,1 | 0,05 | 0,05 | |
| Стирол | 0,14 | 10 | 1000 | 0,1 | 0,1 | |
| Нафтенли кислоталар | 0,3 | 100 | 200 | 0,3 | - | |
| Этилен | 0,5 | 10 | 1,5 | 0,5 | - | |
| Пропилен | 0,5 | 10 | 1,5 | 0,5 | - | |
| Темраэтил | 0,5 | 10 | 1,5 | 0,5 | - | |
| Кўрғошин | учрамайди | | | | | |

Адабиётлар:

1. Абдурахимов Ю.Р., и другие Анализ химико-технологических водных систем нефтеперерабатывающих и нефтехимических предприятий. Электронный научный журнал "Нефтегазовое дело", 2011, №6. 22-257 стр.
2. O'z DSt 951:2011. Государственный стандарт Узбекистана. Источники централизованного водоснабжения. Гигиенические, технические требования и правила выбора. Издание официальное. Г. Ташкент-2011. стр. 8.

The winter months are a very difficult period for the technical operation of engineering systems, structures and equipment of buildings. During this period, plumbing systems operate under the highest voltage. The external barrier structures of buildings are exposed to variable temperatures. Strong wind loads at low temperatures allow the rooms to cool. This leads to a violation of the normal temperature and humidity regime in the room under certain conditions.

Key words: engineering systems, operation, central heating, cold water supply, gas supply, attics, heating, water pipes.

Қиш ойларида биноларнинг муҳандислик тизими, конструкция ва қурилмаларини техник эксплуатация қилиш борасида анчагина мураккаб давр ҳисобланади. Бу даврда санитар техник тизимлар энг юқори зўриқиш остида ишлайди. Биноларнинг ташқи тўсиқ конструкциялари ўзгарувчан температура таъсирида бўлади. Паст температурада кучли шамол юклари хоналарни совушига шароит яратади. Бу эса маълум шароитларда хоналардаги меъёрий температура намлик режимини бузилишга олиб келади.

Таянч сўзлар: муҳандислик тизими, эксплуатация, марказий иситиш, совуқ сув таъминоти, газ таъминоти, чордоқ ораёпмалар, иссиқлик, сув қувурлари.

Биноларни қиш ойларига тайёрлаш режасини тузишда, биринчи навбатда иссиқлик таъминоти манбалари, иссиқлик трассасини ремонт қилишни, ҳамда ўтган иситиш ойларида аниқланган иситиш тизимларидаги, иссиқ ва совуқ сув таъминоти ва бошқа муҳандислик тизимларидаги камчилик ва нуқсонларни бар-тараф этиш кўзда тутиш лозим.

Тизимлардаги бошқарув ва беркитувчи арматураларини яхши текшириш биноларини қиш ойларида эксплуатация қилишдаги муҳим иш ҳисобланади. Қишга тайёрланиш вақтида марказий иситиш ва совуқ сув таъминоти, газ таъминоти ва ташқи коммуникациялар тизимни график схемаларини текширишни ва қайта тиклаш лозим. Улардаги беркитиш-бошқарув арматураларининг жойлашувини аниқ кўрсатиши керак. Ремонт ишларида вужудга келган муҳандислик-техник тизимлардаги барча ўзгаришлар бошқарув тизимларида албатта ўз аксини топиш лозим.

Иситиш ойлари тамом бўлиши билан капитал ремонт талаб қилмайдиган маҳаллий ўтхона ва иситиш тизимлари консервация қилиниши лозим. Консервация қилинишдан аввал қозон қурилмаларини янги иситиш ойларида меъёрий эксплуатация қилиниши таъминловчи жорий ремонт бўйича барча ишлари бажариши лозим.

Шулар билан бирга ўтхона ва иситиш тизимларини консервациядан чиқариш (иситиш ойлари бошланишга икки ҳафта қолганида) графиги тасдиқланади. Газ билан ишловчи ўтхоналарнинг консервациядан чиқарилиш графиги газ хўжалигини эксплуатация қилувчи ташкилотлар билан келишилади.

Консервациядан чиқариш муддатига узоғи билан етти кун қолгунича ўтхоналар ўқув қолибилатида тегишлилик тайёргарликдан ўтган ва тасдиқланган дастур бўйича шаходатланган машинистлар билан бутланади. Ўтхона эксплуатация бўйича техник ҳужжатлар тўла ҳажмда бўлиши керак.

Объектларни қиш ойларига тайёрлаш графикаларини тузишда биноларни қиш ойларида эксплуатация қилишга тайёргарлик кўришининг

биринчи кунлариданок куч ва ашёвий ресурсларни маъсулиятлироқ иш участкаларига кўпроқ диққат марказида бўлиши учун тайёргарлик даврининг бошидаёқ мураккаб ва оғирроқ тадбирларни бажарилиши кўзда тутилади.

Режаларда шахар коммуникациялари ва иссиқлик, газ сув таъминотини таёрлаш муддатини бутун шахар хўжалигини тайёрлигини ҳисобга олган ҳолда белгиланган муддатларда бўлишини кўрсатиши лозим. Бино барча ремонт - қурилиш ишлари тугалланган ҳамда иссиқлик, газ ва сув таъминоти манбаларини қиш шароитида эксплуатация қилишни тайёргарлиги тугаганлигидан сўнг қишга тайёр деб ҳисобланади.

Бинонинг қиш ойларига тайёрлашда иссиқликдан омилкорлик билан фойдаланишни таъминловчи иситиш бўйича чора тадбирлар, ҳамда иссиқ ва совуқ сув ва электрқувватини тежамкорлик билан сарфлашни кўзда тутувчи тадбирлар катта аҳамият касб этади.

Юқорида санаб ўтилган ишларни бажаришда иссиқликнинг катта қисми бинонинг чордоқ хоналарида йўқотилишини назарда тутиш лозим. Биноларни куз-қиш ойларида эксплуатация қилиш амалиёти чордоқ хоналарига ҳарорат ва ташқи ҳароратнинг айирмаси 20°C дан ошмаса, у ҳолда қорнинг эриши содир бўлмайди ва музлаш ва ҳолати ҳосил бўлмайди.

Ташқи ҳаво ва чордоқ ичидаги ҳавонинг айирмаси 20°C дан кўпроқ бўлган ҳолда чордоқхонага иссиқлик берилиши манбаини, масалан чордоқ ораёпмасининг иссиқлик изолацияси этарли эмаслиги ёки ёмон бўлиши; чордоқхонада жойлашган қувур ўтказгичлар, ҳаво йиғувчилар, кенгайтирилувчи баклар, шамоллатув ва канализация устунлари ва бошқаларни аниқлаш зарур. Бундан ташқари чордоқхона шамоллатилмаслиги ҳам мумкин.

Чордоқ ораёпмаларининг иссиқлик изолациясини яхшилаш учун қуйидаги усуллардан бири тавсия этилади:

Иситишнинг қалинлигини меъёрий талабга ошириш; қўшимча иситгич энгил: керамзит, менерал пахта, менерал тола ва бошқалар тав-

сия этилади; кўшимча оғир иситгич, масалан, тошқолни, лойиха ташкилоти томонидан тасдиқланган чордоқ ораёпмасининг юк кўтарувчанлигини олдиндан ҳисобламасдан қўллашга тавсия этилмайди; лой сувоқли рулонли гидроизоляцияга алмаштириш мумкин эмас, чунки бунда ораёпманинг шамоллатилиши бузилади. Ўтириб қолган тўкма иситгични ҳаволаштириш керак (5 йилда бир марта). Зинапоя хонасидан чордоқхона иссиқлик ўтмаслиги учун, уни изоляция қилиш лозим.

Қувур ўтказгич ва шамоллатиш шахталарининг иссиқлик изолятцияси атроф-муҳитга бўладиган иссиқлик йўқотилишини йўқ қилиш керак.

Чордоқхонадан ўтувчи марказий иситиш ва иссиқ сув таъминоти қувур ўтказгичларини текшириш йўли кўрик орақли амалга оширилади. Иссиқлик изолятсиясида очилиб қолган участкалар ва дарзлар бўлишига йўл қўйилмайди. Кенгайтирув баклари, ҳаво тўплагичлар, иситиш тизимининг очқичлари ва бошқа шу кабилар ҳам изолятсия қилиниши керак. Чордоқхонадан ўтувчи канализатция устунчалари қувурларда ҳосил бўлувчи конденсат чоклар орақли ораёпмаларга тушмаслиги учун кенгайган учлари юқорига қаратилиши керак ва албатта қалинлиги 6-7 см бўлган минерал пахтадан иборат энгичка ёки қалинлиги 10-15 см тошқол солинган ёғоч ўрама билан иситилиши керак.

Агар юқорида санаб ўтилган тадбирлар таалабдаги температура-намлик режимини таъминлай олмаса, у ҳолда томнинг шамоллатиш тузилмасини диққат билан қараб чиқиш керак. Томдаги эшитув деразалари ёки шамоллатгичларнинг кесим майдони чордоқ ораёпмаси майдонининг 1/300 дан кам бўлмаслиги, яъни чордоқнинг ҳар бир 1000 м² майдонига камида 3,5 м² эшитув деразаси ёки шамоллатгичлар бўлиши керак. Бунда кўрсатилган тузилма бири бири билан ҳавонинг текилиб қолишини (ҳаво қопчиғи) истисно этувчи чордоқ хонасини тўғридан-тўғри шамоллатишни таъминлаш лозим.

Томдаги шамоллатишнинг етарли даражада бўлмаслиги юқори қаватлардаги хоналарни совиб кетишига ва шифт юзаларида мўл-кўл конденсаторлар ҳосил бўлишини, конструкция ва иситгичларнинг жиддий намланишини келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун юқори қават шифтларида доғлар пайдо бўлган ҳолда, дарҳол иситгичнинг намлигини текшириш ва тўкманинг қалинлигини ўлчаш керак. Шамоллатиш каналининг панжараларининг оқава ёки сўриш тешиқларини иситгич, ғишт ва бошқа шу кабилар билан беркитиб, унинг кесим юзасини камайтиришга йўл қўйилмайди.

Ўриндош томларни эксплуатация қилишда тошқоплама юзасидан чиқиб турувчи унсурлар: дудбурон ва шамоллатиш қувурлари, дефлекторлар, томга чиқиш жойлари, парапеллар, антенналар ва бошқаларнинг ҳолатини текшириб туриш керак.

Уйга кириш эшиқларини синчковлик билан ростлаш ва истиш, уларга беркитиш жиҳозларни ўрнатиш, деразаларни иситиш иссиқликни сақлашда сезиларли самара беради. Бундан ташқари ҳар бир хонадонда уй эгалари томонидан иситиш ишларининг бажарилиши иссиқлик сақлашда катта аҳамият касб этади.

Иссиқликни омилкорлик билан сарфлаш учун биринчи навбатда иситиш тизимида айланувчи иссиқ сувнинг лойихавий сарфини таъминлаб бериш лозим.

Иссиқлик тизимини тўғрилаш учун уни ёз даврида тайёрланаётганда тўғрилаш беркитиш арматурасини техникавий соз ҳолатига келтириш керак;

Устун қувурларда етишмовчи пробкали кранлар ўрнатилинади (остки ва юқори қисмларида);

Иситиш асбобларидаги тўғрилайдиган кранларнинг этишмайдиганлари ўрнига ўрнатилади, бузуқлари тузатилади, ишламайдиганлари (буралмайдиганлари) алмаштирилади;

Уч йўлли тўғрилаш кранларига тўғрилашдаги кераклик томонини кўрсатувчи чизиклар туширилади.

Иссиқлик тармоғининг бинога кирадиган қисмидаги беркитув арматурасини иссиқлик тарссида авария юз берганида маҳаллий тизимни ўчириш имконияти бўлиши учун (уларда тармоқ сувини сақлаб қолиб) герметикликлиги текширилиб кўрилади. Иситиш тизимини тўғрилаш учун синов иситишини амалга оширилади.

Иссиқ сув таъминотини қиш ойларига тайёрлаш синов ҳайдови билан тугайди. Унда барча сочик қуриувчилар бир текисда қизиётганлигига, қувур ўтказгичларнинг иссиқлик изолятсияси сифати яхшилигига, барча сув тақсимлагич кранларга тушаётган сув этарли миқдорда ва унинг ҳарорати (50⁰С дан кам эмаслигига, иситиш бойлеридан чиқишда сувнинг ҳарорати 60⁰С) атрофида тўла ишонч ҳосил қилиниши лозим.

Сув ўтказгич ва канализатциянинг ички тизимини қиш ойларига тайёрлашда асосан қувур ўтказгичларни музлашдан асраш билан боғлиқ бўлган ишлар бажарилади. Совуқ хоналардан (чордоқлар, ертўлалар ва ён қурилмалар) ўтувчи қувур ўтказгичлар 2 қатлам жунли ёки минерал пахтали иситгичлар билан ўралиб, ундан кейин уни қипиқ тўлдирилган ёғоч қутига жойланади.

Тротуарлар майдончалар ва шу кабиларга сепиш учун мўлжалланган барча муваққат сув қувурларида қиш ойлари мобайнида бутунлай тўхтатилади.

Пол остидан ўтувчи канализация қувур ўтказгичларини 2 қатлам кигиз билан иситилади. Девор бўйлаб ўтказилган қувур ўтказгичлар аввал кигиз билан ўралиб, кейин оҳак суви сепилган кипик тўлдирилган ёғоч кути билан беркитилади.

Турар-жой уйлариинг шамоллатув тизими кишига тайёрлашда бинонинг баҳорги кўриги натижасида маълум бўлган (жалюз панжарасининг, шамоллатиш каналларининг, йиғма қутиларнинг ва шахталарнинг нуқсонлари), ҳамда қиш ойлари эксплуатациясини ўтиш вақтидаги (айрим хоналарнинг этарлик бўлмаган ёки ҳаддан зиёд шамоллатилиши) носозликлар бартараф этилиши лозим.

Уйларни қишги даврида: гуруҳли ва ажратувчи шитлар, уй фонарларига, зина хужраларига, ертўлаларга, ёритувчи арматураларга, ёқиб-ўчирувчиларга, автоматик ёқиб-ўчирувчиларга, навбатчи ёритгичларнинг электр ҳисоблагичларига, эрга ёки нулга ўтказувчи ўтказувчиларга боровчи электр ўтказгичларнинг ҳолатини текшириш керак.

Гуруҳли ва ажратувчи шитларни ремонт қилишда:

панелнинг бутунлигини текшириш керак ва уни чанг ва ифлосдан тозалаш;

ерувчан кўйилмаларини ва сақлагичларини ўтаётган ток кучига мослигини текшириш;

Ўтказувчи қутичаларга этишмовчи қопқокларни ўрнатиш керак.

Очиқ электр ўтказгичларни ремонт осилган ўтказувчиларни таранглаш, қўшимча маҳкамлагичлар ўрнатиш, патрон ва ўчириб-ёқувчиларни алмаштиришдан иборат. Бино, иншоотлар муҳандислик коммуникацияларини қишга тайёрлаш билан бир қаторда, тасдиқланган графикка кўра хизмат кўрсатувчи ходимларни тайёрлаш, уларни қайта шаҳодатлаш ишларини ўтказиш керак.

Қиш ойларида бинонинг ичида бўладиган ремонт ишларини, ҳамда сувўтказгич, канализация ва электр таъминоти тизимини сошлаш ва тузатиш ишларини бажариш тавсия этилади.

Бино, муҳандислик иншоотлари ва коммуникацияларини қиш ойларида эксплуатация қилишга тайёрлаш ишлари тугагандан сўнг эксплуатация ташкилотлари объектларни баҳор-ёз даврида эксплуатация қилишга тайёрлаш бўйича ишларни бошлаб юборишлари лозим. Бу ишлар ҳам ҳар бир объектни тайёрлашнинг муайян муддати кўрсатилинган ва тасдиқланган график асосида бажарилади. Шуни айтиш лозимки, режавий-огохлантирув жорий

UDK: 621.674.62

ва капитал ремонт қилиш режасига киритилган бинолар ҳамда путурдан кетганлиги ёки реконструкция қилиниши муносабати билан кўрикланиш ишлари олиб борилишини талаб этиладиган бинолар юқорида айтилган графикдан истисно этилади.

Бинолар, унга қарашли ҳудуд ва мазкур ҳудудда жойлашган коммуникациялар қуйидаги шароитларда баҳор-ёз ойларида эксплуатация қилишга тайёр деб ҳисобланади:

-том қоплама, чордоқ хоналари, тунука қопламанинг бўёғи ёки битум мастикаси суртмасининг (агар бу ишлар қопламанинг эксплуатация муддати ёки унинг техник ҳолати бўйича қилиниши талаб этилса) тузуклиги;

-бинони олд кўринишларини ва уларнинг меъморий деталларини, балконлар, ва балконлар тўсиқларини тартибга келтириш;

-кириш эшиклари ремонт қилинган ва бўялган бўлиши;

-бино цоколи, эртўла деразалари олдидаги чуқурчалар, сувокни карнайлари, номер белгилари;

-спорт ва ўйин майдончаларининг қурилмалари, кичик меъморий шакллари ва кўча ўриндиқларини бўяш билан тартибга келтириш;

Тўсиқлар ремонт қилиши, тўсиқларни ва но керак қурилмаларни бузиш. Биноларнинг умумий баҳор текшируви (кўриги) жараёнида бинони қиш ойларида тайёрлаш даврида, ҳамда навбатдаги режавий-огохлантирувчи ремонтларда бажариладиган ремонт ишларининг ҳажми аниқланади ва ойдинлаштирилади.

Турар-жойни эксплуатация қилиш ташкилотлари тамонидан турар жой уйлари баҳор ёз ойларида эксплуатация қилишга тайёрлаш даврида бажарилган умумий баҳор кўригининг натижалари ва иш якунлари эксплуатация хизмати ходимларнинг кегашида муҳокама қилинади.

Баҳор-ёз ойларида эксплуатация қилишга тайёргарлиги бўйича комиссия томонидан қабул қилинмаган бинолар топширишга қайта тайёрланиши ва уч ҳафтагача бўлган муддат ичида топшириши керак ва зурурдир.

Адабиётлар

Мирахмедов М.М., Қосимова С.Т. Бино ва иншоотларни техник эксплуатацияси. Дарслик ТАҚИ. 2013.

Низамов Ш.Р., Хотамов А.Т. Бино ва иншоотларни техник баҳолаш. Дарслик. ТАҚИ. 2014.

Порывай Г.А. Техническая эксплуатация зданий. –М.: Стройиздат, 1998.

“GUNT LABLINE” DASTURI YORDAMIDA NASOSLARNING KETMA-KET ISHLASHINI ISHCHI GRAFIGINI QURISH

Sattorov Alimardon Xamdaliyevich, doktorant, Fargona Politehnika instituti
Xajimatova Mavludaxon Mamasoliyevna, katta o'qituvchi, Jizzax Politehnika instituti

Maqolada nasoslarning ketma-ket ishlashining optimal ishchi nuqtasini qurish uchun "Hardware-Software Integration" dasturiy ta'minoti yordamida foydalanilgan, buning uchun ketma-ket ishlaydigan nasoslar qurilmasida nasoslar soni ikkitadan ortiq bo'lishi maqsadga muvofiq emas, chunki nasoslarni ketma-ket ulashda ularning foydali ish koeffitsiyenti pasayadi.

Kalit so'zlar: nasos, nasosning bosimi, dvigatel, parrak, klapan, sarf datchigi, elektron datchik.

In this paper, Hardware-Software Integration software was used to build the optimal operating point of the series operation of the pumps, so it is not advisable to have more than two pumps in a series pumping device, because when connecting the pumps in series their efficiency decreases.

Keywords: pump, pump pressure, engine, vane, valve, flow sensor, electronic sensor.

В статье приведено работа последовательно установленных насосов, для уточнения оптимальной рабочей точки, с использование программы "Hardware-Software Integration". Для этого принятие количество последовательно установленных насосов более двух нецелесообразно, так как при этом КПД насосов, значительно уменьшается.

Ключевые слова: Насос, давления насоса, двигатель, вентиль, клапан, датчик расходов, электронный датчик.

GUNT Labline suyuqlik energiyasi mashinalari o'quv dasturining bir qismi hisoblanadi GUNT dasturi tajriba o'tkazib elektr motorlar, nasos, parrak, suv turbinalari ishlashini o'rganish imkonini beradi. GUNT Labline dasturiga kiradigan jihozlarga qo'yilgan elektron datchiklar o'lchov olib, olingan o'lchovlarni kompyuterda ishlash imkoniyatini beradi. O'lchangan ko'rsatgichlarni keyin diagramma yoki jadvalda ko'rsatsa bo'ladi. GUNT Labline vositalarida buning uchun HSI "Hardware-Software Integration" dasturiy ta'minoti ishlatiladi.

Tajriba o'tkaziladigan jihozlar stolga qo'yib ishlatiladi, qo'shib beriladigan dasturiy ta'minot esa tajriba o'lchovlarini ko'rsatib turadi. HM 284 vositasi kom'yuterga ulanib ishlatiladi. Ba'zi jihozlarni olish uchun qo'shimcha buyurtma beriladi. Aylanma nasoslar dinamik nasoslar guruhiga kiradi. Bunday nasoslar ko'roq ishlatiladi va ularning quyidagi afzalliklari bo'ladi:

1. Tuzilishi oddiy;
2. Suyuqlik o'tishi o'zgar olmaydi;
3. Konstruksiyasi sodda, uch-to'rtta qismdan tuziladi;
4. Jihozning eskirishi juda sekin bo'ladi;
5. Ishonchli ishlaydi;
6. Har xil muhitda ishlashi mumkin;
7. Elektr dvigatelning o'ziga ulanadi, ulashga reduktor kerak bo'lmaydi.


Zarur bo'lganda ikkita yoki uchta nasosni ketma-ket ulab bosim o'zgarishini o'rganish mumkin.

HM 284 dagi aylanma nasoslar suv haydashga mo'ljallangan. HM 284 bloki asosan elektr motorli aylanma nasos, drosselli berkitgich, sarf o'lchagich va suv idishdan iborat bo'ladi. Bu qismlar suv o'tadigan quvurlar bilan bir-biriga ulab qo'yiladi.

Nasoslar bilan o'tkaziladigan tajribalarni to'liq

deb bo'lmaydi. Tajribadan maqsad talabalarni mustaqil tajriba o'tkazishga rag'batlantirish hisoblanadi.

Qismlarining tuzilishi, tajriba o'tkazuvchining tajribasi va atrofda sharoitga qarab tajriba natijasi bir-biridan farq qilishi mumkin. Shunday bo'lgani bilan tajriba o'tkazish talabaga fizikaning asosiy qonunlarini o'rgatadi.



1-rasm. Jihozning tuzilishi

1. R2 nasos; 2. Q1 nasos; 3. Q1-nasosdan keladigan oqim bosimi P1; 4. Q1-nasosdan ketadigan oqim bosimi P2; 5. Q2-nasosdan ketadigan oqim bosimi P3; 6. V1 ish usulini o'zgartiradigan uch yo'lli klapan; 7. Sarf datchigi F11; 8. Nominal sarf klapani V, V3; 9. Suv idish; 10. P2 nasosni berkitadigan klapan, V2; 11. Chiqaradigan klapan, V4; 12. Korpus

Haydalayotgan suyuqlikning o'lchangan ko'rsatgichlari doim o'zgarib turadi. Ya'ni, haqiqatda o'lchangan ko'rsatgichlar ishlash nuqtasi ko'rsatgichidan ko'proq yoki kamroq bo'lib turadi. Ko'rsatgichlar o'lchanganda ishlatiladigan ma'lumotni filtrlash ekranga chiqariladigan o'lchov natijasini ravonroq qiladi.

Tajriba o'tkaziladigan GUNT jihozlari fizika

qonunlarini amalda ko'rsatishga ishlatilgani uchun o'lchov ko'rsatgichlarini tushuntirganda o'tkazilgan tajribani esdan chiqarimaslik kerak.

Jihoz ishlaydigan nuqtalar aniq bo'lib, fizik kattaliklar hisoblab chiqarilgandan keyingina ko'rsatgichlarning o'lchovi olinadi. Buning uchun jadvaldagi ma'lumotdan foydalanish mumkin.

O'lchangan ko'rsatgichlar o'lchovlar yozib qo'yiladigan alohida faylda to'planadi va MS Excel® dasturiga o'tkaziladi.

Bosim o'zgarishi (suv haydaladigan bosim) Q1 nasos hajm tezligiga (sarfga) bog'liq ekani ko'rsatilgan :

$$\Delta r_{R1} = r_2 - r_1$$

Ikkita tutashgan nasos ko'paytiradigan bosimga ham bog'liq bo'ladi:


$$\Delta r_{R1-3} = r_3 - r_1 \quad (2)$$

Δr_{R1-3} = Q1 nasos va Q2 nasos o'rtasidagi bosim farqi, Pa


V_3 = Q2 nasosdan ketayotgan bosim, Pa

V_1 = Q1 nasosdan ketayotgan bosim, Pa

Diagramma quyidagi rasmda ko'rsatilgan



2-rasm. Nasoslarni ketma-ket tutashtirib ishlatish.



3-rasm. Nasosning alohida ishlagandagi va ketma-ket ulanib ishlagandagi ko'rsatgichlari.

Q1 nasos bosimni 1-chiziqda ko'rsatilgandek qilib o'zgartiradi. Shu bosim o'zgarishini Q2 nasos yanayam ko'paytiradi. Oqim hajmi maksimal bo'lganda tizimning minimal ko'rsatgichlari deyarli bir xil bo'ladi. Lekin Q1 nasos bilan Q2 nasosni biriktiradigan qismlarda ham bosim yo'qolishini esdan chiqarimaslik va hisobga olib qo'yish kerak.

Bu qanday bo'lishini yaxshiroq tushunish

uchun Q2 nasos chizig'i ko'rsatgichlarini alohida ishlagan Q1 nasos chizig'i ko'rsatgichlariga qo'shib ko'riladi.


Hisoblash quyidagilarni ko'rsatadi:

$$\Delta r_{R2} = r_3 - r_2 \quad (3)$$

ya'ni: Δr_{R2} = Q2 nasosning farq qiladigan bosimi, Pa; V_3 = Q2 nasosdan ketayotgan bosim, Pa; V_2 = Q1 nasosdan ketayotgan bosim, Pa.

Bir-biriga o'xshagani bilan bitta nasosning boshqasidan farqi bo'ladi, nasoslar ulanadigan qismlarda bosim ortiqcha kamayishi aynan shu farqqa bog'liq bo'ladi.

Oqim hajmi oxiriga yetganda Q2 nasos qo'shimcha bosim tushib ketishi o'rnini to'ldir olmay qoladi, shuning uchun suv haydalishi bir oz salbiy bosimli bo'ladi.



4-rasm. Ketma-ket ulangan nasoslarning ishlashi.

Baholash. Olingan egri chiziq Q1 va Q2 nasoslar ikkita bosimini qo'shishdan hosil bo'ladi. Nasoslar ketma-ket ulanganda bosim ham ikki marta ko'payadi.

Адабиётлар:

1. Мамажонов М. "Насослар ва насос станциялари" Тошкент "Фан ва технология 2012. 155-157 бетлар
2. Латипов К., Эргашев С, "Гидравлика ва гидроюритмалар" Тошкент, Ўқитувчи. 2012 й
3. Жуманов О.Ж., Халилов Н. "Насос ва хаво узатиш станциялар" фанидан ўқув услубий мажмуа. Услубий кўлланма.-Самарқанд:СамДАҚИ, 2012. - 345 бет.
4. Шукурова Н.Л. «Сирдарё вилояти сугориш насос станцияларининг электр таъминоти тизимида электр энергия исрофини камайитириш» мавзусидаги магистрлик диссертацияси
5. Хажиматова М.М, Саттаров А.Б., экологик таълимни ривожлантиришда инновация жараёнлари. //Проблемы архитектуры и строительства №4. СамГАСИ 2019 й.
6. Хажиматова М.М. Оценка и прогнозирование фоновых загрязнений города Джизака. //Проблемы архитектуры и строительства, №1. СамГАСИ 2020.

РАЦИОНАЛЬНЫЕ РЕЖИМЫ РАБОТЫ ЛОПАСТНЫХ НАСОСОВ ПРИ КАВИТАЦИОННО-АБРАЗИВНОМ ИЗНОСЕ ИХ ДЕТАЛЕЙ**Мамажанов М., Уралов Б.Р.,**

Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства

Суюнов Ж.Ш., Таджиева Д.

Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

В статье приводятся результаты кавитационно-абразивного износа насосов в зависимости от режимов их работы. А также, в работе рассмотрены, вопросы появления кавитации в гидроабразивных потоках, которые может привести к достаточно сложным явлениям, что представляет трудности для понимания сущности процесса. До настоящего времени, износ рабочих органов центробежных и осевых насосов, в зависимости от режима их работы недостаточно изучен и не разработана методика выбора режимов эксплуатации с учетом износа их деталей. Также, в работе приведены результаты комплексных лабораторных и натурных исследований по изучению интенсивности износа элементов проточной части центробежных и осевых насосов. Знакопеременная пульсирующая нагрузка приводит к увеличению силы взаимодействия гидроабразивного потока с поверхностью камеры и на 10 % усиливает её износ, а также уменьшает производительность насосной установки до 9%. Рекомендуется выбор режимов работы и геометрической высоты всасывания насосов на основе кавитационных характеристик, построенных по эрозионным испытаниям.

Ключевые слова: лопастные, насосы, кавитация, абразив, износ, режим, работа, насосные станции, подача, проточная часть.

Rational modes of operation of vane pumps with cavitation-abrasive wear of their parts

Ҳозирда давлат кадастрларини юритишда тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан кадастр маълумотлари базасини яратиш ва шакиллантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мақолада ҳозирги кунда Республикаимизнинг тоғли ҳудудларидаги объектларда геодезик ишлар олиб боришда юзага келадиган ноқулайликларни бартараф қилиш ва юқори ташкилотлардан келаётган топшириқларни ўз вақтида сифатли ва самарали бажариш учун хизмат қиладиган дастурий метод технологиясини тадбиқ қилиш орқали Республикаимизнинг ривожига катта ҳисса қўшиш тўғрисида илмий изланишлар натижалари ёритилган.

В статье приведены результаты научных исследований по применению технологии метода программного обеспечения который обслуживает для выполнения задач в предприятиях по выполнению геодезических работ в горных объектах республики.

The results of scientific researchers in using technology of program providing method which serviced for carrying out tasks and survey works in enterprises and in the mountainous region of the republic is given this article.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг саноатда, қурилишда, ишлаб чиқариш ва халқ хўжалигининг бошқа кўпгина тармоқларида барқарор илмга асосланган ривожланишни талаб этмоқда. Топографик-геодезик ишлар системасида замонавий технологияларга асосланган GPS ва ГЛОНАСС сунъий йўлдош тизимларини, геоинформацион тизимларни, рақамли ва лазерли-электрон ўлчаш ва ҳисоблаш техникаларини, шунингдек лазерли сканерлаш технологияларини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш ҳозирги замон талабидир.

Сўнги йилларда барча соҳалар қатори фан ва техникани жадал ривожланиши натижасида нуқталарнинг фазовий ўрнини янги замонавий спутник усулида аниқлаш имконияти туғилмоқда.

Бу усулда ер сиртидаги нуқталарнинг фазовий ўрнини спутниклар ва уларнинг ердаги приёмник, ҳамда антенналари ёрдамида исталган вақтда ва шароитда аниқлаш мумкин.

Қадим замонлардан инсонларни қизиқтириб келган муаммолардан бири, у ўзининг Ер планетаси қайси жойида турганини аниқлашдан иборат бўлган. Киши ўз атрофини ўраб олган объектларга нисбатан турган ўрнини осонгина аниқлаб олиши мумкин. Бордию атрофда бундай объектлар бўлмаса, ҳаммаёқ бўм-бўш чўл ёки бепоён океан сатҳи бўлсачи? Кўп асрлар давомида бу муаммони қуёш ва юлдузлардан

фойдаланиб ечиб келинган. Шу жумладан геодезистлар, геологлар ва бошқалар геодезик таянч пунктлардан фойдаланиб келишган, улар орқали ўлчашлар олиб борилган ёки йўллар аниқланган, лекин бу усуллардан фойдаланиш имкони ҳар доим ҳам бўлавермайди.

Ҳозирда давлат кадастрларини юритишда тегишли мутасадди ташкилотлар томонидан кадастр маълумотлари базасини яратиш ва шакиллантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилган. “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институтининг ҳудудий филиал ва бўлинмалари томонидан давлат ер кадастри маълумотлари юритилиб келинаётган бўлса, бино ва иншоотлар давлат кадастри бўйича маълумотларни ҳудудий ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхоналири томонидан шакиллантирилиб “Геодезия ва картография миллий маркази” давлат унитар корхонасининг давлат кадастрлари ягона тизими республика ахборот таҳлил маркази(ДҚЯТ РАТМ)га тақдим этиб келинмоқда. ДҚЯТ РАТМда давлат кадастрлари базасини яратиш ва юритишда замонавий техника, технологиялар ҳамда дастурий таъминотлардан фойдаланиш орқали маълумотлар базасини ишончилиги ва сифати ортиб бормоқда. Ҳозирда баъзи корхона ва ташкилотлар Magellan ProMark-3 ва STONEX S-3 русумли GPS приёмникларидан фойдаланиб келишмоқда. Мазкур навигатор 1 ва 2 час-

тоғали бўлганлиги сабабли бино ва иншоотларни топографик съёмка қилишда қуйидаги ноқулайликлар келиб чиқмоқда:

- сунъий йўлдошга боғланиш хатолиги;
- сунъий йўлдош билан боғланган ҳолда аниқланаётган нуқта қийматларини ноаниқлиги;
- нуқтани ҳудудий қийматларини ўз жойига бориб тушишни таъминлаш;
- географик ахборот тизими(ГАТ)да қийматларни қайта ишлашдаги хатоликлар;
- ГАТ оиласига мансуб дастурий таъминотда ҳудуднинг планини тузишдаги ноаниқлик;

Юқоридаги ноқулайликлар туфайли ҳудудлардаги муаммоларни бартараф қилиш ва ҳукуматимизни топшириғини ўз вақтида сифатли ва самарали бажариш учун қуйидаги дастурий метод технологиясини тадбиқ қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги кунда замонавий “GPS” ва анъанавий “Теодалит” геодезик асбобларни съёмка қийматларини умумлаштирган ҳолда юқорида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш ва географик ахборот тизими оиласига мансуб ArcGIS дастурий таъминоти ёрдамида шакиллантириш методини кўриб чиқамиз:

GPS приёмниги антеннаси 360⁰ очик бўлган ёки бино-иншоотлардан йироқ бўлган ҳолда оптимал жойга маҳкамланиб, кенглик ҳамда узоклик қийматлари олинади;

- ҳосил бўлган нуқтага теодалит маҳкамланиб кўзғалмас нуқтага қаратилади ва базис томон яратилади;

- съёмка қилинмоқчи бўлган объектнинг бурчакларига нивелир рейкаси қўйилиб масофа ҳамда базис томонга нисбатан бурчаклар аниқланади;

- съёмка қилиниши лозим бўлган ҳудуднинг бўсағасидаги барча объектларнинг бурчаклари базис томонга нисбатан аниқланади;

Юқоридаги кетма-кетлик орқали объект бурчаклари қиймати аниқлангач, қийматларни ArcGIS дастурига киритиш ва ДҚЯТ учун геомаълумотлар базасини шакиллантириш қуйидагича амалга оширилади:

- ArcGIS дастури ёрдамида маълумотлар базаси яратилади;

- GPS ёрдамида аниқланган кенглик ва узоклик қийматлари ArcGIS дастурига импорт қилинади;

- Импорт қилинган базис нуқталарини ArcGIS дастурида бурчак қийматлари аниқланади;

- Агар жойда бурчаклар базисга нисбатан соат мили бўйича аниқланган бўлса қуйидаги формула ёрдамида қийматлар ҳисобланади ва

геомаълумотлар базасида шакиллантирилади $\alpha = B - \beta(n)$;


- Агар жойда бурчаклар базисга нисбатан соат милига тескари аниқланган бўлса қуйидаги формула ёрдамида қийматлар ҳисобланади ва геомаълумотлар базасида шакиллантирилади $\alpha = B + \beta(n)$;

Бу ерда; α – ArcGISда аниқланиши лозим бўлган бурчак; B – базис томонларининг ArcGIS дастуридаги қиймати; β – жойдаги базисга нисбатан аниқланган дирекцион бурчаклар; (n) – бурчакларнинг сонига кўра кетма-кетлиги.


Агар жойда буссолга нисбатан шимолий кутбни аниқлаш имкони мавжуд бўлса, унда қуйидаги формула ёрдамида қийматларни ArcGIS дастурига киритиш мумкин.

$$\alpha = 360^0 - \beta + 90^0,$$

бу ерда α - ArcGISда аниқланиши лозим бўлган бурчак; 360⁰ – Қутблар алманшинуви; β - жойдаги шимолга нисбатан аниқланган дирекцион бурчаклар; 90⁰ – Қутблардаги фарк.




- 1- нуқта ---3080 00' 00" 2- нуқта ---2880 35' 00"
 3- нуқта ---2450 30' 00" 4- нуқта ---3080 X
 1. 360 – 308.00 + 90 = 142.00
 2. 360 – 288.35 + 90 = 161.65
 3. 360 – 245.30 + 90 = 204.7
 4. 4- нуқта ----X



1-Метод

- 1- нуқта = 19 метр 2- нуқта = 9 метр
 3- нуқта = 53,5 метр 4- нуқта ----X
 1.142 град 19 метр 2. 161.65 град 9 метр
 3. 204.7 град 53.5 метр
 4. 4-нуқта мавжуд нуқталарга асосан аниқланади.



2-Метод

Масалан:

Мазкур усулда географик кутблар ва азимут бурчаклар кетма – кетлиги ArcGIS дастуридаги кутблар ва азимут бурчаклардан тубдан фарқ қилганлиги сабабли юқорида келтирилган формула ёрдамида олинган қийматлар ўзгаради. Қўйида келтирилган шаклда географик ва ArcGIS дастуридаги кутбларнинг фарқи келтирилган.

ArcGIS дастурий таъминотида навигаторда олинган базис қийматлари импорт қилинади. Яратилган маълумотлар базасидаги мавзули қатламлар шакллантирилиш учун Ctrl+G тугмачаси босилади ва ҳосил бўлган ёриқга бурчак ва узунлик қийматлари юқоридаги келтирилган формулалар ёрдамида ёзилади, натижада худудий нукталар тортилади. Ҳосил бўлган худудий нукталар жойда фойдаланиш учун яратилган схема (абрис) га кўра бирлаштирилади

ди ва худуднинг геомаълумотлар базасидаги электрон рақамли картаси ҳосил бўлади. Иш сўнгида объектга тегишли бўладиган атрибутив маълумотлар жадвали тўлдирилиб белгиланган тартибда ДҚЯТ РАТМга тақдим қилинади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, республикамизнинг барча худудларида геодезик дала кидирув ишларини замонавий усулларда рисоладагидек олиб боришга талаб этиладиган замонавий геодезик асбоб(электрон тахеометр)ларни барча худудларга тегишли ташкилотлар томонидан молиялаштиришга имконият даражаси етмасилиги ва тоғ олди худудларида 1 частотали GPS навигаторлари ёрдамида амалга оширилаётган съёмкалардаги кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммосини ечади десак муболаға бўлмайди. Анъанавий ва замонавий геодезик асбобларни қийматларини замонавий дастурий таъминотларда қайта ишлаш ва натижаларни таҳлил қилиш соҳа мутахассисларига бир қанча қулайликлар яратади. Таъкидланган камчиликларни бартараф этишда амалга оширилиши учун зарур бўладиган тажриба ишлари ва формулаларни ишлаб чиқиш коорхона ва ташкилотларга жорий этилса юқорида келтирилган камчиликларни бартараф қилган ҳолда ҳукуматимиз топшириқларини ўз вақтида хато ва камчиликларсиз бажарган бўлар эдик.

Адабиётлар:

1. “Ергеодезкадастр” ДҚнинг Ахборотномаси 2/2013 30-бет.
2. www.ygk.uz

УДК 528.1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ КООРДИНАТАЛАР СИСТЕМАСИ ЯРАТИШ

Жуманов Б.Н., ўқитувчи; **Аралов М.М.**, ўқитувчи; **Хусинов З.З.** талаба
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Методы создания государственных геодезических подач системы государственных геодезических координат на территории республики. В этом методе вместо привычных геодезистам неподвижных пунктов геодезической сети с известными координатами используются подвижные спутники, координаты которых можно вычислить на любой, интересующий геодезиста момент времени.

Ключевые слова. Геодезия, координата, точка, геодезическое множество, Красовский эллипсоид, пулькова картография, воздушная съёмка, элементы ориентации.

Methods for creating state geodetic filings of a system of state geodetic coordinates on the territory of the republic. In this method, instead of the fixed points of the geodetic network with known coordinates, the mobile satellites are used, the coordinates of which can be calculated at any point of time that interests the surveyor.

Keywords. Geodesy, coordinate, point, geodetic set, Krasovsky ellipsoid, pulkova cartography, aerial photography, orientation elements.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат кадастрлари тўғрисида”ги қонуннинг (15.12.2000 й. N 171-II) 7 моддасида кадастр ишларини ягона фазовий координаталар системасида олиб борилиши давлат кадастрларини юритишнинг асосий принциплари қаторида келтириб ўтилган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси

давлат ер кадастрининг координаталар системаси бўлиб Красовский эллипсоиди параметрлари асосида қурилган 1942 йилги референц координаталар системаси хисобланади (СК-42). Шунингдек, шаҳарлар ва аҳоли пунктларидаги геодезик ишлар, жумладан кадастр съёмкалари маҳаллий координаталар системасида ҳам олиб борилади. Давлат кадастрлари ягона тизими

(ДКЯТ) маълумотлар базасини шакллантириш учун кадастр карта ва планлари электрон (рақамли) шаклда ArcGIS оиласига мансуб дас-тур форматида 1942 йилги давлат координаталар системасида ёки маҳаллий координаталар системасида туман даражасида умумлаштирилган ҳолда, туман электрон рақамли картасининг ягона қатлами сифатида аҳоли пунктлари ҳудудлари бўйича Геодезия ва картография миллий марказига, бошқа ҳудудлар бўйича “Ўздаверлойиха” ДИЛИ га тақдим қилинади.

Республикамиз ҳудуди бўйича давлат геодезик координаталар системасининг тарқатувчиси бўлиб давлат геодезик тамоқлари (ДГТ) хизмат қилади.

ДГТ умумий координаталар системасидаги геодезик пунктларнинг йиғиндиси бўлиб, жойда узоқ вақт мустаҳкамлигини ва турғунлигини таъминловчи марказлар билан маҳкамланади.

Ўзбекистон Республикасининг давлат геодезик тармоғи Мустақил Давлатлар Хамдўстлиги (МДХ) ҳудудидаги умумий геодезик тармоқнинг фрагменти ҳисобланади ва қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

астрономо-геодезик тармоқ (АГТ) – ёпик полигон қатори кўринишидаги 1 синф триангуляцияси, 2 синф триангуляцияси қатори ва уларни тўлдирувчи 2 синф триангуляция тармоғи;

3 ва 4 синф геодезик зичлаш тармоғи (ГЗТ) [2].

АГТ тахминан 4000 пунктдан (01.01.2008 й.) иборат бўлиб қуйидагиларни ўз ичига олади:

“Основными положениями о построении государственной опорной геодезической сети СССР” (1939 й.) ва “Положения о государственной геодезической сети СССР” (1948 й.) лойихасига мувофиқ қурилган 1 синф триангуляцияси полигонлари қатори, шунингдек илгари қурилган 1 синф триангуляцияси;

“Основными положениями о построении государственной геодезической сети” (1954 ва 1961 йй.) ва “Инструкцией о построении государственной геодезической сети” (1966 й.) га мувофиқ қурилган 1 ва 2 синф триангуляцияси полигонлари қатори ва 2 синф триангуляцияси тармоғи.

1 ва 2 синф геодезик тармоқлари 3 синф пунктлари билан ва кейин эса 4 синф пунктлари билан зичлаштирилган. Республикамизда мавжуд геодезик таянч тармоқларини қуриш ишлари 1939 йилдан бошланган ва юқорида айтиб ўтилганидек координаталари 1942 йилги системада аниқланган.

1942 йилги геодезик координаталар системаси Собик Иттифоқ ҳудудидаги 87 та 1 синф полигонларини тенглаштириш натижасида ҳосил қилинган. 1942 йилги координаталар системаси учун бошланғич датум бўлиб Пулково обсерваториясидаги нукта олинган (1-расм).



1-расм. СК-42 координаталар системасининг бошланғич нуқтаси.

Ушбу координаталар системаси асосида катта ярим ўқи 6 378 245 м га, сиқилиш коэффициенти 1:298,3 га тенг Красовский эллипсоиди параметрлари ётади. Ушбу координаталар системасида координаталар геодезик кенглик – В ва геодезик узоклик – L кўринишида тақдим қилинади. Учинчи координата сифатида аниқланувчи баландлик – Н – Болтик баландликлар системасида аниқланади. Бизнинг диёримизда 1942 йилги координаталар системасида турли мақсадлар учун карталар тузишда Гаусс-Крюгернинг тенг бурчакли ёки конформ проекциясидан фойдаланилади.

1995 йилги координаталар системаси 1942 йилдагисидан қуйидаги афзалликлари билан фарқланади:

1000 км дан ортиқ масофаларга координаталарни узатиш аниқлигининг 10-15 баробар ва давлат геодезик тармоғи кўшни пунктларининг ўзаро ўрнини топиш аниқлигининг ўртача 2-3 баробар ошганлиги;

1942 йилги координаталар системасида бир неча метрга етувчи давлат геодезик тармоқларидаги регионал деформацияларнинг йўқлиги;

GPS ва ГЛОНАСС каби глобал навигацион сунъий йўлдош тизимлари асосида юқори унумли геодезик таъминот тизимини яратиш имконияти [3].

1942 йилги координаталар системасидаги камчиликлар глобал навигацион сунъий йўлдош тизимларига (ГНСЙТ) асосланган геодезик технологиялар ёрдамида замонавий давлат геодезик тармоқларини қуриш орқали бар-тараф этилиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, шунингдек давлат геодезик тармоқлари аниқлигини ошириш ва уларни ривожлантириш шунингдек республикамиз ҳудуди учун WGS-84 умумер координаталар системасини жорий қилиш мақсадида сўнгги йилларда сунъий йўлдош навигацион тизимларига асосланган давлат геодезик тармоқларини қуриш ва ривожлантириш

борасида республикамизда лойихалар ишлаб чиқилмоқда ва амалиётга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг сунъий йўлдош навигацион тизимларига асосланган Давлат геодезик тармоқлари (Давлат Сунъий Йўлдош Геодезик Тармоқлари - ДСЙГТ) GPS ва ГЛОНАСС тизимларидан, шунингдек космик геодезиянинг бошқа усулларидан фойдаланиб умумийдан хусусийга ўтиш тарзида қурилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

референц геодезик пунктлар тармоғи (РГП);
0-синф сунъий йўлдош геодезик тармоғи (СЙГТ-0);


1-синф сунъий йўлдош геодезик тармоғи (СЙГТ-1) [26].

РГП тизими умумер фазовий координаталар системасини (WGS-84) бевосита Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўрнатиш учун мўлжалланган. Ҳозирги кунда Республикамиз ҳудудидида бундай референц геодезик пунктларининг бештаси мавжуд бўлиб улар Фарғона, Тошкент, Урганч, Термиз ва Китоб шаҳарларида жойлашган. Ушбу РГП ларнинг барчасида ўлчаш ишлари якунига етказилган. РГП учун бошланғич пунктлар сифатида геодинамика учун Халқаро GPS-хизматининг (International GPS-Service for Geodynamics – IGS) мунтазам ишлаб турувчи пунктлари хизмат қилади. Бундай пунктлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида ҳам жойлашган.

РГП тизими орқали умумер фазовий координаталар системаси қуйи синф сунъий йўлдош тармоғи пунктларига узатилади. Ишлаш режимларига қараб РГП мунтазам ишлаб турувчи (актив) ва даврий (пассив) ларга бўлинади. Барча референц геодезик пунктлар учта IGS пунктлари билан ва қолган қўшни РГП лар ўлчашлари билан боғланган бўлиши керак. Референц геодезик пунктлари орасидаги масофа ўртача 500-800 км ни ташкил қилиши керак. РГП ни яқин IGS пунктига нисбатан ўрнини топишнинг ўрта квадратик хатоси пландаги координаталар бўйича 2 см дан ва геодезик баландлик бўйича 3 см дан ошмаслиги керак.

0-синф сунъий йўлдош геодезик тармоғи (СЙГТ-0) умумер фазовий координаталар системасини (WGS-84) республиканинг бутун ҳудудига узатиш учун шунингдек, умумер ва референц координаталар системалари аро ўтиш параметрларини аниқлаш учун мўлжалланган. СГС-0 пунктлари, РГП билан бир қаторда қуйи синф геодезик тармоқларини ривожлантириш учун бошланғич асос ҳисобланади. Барча СЙГТ-0 пунктлари камида 2 та РГП ва барча қўшни СЙГТ-0 пунктлари ўлчашлари билан боғланган бўлиши керак. Ҳозирги кунда Республикамиз ҳудудидида бундай пунктларнинг 15 таси мавжуд. Улар орасидаги ўртача масофа 100-300 км ни ташкил этади. РГП тармоғининг ва СЙГТ-0 нинг Республикамиз ҳудуди бўйича

жойлашуви қуйидаги шаклда келтирилган (2-расм).



2-расм. РГП ва СЙГТ-0 нинг жойлашув лойиҳа схемаси.

1-синф сунъий йўлдош геодезик тармоғи (СЙГТ-1) турли мақсадлар учун фойдаланиш қулай бўлган геодезик пунктлар тизими бўлиб, сунъий йўлдош ўлчаш воситаларини қўллаш учун оптимал шароитларни таъминлаш ва улар имкониятидан максимал тарзда фойдаланиш учун мўлжалланган.

СЙГТ-1 пунктлари ўзаро РГП тизими орқали боғланувчи алоҳида фрагментлар кўринишида қурилади. СЙГТ-1 яратилаётган фрагменти битта бошланғич пунктга эга мустақил тармоқ ҳисобланади. СЙГТ-1 фрагменти учун бишланғич пунктлар бўлиб РГП ва СЙГТ-0 хизмат қилади.

СЙГТ-1 пунктлари орасидаги ўртача масофа қуйидагиларга тенг бўлиши керак:

5-10 км – аҳолиси 300 минг кишидан ортиқ бўлган шаҳарлар ҳудудидида (зичлиги – 20-80 км² га 1 пункт);

10-20 км – интенсив хўжалик фаолиятидаги шунингдек, сейсмик активлиги 6 ва ундан юқори баллга эга бўлган ҳудудларда (зичлиги – 80-350 км² га 1 пункт);

20-30 км – саноат мажмуалари билан банд бўлган ҳудудларда (зичлиги – 350-800 км² га 1 пункт).

Юқоридагилардан истисно тариқасида алоҳида ҳудудларда СЙГТ-1 пунктлари зичлиги оширилиши ёки камайтирилиши мумкин.

СЙГТ-1 қўшни пунктлари ўрнини топишнинг ўртача квадратик хатоси пландаги координаталар бўйича $3 \text{ мм} + 1 \times 10^{-7} D \text{ мм}$ дан геодезик баландлик бўйича $5 \text{ мм} + 2 \times 10^{-7} D \text{ мм}$ дан ошмаслиги керак.

СЙГТ-1 ни яқин СЙГТ-0 ва РГП га нисбатан ўрнини топишнинг ўрта квадратик хатоси 2 см дан ошмаслиги керак.

Юқорида келтирилганларни ҳисобга олиб ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида учун координаталар системаси сифа-

тида умумер координаталар системаси – WGS-84 ва референс координаталар системаси – СК-95 ни қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Авчиев Ш. К. Олий геодезия. Тошкент., Во-рис-нашриёти, 2010 й.

2. Мирмахмудов Э. Р. Сфериодическая геодезия. ўқув кўлланма. Тошкент, ЎЗМУ. 2011 г.

3. Мирмахмудов Э.Р. Космическая геодезия. ўқув кўлланма. Тошкент, ЎЗМУ. 2011г.

4. <http://www.allpravo.ru/library/doc99p/instrum5237/item5256.html>

УДК 528.1

СУНЬИЙ ЙЎЛДОШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ГЕОДЕЗИК АСОС ЯРАТИШ ТАҲЛИЛИ

Гофиров М.Ж., катта ўқитувчи., Аралов М.М., ассистент
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти

Бурное развитие науки и техники в последние десятилетия позволило создать принципиально новый метод определения координат и приращений координат - спутниковый. В этом методе вместо привычных геодезистам неподвижных пунктов геодезической сети с известными координатами используются подвижные спутники, координаты которых можно вычислить на любой, интересующий геодезиста момент времени.

Ключевые слова. Геодезические оборудования, координата, точка, геодезическое множество, Красовский эллипсоид, пулькова картография, воздушная съемка, элементы ориентации.

The rapid development of science and technology in recent decades has made it possible to create a fundamentally new method for determining the coordinates and increments of coordinates-satellite. In this method, instead of the fixed points of the geodetic network with the known coordinates, the mobile satellites are used, the coordinates of which can be calculated for any moment of time that is of interest to the geodesist.

Keywords. Geodetic equipment, coordinate, point, geodetic set, Krasovsky ellipsoid, pulkova cartography, aerial photography, orientation elements.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида” 2019 йил 30 августдаги ПФ-5806-сон Фармонида 2020-2030 йилларда ўзбекистон республикаси космик тармоғини ривожлантириш концепцияси қабул қилинди.

Шунга асосан сўнги йилларда халқ хўжалигининг турли соҳаларида замонавий технологияларини қўллаш ҳамда фанда илмий асосланган маълумотлардан фойдаланиш, ернинг шакли ва катталиги ҳақидаги маълумотлар инсоният учун зарурдир. Бу маълумот ернинг сунъий йўлдош (ЕСЙ)ларини учуриш телевидения, геодезия, картография, геология, радио, география, геофизика, экология соҳасидаги ишлар учун сифатли ҳамда тезкор маълумот олиш ёки узатиш жараёни учун зарурдир.

Топографик съёмкаларни бажариш ва ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказишда геодезик асоснинг ўрни жуда муҳимдир. Мустаҳкам геодезик асос геодезик ишларда, кадастр съёмкаларини битта тизимда олиб бориш ва қатъий ўрнитилган координаталар системасига боғлаш имконини беради. Бундай мустаҳкам асос вазифасини геодезик тармоқ пунктлари бажаради. Геодезик тармоқлар ер юзасининг кичик ҳудудларида ёки катта ҳудудларида қурилиши мумкин. Геодезик тармоқлар қуйидагиларга бўлинади:

глобал геодезик тармоқ, бутун ер шарини қоплайди;

давлат геодезик тармоғи, алоҳида давлатлар чегарасида ягона координаталар ва баландлик-

лар системасида қурилади;

зичлаш тамоқлари, давлат геодезик тармоқларини зичлиги етарли бўлмаган жойларда қурилади;

маҳаллий геодезик тармоқлар, маълум ҳудудларда турли масалаларни ечими учун қуриладиган геодезик тармоқ ва бошқалар[2].

Катта ҳудудда битта координаталар ва баландликлар системасида қурилган геодезик тармоқлар шу ҳудудда съёмка ишларини ҳар хил жойларда, ҳар хил вақтда, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда ташкил қилиб, уларнинг натижасидан фойдаланиб, ҳудудни умумий картасини тузиш имконини беради. Бундан ташқари геодезик ўлчашлар хатосини бутун ҳудуд бўйича тенг тарқатиш имконини беради, ҳамда улар даражасини текшириб боришни таъминлайди.

Геодезик тармоқлар умумийдан хусусийга ўтиш тарзида қурилади, яъни, аввал катта ҳудудда сийрак ва юқори аниқликдаги пунктлар тармоғи ҳосил қилинади, кейин эса тармоқ пунктлари босқича-босқич зичлаштирилади, бунда ҳар бир кейинги босқич олдингисига боғланади ва аниқлиги эса пасайиб боради.

Анъанавий усулларда геодезик тармоқлар, триангуляция, полигонометрия ва трилатерация усулларида қурилади. Триангуляция усулида учбурчаклар тармоғи тузилиб, учбурчакларнинг ҳамма бурчаклари ва бошланғич ҳамда охириги томонларининг узунлиги ўлчанади. Томонлардан бирининг узунлиги ва учбурчаклар бурчаклари орқали тармоқ учбурчакларининг томонлари ҳисобланади.

Томонлардан бирининг дирекцион бурчаги ва пунктлардан бирининг координаталари орқали қолган ҳамма пунктларнинг координаталари ҳисобланади. Триангуляция усулининг асосий мазмуни шундан иборат.

Полигонометрия усулида синиқ чизиқлардан иборат йўллар тармоғида ҳамма бурилиш бурчаклари ва томонлар узунлиги ўлчанади. Ўлчаш аниқлиги юқори даражада таъминланган бўлиши керак. Бу усул, асосан, ўрмон ва шаҳархудудларида кўпроқ қўлланилади. Томонлар узунлиги электрон дальномерлар билан юқори аниқликда ўлчаш имконияти туғилганидан кейин бу усул, айниқса, унумли бўлди.

Трилатерация усулида учбурчаклар тармоғи қурилиб, унда бурчаклар ўрнига фақат томонлар узунлиги ўлчанади. Ҳисоблашлар йўли билан яқиний натижа – учбурчаклар учлари нуқталарнинг координаталари топилади [3].

Шаҳарлар худудидида кадастр съёмкаларини олиб боришда геодезик асос вазифасини шаҳар геодезик тармоқлари бажаради. Бундай тармоқлар шаҳарлар худудларида йирик масштабли съёмкаларни бажаришда бош геодезик асос бўлиб хизмат қилади. Шаҳарларда геодезик асос 2-4 синф давлат геодезик тармоқлари, 1-2 разряд зичлаш геодезик тармоқлари ва съёмка тармоқлари кўринишида қурилади. Шаҳарларда геодезик тармоқ қуришнинг энг перспектив усули сифатида шаҳар полигонометриясини келтириб ўтишимиз мумкин. Унча катта бўлмаган шаҳарлар худудида 4 синф, 1 ва 2 разряд полигонометрияси пунктлари ягона геодезик асос бўлиб хизмат қилади [2].

Сўнгги йилларда жадаллик билан ривожланиб бораётган сунъий йўлдош технологияларига асосланган усулларни геодезик таянч тармоқларини қуришда ва ривожлантиришда фойдаланиш ишнинг аниқлиги ва самарадорлигини ошишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда деярли барча ривожланган давлатлар геодезик таянч тармоқларни қуришда глобал навигацион сунъий йўлдош тизимларидан (ГНСИТ) тизимларидан фойдаланмоқдалар. ГНСИТ дан фойдаланиб геодезик асос қуришни хорижий мамлакатлардан Швецияда ГНСИ технологиялари 1989 йилдан бошлаб давлат геодезик тармоқларини қуриш ва уларни етарли даражада зичлашда қўлланиб келинмоқда. Экспериментал тажрибалар асосида лойиҳалаштириш усуллари ва стратегияси, кузатиш, маълумотларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, GPS дан фойдаланиш ва уни геодезик амалиётда қўллашга доир қўлланмалар ишлаб чиқилган. Швецияда GPS ўлчашлар технологияси яхши ўзлаштирилган ва ундан кенг доирадаги геодезик масалаларни ечишда фойдаланилади.

Швецияда миллий планли геодезик тармоқ мавжуд ва у бутун майдоннинг 70% ини қоплайди. Миллий тармоқ пунктлари орасидаги масофа ўртача 10 км ни ташкил қилади. Тармоқ

1967-1982 йиллар мобайнида трилатерация усулида 1-2 ppm нисбий хатоликда қурилган.

Ҳозирги кунда Швецияда геодезик таянч тармоқларни қуриш ва ривожлантириш фақатгина GPS технологиялари асосида олиб борилади. Таянч геодезик тармоқлар тизимида янги структура бўлиб, фақатгина сунъий йўлдош усулларига асосланган, мунтазам ишлаб туривчи GPS референц станциялари (SWEPOS) ҳисобланади. SWEPOS Швеция миллий топография хизмати (NLS – National Land Survey) ва “Онсала” обсерваторияси ҳамкорлигида “GPS Resources in Northern Sweden” лойиҳаси асосида яратилган. Ушбу тармоқни яратишдан асосий мақсад қуйидагилар:

нисбий GPS ўлчашлар учун бир ва икки частотали маълумотлар билан таъминлаш;

реал вақт режимида (DGPS) GPS ўлчашларни бажариш учун дифференциал тузатмалар билан маъминлаш;

тектоник ва геодинамик жараёнлар тадқиқи учун маълумотлар билан таъминлаш;

SWEPOS пунктларидан GPS ўлчашлар учун юқори аниқликдаги асос сифатида фойдаланиш;

GPS тизимининг яхлитлиги мониторингини олиб бориш учун.

SWEPOS тармоғи 21 та станциядан иборат бўлиб, уларда 33 та GPS приёмниклари ўрнатилагн (1-расм).



1-расм. SWEPOS тармоғининг Швейция худуди бўйлаб жойлашуви

Барча станциялар Гевле шаҳридаги NLS назорат марказида назорат қилинади. “Хомаки” маълумотлар - икки частотали кодли ва фазали GPS ўлчашлар - станциялардан кунига 5 марта телефон тармоғидан модем орқали юборилади. Назорат маркази келган “хомаки” маълумот-

ларни GPS ўлчашлар умумий алмашув формати – RINEX га конвертлайдига уларни серверда сақлайди. “Хомаки” ёки конвертланган маълумотларни қайта ишалаш учун олиш Novell Netware дастури воситаси, TCP/IP протоколи (интернет) ва BBS орқали амалга оширилади. Одатда маълумотлар 24 соат ичида тайёр холга келади.

Тезкор тармоқ линияларининг жалб қилиниши натижасида маълумотларни ўлчашлар бажарилгандан сўнг қисқа вақт ичида олиш имкони пайдо бўлди.

Фойдаланувчилар учун дифференциал тузатмалар DGPS реал вақт режимида TERACOM Svensk Runradio компаниясининг FM тармоғи (радиотармоқ) орқали берилади. Ушбу тижорат хизмати EPOS деб номланади. EPOS Швецияда 1994 йил 5 декабрдан бери ўз фаолиятини олиб боради. EPOS икки хилдаги аниқликни тақдим қилади: асосий – позиционлашдаги 10 м дан кам бўлган аниқлик ва юқори – 2 м дан кам бўлган аниқлик.

SWEPOS станцияси шунингдек, SWEREF-93 янги геодезик референц тизими учун юқори аниқликдаги назорат пунктлари вазифасини бажаради.

DGPS технологиясини кичик аҳоли пунктларида кадастр съёмкаларини бажаришда қўллаш ҳар томонлама қулай ва афзал ҳисобланади [4].

Германияда ҳам геодезик таянч пунктларини ГНСИТ технологиялари асосида қуриш яхши йўлга қўйилган.

Германияда Миллий топография Хизмати (GNS) томонидан сунъий йўлдош позиционлаш Хизмати SAPOS яратилган ва мунтазам ишлаб туради.

Тизим асоси бўлиб GPS кузатишлар таянч станциялари тармоғи ҳисобланади. SAPOS ўзининг имкониятлари ва аниқликлари билан фаркланувчи 4 та подсистемани ўз ичига олади.

EPS – реал вақт масштабидаги позиционлаш хизмати;

HEPS – реал вақт масштабидаги юқори аниқликдаги позиционлаш хизмати;

GPPS – геодезик аниқликдаги позиционлаш хизмати;

GHPS – юқори геодезик аниқликдаги позиционлаш хизмати.

GPS сунъий йўлдошларини кузатиш нисбий дифференциал позиционлашда иккала пунктда (таянч ва аниқланаётган) бир вақтнинг ўзиде бажарилади, бу эса ўз навбатида координаталарни юқори аниқликда узатиш имконини беради. SAPOS референц станциялари сантиметрли аниқликда WGS-84 нинг реализацияси ҳисобланган ETRS-89 фазовий геоцентрик координаталар системасида аниқланган.

EPS координаталарни реал вақт режимида 1-3 м аниқликда топиш имконини беради. Таянч станцияларда GPS сунъий йўлдошларигача

бўлган масофа доимо ўлчаниб турилади ва кодли дифференциал тузатмалар ҳисобланади, қайсики фойдаланувчиларга кичик габаритли ёрдамчи жиҳозлар ёрдамида реал вақт режимида олиш имкониятини берувчи. Қўллаш соҳаси:

транспорт воситалари навигацияси;
транспорт воситалари ҳаракатини бошқариш тизими;

флотни бошқариш;
хавфсизлини таъминловчи давлат хизматлари;

қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари;
атроф мухит муҳофазаси;
геоахборот тизимлари (ГАТ);
гидрография ва сув ресурслари.

HEPS позиционлашни реал вақт режимида 1-5 см аниқликда бажаришни таъминлайди. Кодли тузатмалар билан бир қаторда фазали тузатмалар ҳам берилади, бу эса координаталарни топиш аниқлигини ошишига хизмат қилади. Қўллаш соҳаси:

геодезия, топография, кадастр ва қурилишда;

аэрофотосъёмка;
геоахборот тизимлари (ГАТ);
флотни бошқариш;

хавфсизликни таъминловчи давлат хизматлари;

қишлоқ ва ўрмон хўжаликлари;
гидрография ва денгиз съёмкалари
авиация.

GPPS 1 см аниқликни таъминлайди ва координаталарни “онлайн” режимида олиш имконини беради. Координаталарни топиш учун битта приёмникда ўлчашлар бажарилиши кифоя қилади. Қўллаш соҳаси:

юқори аниқликдаги геодезик ишлар;
кадастр съёмкалари;
аэрофотосъёмка;
инженерлик съёмкалари.

GHPSда эса координаталар миллиметрли аниқликда олинади. Бундай аниқликни олиш учун кузатишлар узок вақт мобайнида олиб борилиши ва аниқ орбитал маълумотлардан (эфмеридлар) дан фойдаланиш лозим. Қўллаш соҳаси:

махсус фундаментал геодезик ишлар;
GNS референц станциялари;
фундаментал илмий геодезик тадқиқотлар;
мониторингли масалалар (қирғоқ чизиклари, денгиз сатхлари) [4].

Хулоса қилиш мумкинки, ривожланган хориж давлатлари ўз геодезик тармоқларини, шунингдек шаҳар геодезик таянч пунктларини қуришни GPS технологиялари асосида олиб борадилар. Бу эса ўз навбатида геодезик, картографик ишларни олиб боришда, қурилишда ва шаҳарлар ҳудуди кадастр съёмкаларини бажариш учун юқори аниқликдаги, тезкор, сифатли, кенг унумли геодезик асос вазифасини ўтайди.

Замонавий дунёда космик технологияларни ривожлантириш миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш шартларидан бири ҳисобланади. Космик фаолият мамлакатнинг келажагига жиддий таъсир қилади, чунки у илмий-техник салоҳиятни, юқори технологияларнинг ривожлантирилишини таъминлайди, хавфсизлик ва мудофаа, табиатдан фойдаланиш муаммоларини ҳал қилишга, табиий ва техноген ҳалокатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Бугунги кунда дунёнинг барча ривожланган давлатлари ўзларининг геосиёсий манфаатларини амалга ошириш учун космик фаолиятнинг муҳимлигини англадилар.

УДК 528.1

PROSPECTS FOR SYSTEM MAPPING OF OIL AND GAS INDUSTRY STRUCTURES AND INDUSTRIAL CLUSTER DEVELOPMENT

Muzropova F.I., G'ofirov M.J.

Qarshi Engineering Economic Institute

Maqolada neft va gaz sanoatini rivojlantirish yo'lidagi eng istiqbolli maqsadlar bayon etilgan.

В статье раскрываются наиболее перспективные цели перехода на путь развития нефтегазовой отрасли.

The article reveals the most promising goals of transition to the path of development of the oil and gas industry.

Uzbekistan has become a major exporter of natural gas, polyethylene and petroleum products in recent years. To date, increasing the potential of the oil and gas sector has become one of the main priorities of the economic and social development Strategy of Uzbekistan. The development of the oil and gas industry is associated with the search for new fields, expansion of production volumes and modernization of the technological infrastructure of processing enterprises.

Today, the country's oil and gas industry is rapidly developing. The main part of this indicator falls on Kashkadarya, Bukhara, and Ferghana regions. Currently, one of the most pressing problems of socio-economic cartography is the creation of an industrial map in the form of a document with scientific reference graphics, taking into account the employment of the population and the location of industries, the sustainable development of economic zones.

Industrial maps reflect the location and development of industrial production. This takes into account various characteristics of industrial production (level of production, specialization, volume of equipment, number of employees, annual output, production growth, economic relations, etc.). currently, the use of GIS technology for mapping in the oil and gas industry, which occupies an important position, creates wide opportunities for industry specialists.

The main areas of GIS technology application in the oil and gas industry are:

- Geological and geophysical search
- Design and installation of pipes

Адабиётлар

1. Авчиев Ш.К. Олий геодезия. Тошкент., Вориснашриёти, 2010 й.
2. Мирмахмудов Э.Р.Сфериодическая геодезия. ўқув қўлланма. Тошкент., ЎЗМУ. 2011г..
3. Мирмахмудов Э.Р. Космическая геодезия. ўқув қўлланма. Тошкент., ЎЗМУ. 2011г.
4. <http://www.allpravo.ru/library/doc99p/instrument5237/item5256.html>
5. [http://www.gendocs.ru/v5511/лекция - ведение кадастра за рубежом](http://www.gendocs.ru/v5511/лекция_-_ведение_кадастра_за_рубежом)
6. <http://www.geodetics.ru/geodezseti.html>
7. <http://www.kref.ru/infozemelnoopravo/14411/37.html>.

-Control function

-Planning

When creating an industrial map for GIS, collecting and processing data over this network is the most time-consuming stage. Currently, the most promising and cost-effective way to pass this stage is to obtain data using remote sensing and a GPS device.

Traditionally, remote sensing is a method that allows you to get an image of the surface at any height from space or the surface of the Earth. In addition to remote sensing, today the use of modern unmanned aerial vehicles (drones) further increases the speed of obtaining data on the created map. In addition, the GPS measuring device is also important when creating industrial maps. Its advantages are as follows.

One of the important issues in the preparation of industrial cards, there is a system for mapping oil and gas promyshlennosti is the establishment of boundaries of oil and gas production, collection of target complex data, development of automated model production volumes, organization of monitoring information base the oil and gas industry. Digital mapping of the oil and gas industry requires registration of territories of oil and gas complexes, calculation of annual production volume, and complex processing of the data obtained. Also, an important factor in the development of guidelines for the creation of industrial maps is the collection of regional certificates of oil and gas industry complexes and the preparation of scientific and methodological recommendations on them.

Today, the need to use new technologies in exploration, Geophysics, and the oil and gas industry is much higher than in other industries. Its solution will allow to modernize the country's production segments through inter-industry relations. At the same time, growing competition between countries requires reducing the cost of using new technologies for the exploration, production, and processing of industrial resources. And this can only be achieved by using innovative methods in the use of subsurface resources.

In other words it is desirable to perform the following tasks:

-Formation of specialized programs to support the development of regional clusters in the oil and gas industry

-Development Of a strategy for socio-economic development based on the cluster system of oil and gas industry branches and application of innovative technological educational policy in it

In this case, the following tasks will be set. I.e.:

-Planning and optimization of economic activity of the oil and gas industry

-Planning of systems for the collection and transportation of oil

-Comprehensive assessment of the natural resource potential of territories

The functional map of the oil and gas industry cluster includes the following elements:

-Map of the territorial location of oil and gas industries

-Organizational chart within the framework of the industrial cluster development program

Basically, the functional map of the oil and gas industry cluster should contain elements and management schemes that reflect the participants in production, processing and supply. It is known that a cluster is a group of geographically related companies (miners, manufacturers, suppliers) and related organizations (government agencies) that operate in a particular area and complement each other. The priority task of the working group on industrial cluster organization is to form the composition and functions of the industrial cluster management bodies, as well as to develop a functional map of the industrial cluster.

Literature

1. Waits M.J., Howard G. Industry Clusters // Economic Development Commentary. 1996. № 20 (3). P. 5–11; McDougall A., O'Connor K. The importance of proximity in economic competitiveness // Australasian Journal of Regional Studies. Vol. 11. No. 1. 2005. P. 6.

2. Waits M.J., Rex T., Melnick R. Cluster analysis: A new tool for understanding the role of the inner city in a regional economy. Arizona State University. 1997. April.

3. McDougall A., O'Connor K. Op. cit.

4. Martinez C. Industry clusters: competitive advantage through innovation // Industry Clusters Studies. 1998. July. Vol. 1. № 1. P. 26. 6 Ibid.

5. McDougall A., O'Connor K. Op. cit. P. 7–9.

6. Martinez C. Op. cit. P. 11.

7. Florida State University Department of Urban and Regional Planning. Planning Methods III: Forecasting Location Quotient Technique.

УДК 528.1

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛИШИ СОХАСИДА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ ГЕОДЕЗИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Жуманов Б.Н., Бозоров М.М.

Қарши Мухандислик иқтисодиёт институти

В статье о придание большого значения внедрению геодезических технологий в развитие строительной отрасли региона. Достижение точности и скорости за счет использования новейшего геодезического оборудования при возведении инженерных сооружений.

Ключевые слова: сборка, мониторинг, деформация, трассировка, 3D моделирование.

To attach great importance to the implementation of geodetic technologies in the development of the construction industry in the region. Achieving accuracy and speed through the use of the latest geodetic equipment in the construction of engineering structures.

Keywords: assembly, monitoring, deformation, tracing, 3D modeling.

Қириш. Мамлакатимиз ривожланиб, замонавий бино ва иншоотлар қад кўтармоқда. Қурилишларнинг асоси эса айнан геодезик ишлар асосида барпо қилинади ва шу асосида лойиҳаланади.

Қашқадарё вилоятида қурилаётган иншоотларнинг мустаҳкам бўлиши учун ўта аниқ ҳисоб китоблар ва замонавий техника ҳамда геодезик ишлардан фойдаланиш керак. Айнан геодезия муҳандислик иншоотларига оид изланмаларнинг барча турлари, уларни лойиҳалаш, қуриш ва кейинчалик улардан фойдаланиш

учун геодезик ўлчов олиш мажмуини барпо этиш билан геодезия йўналиши мутахасислари шуғулланади. Геодезия ишларини олиб боришда муҳандислик изланмалари ёки тадқиқотларини ўтказиш эҳтимолий қурилиш участкаси табиий шароитларининг тўлиқ манзарасини олишда ёрдам беради. Геодезистлар айни шу ахборотни қурилишни лойиҳалаш ва бошлашда техник жихатдан тўғри ва иқтисодий асосланган ечимлар қабул қилинишини таъминлашда асос бўлади деб ҳисоблайдилар. Хозирда геодезия мутахасислари қурилиш соҳасида, жумла-

дан, бино ва иншоот қурилиши ва мониторинги ишларида қуйидаги мутахасислик фаолиятларини олиб бормоқдалар, яъни геодезик хизматларнинг тўлиқ спектрини кўрсатмоқда ва ўз буюрмачиларига геодезик ишлар юқори даражада бажарилишини кафолатлай олишлари керак.

Асосий қисим: Қуйидаги геодезия ишларини назарда тутамиз:

-мутахасислар режада ҳам, баландлик бўйича ҳам зарур аниқликда режа тузиш ишларни бажарадилар. Режа тузиш ишлари-қурилиш-монтаж ишлари мажмуида муҳим босқич ҳисобланади. Мухандислик иншоотлари режасини тузишда мутахасис энг янги геодезик ускуналаридан фойдаланиши эса буюртмачига ишни бажаришда юқори тезлик ва аниқликка эришилишини кафолатлайди;

- қурилишнинг барча муҳим босқичларида мутахасис объект иншоотлари конструктив элементлари ижросини суратга оладилар. Замоनावий мутахасис хар қандай мураккаблик ва мақсаддаги 1:200 дан 1:1000 гача бўлган турли масштаблар ижросини суратга олиши талаб этилади;

- қурилиш якунлангач, бино ва иншоотларни мониторинг қилади. Бинолар чўкишини геодезик усуллар билан бундай кузатишдан шаҳар иморатлари зич қурилган шароитдаги қурилишда фойдаланилади. Мониторинг ўтказишдан мақсад мавжуд бино деформацияси даражасини белгилаш, шунингдек бино оғиши ва деворлар эгилишини назорат қилишдан иборат. Бинолар мавжуд ҳудудларда қурилиш участкасига фойдаланилаётган бинолар ёндош бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари унинг барқарорлигига таъсир қилганда мониторинг ўтказиш зарур;

-замонавий лазерли геодезик ўлчаш ускуналаридан фойдаланган ҳолда бино ва иншоотлар қаватлари, фасадларини геодезик суратга олиб, ўлчов натижаларига рақамли ишлов беради ва 3D моделин ясади;

- шунингдек геодезия йўналиши мутахасислари геологик ишланмаларни режа ва баландлик бўйича бир-бирига тўғрилайдилар.

Геодезик мутахасислари чизикли иншоотларни трассалаштиришда яъни муҳандислик тармоқлари (газ, сув қуврувлри, алоқа линиялари, иссиқлик трассалари ва х.к) трассаларини лойиҳалаш ҳамда автомобил ва темир йўлларни лойиҳалашда асосий трассалаштиришни олиб боради. Мухандислик иншоотларини қуришда энг янги геодезия ўлчаш ускуналаридан фойдаланиши сабабли аниқлик ва тезликка эришилади.

Ёрдамчи қурилиш ташкилотлари геодезия ташкилотлари геодезия хизматлари бажарадиган ҳудудни бўлиш ишларини назорат қилиш ва қабул қилиш функциялари ҳам назарда тутилган.



1-расм. Қашқадарё вилоятида қурилаётган кўп қаватли уй-жойлар.

Иншоотларни бевосита бўлиш икки босқичда амалга оширилади:

-биринчи босқичда асосий бўлиш ишлари бажарилади ва геодезик асос пунктларига тўғрилаш маълумотларига кўра жойда асосий бўлиш ўқлари ўрни топилиб, улар жойда мустаҳкамланади;

-иккинчи босқичда пойдевор кўтаришдан бошлаб қурилиш ҳудуди батафсил бўлинади. Бош ва асосий ўқларнинг мустаҳкамланган нуқталаридан иншоотнинг алоҳида қурилиш элементлари ва қисмлари узунасига ва кўндаланг ўқларга бўлиниб, бир вақтнинг ўзида лойиҳа баландлиги даражаси аниқланади;



2-расм. Қурилиш соҳасида ҳозирги кунда ишлатиладиган замонавий геодезик асбоблар.

Бугунги кунда кўп қаватли бинолар қурилишнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат фойдаланиладиган технологияларни танлаш, ишлар ва материаллар сифатига, балки кўп жиҳатдан дастлабки муҳандислик изланишларнинг тўғрилигига ҳам боғлиқ. Юқори сифатли дастлабки геодезия ишларнинг ўтказилиши кичик ва ўртача объектлар учун жуда мақбул, хар қандай масъулиятли қурилиш учун эса мажбурий саналади.

Хулоса қилиб айтганда ҳозирги вақтга келиб фан техника соҳаси тез ривожланмоқда шунинг учун ҳамма соҳаларда ривожланиш кўзга ташланмоқда. Замонавий геодезия ишлари бино ва иншоотлар қуришни келгусида режалаштириш учун асос яратади деса ҳам бўлади. Топография ишларининг аниқ маълумотлари асосида технологик ечимларни асосли равишда танлаш, қатламлар силжиши билан боғлиқ эҳтимолий муаммолар юзага келишини

олдидан билиб, уларни бартараф этиш ва бу-нинг оқибатида юзага келадиган бир қатор қийинчиликларни олдини олиш мумкин. Геодезия ишлари ҳар қандай лойиҳа учун зарур, уни амалга ошириш қуриладиган объектнинг мустаҳкам ва ишончлилигини таъминлайди.

УДК 528.1

YO'LLAR VA KO'PRIK TUZILMALARI QURILISHIDA GEODEZIK ISHLAR

G'ofirov M.J., katta o'qituvchi; Mirzaev J.O. assistent
Qarshi muhandislik iqtisodiyot instituti

Ushbu maqolada yo'llar va ko'priklar tuzilmalari qurilishidagi amalga oshiriladigan geodezik ishlar va ularning yo'llar va ko'priklar tuzilmalari qurilishidagi ahamiyati keng yoritildi.

В статье подчеркивается важность дорожно-строительных и геодезических работ при строительстве мостовых сооружений и их значение при строительстве дорог и мостов.

This article emphasizes the importance of road construction and surveying in the construction of bridges and their importance in the construction of roads and bridges.

Yo'llarni qurish davrida geodeziya ishlari ol-dingi kuzatuv materiallariga muvofiq o'z o'qining detallashtirilgan qismidan boshlanadi. Shu bilan birga, yo'qolgan piketlar, burilish burchaklari va aylana chiziqlarining asosiy nuqtalari tiklanadi. Ma'lum usullardan birida egri chiziqlarni batafsil tahlil qilish. Bundan tashqari, nazoratni tartibga solish pusht va ortiqcha nuqtalari orqali amalga oshiriladi. Ushbu ishlar tugallangach, marshrutni oxirida qazish zonasi tashqarisida joylashtirilgan belgilar bilan yerga o'rnatiladi va ish ko'rsatkichlari tarmog'i quyidagilar asosida yo'naltiriladi: marshrut 4-5 piketida 1 dona tayanch.

Yer sharoitlari va marshrutning loyiha liniya-sining joylashuviga qarab, loyihaning pozitsiyasi va marshrutning profillarining turli xil holatlarida yo'l to'shamasi buziladi. Yo'l to'shagining yoyilishi yo'lning, yelkaning, yamoqlarning va kublarni joylashtirishni hisobga olgan holda, bo'ylama va yonli yo'nalishdagi dizayn yamoqlariga mos kelishini hisobga olgan holda amalga oshiriladi. Yamalgan joylar yo'lning o'qidan yoki bir tomondan har ikki yo'nalishda suv oqimini ta'minlash hamda egri chiziqlarda harakatlanadigan transport vositasining zarur barqarorligini ta'minlash uchun kerak. Chuqurlikdagi yamoqlar dizayndan 0,030m dan oshmasligi kerak.

Kuzatuv ishlari yo'lning qurilishi va yo'l qurilishi yakunlanganidan keyin amalga oshiriladi.

Ko'priklarni qurish uchun uchburchak, trilateratiya, poligonometriya, shuningdek, nuqta koordinatalarini 10 mm dan oshmasligi kerak bo'lgan yo'nalish burchakli konstruksiyalar shaklida rejalashtirilgan markaziy tizim yaratiladi. Ushbu tarmoqlar qat'iy tarzda tenglashadi. Markaz tarmog'i xususiy yoki shartli koordinatali tizimda yaratiladi.

Ko'priklarli triangulyatsiya tarmoqlarida burchaklar 1"-2" dan ortiq bo'lmagan xatoliklar bilan o'lchangan va boshqaruv tagliklari (kamida ikki tomon) 2-3 mm aniqlik bilan o'lchanadi. Trian-


Адабиётлар:

1. Авчиев.Ш.Қ. “Инженерлик геодезияси“ Тошкент 2018 й
2. Тошпўлатов С.А, Авчиев.Ш.Қ “Инженерлик геодезияси”. Тошкент ТАҚИ II-қисм 2005 й.


gulyatsiya. Ikki tomonlama geodezik to'rtburchak shaklida uchburchakning tarmog'ining diagrammasi. Yoki ikkita bazasini o'lchash bilan to'rtta geodezik tekis shaklda ham qo'llanilishi mumkin.

Uch trilateratsiya tarmoqlarini qurishda, asosiy ko'rsatkich ko'pincha qo'sh geodezik to'rtburchak yoki ikkilangan markaziy sistemadir. Ko'rsatilgan konstruksiyalardagi tomonlar va ularning diagonallari yuqori aniqlikdagi yengil chastota o'lchagich bilan o'lchanadi.

Ko'priklarli konstruksiyalarda chiziqli burchakli inshootlar (shakli chiziqli burchakli inshootlar) gorizontal burchaklarni o'lchash uchun bir xil sharoitlarni yaratadigan qirg'oq bo'ylab hech qanday yo'nalishlarga ega emasligi sababli triangulyatsiya yoki trilateratsion tarmoqlarga qaraganda ko'proq aniqlikka imkon beradi (atmosfera-dagi lateral sinishi ta'siri zaiflashadi).




Triangulyatsiya.




Trilateratsiya. Ikkita markaziy tizim.

Ikki tomonlama geodezik to'rtburchak



Горизонтал бurchak tuzilmalari.



Полгон harakat tizimi.

Bundan tashqari, konstruksiyalarda ishonchli nazoratni ta'minlaydigan chiziqli burchakli tarmoqlarda ko'p sonli ortiqcha o'lchovlar paydo bo'ladi. Odatda, triangulyatsiya va trilateratsiya tarmoqlarini qurishda, agar kamida bir tomonni yoki burchakni o'lchash mumkin bo'lsa, bunday o'lchovlar bajarilishi kerak. Qo'shimcha o'lchovlarning qiymati bunga loyiqdir.

Биз кўриб чиққан ва фаолиятини ўрганган заводларда, жумладан акционерлик корхонасида ҳам сифатни бошқариш тизими тўлиқсиз, айрим элементлари жорий қилинган, бу тизим асосан ахборот тўплаш характерида эга, ишлаб чиқариш жараёнларига ўз таъсирини ўтказиш қобилияти жуда паст.

Бу заводларда техник назорат бўлими ходимлари сифатни назорат қилиб боришади, аммо уларнинг сони етарли эмас, иш ҳажми катта, иш вақтини катта қисми ҳар хил журналлар ва ҳужжатларни тўлдиришга сарф бўлади, асосий иши, яъни ҳар бир маҳсулотнинг яратилиш жараёнидаги сифатини кузатишга вақти бўлмайди, кўпчилик кузатилган ва таҳлил қилинган ишлаб чиқариш корхоналарида ҳатто юқорида айтиб ўтилган ишлар ҳам йўлга қўйилмаган. Таклифимиз ушбу заводларда сифатини таъминлайдиган, тезкор, оператив сифатни бошқариш тизимини жорий этиш ва амалда қўллаш лозим.

Хулоса. Юқоридаги айтилганлардан хулоса қилиш мумкинки, ушбу ишда завод маҳсулотини

сифатини таъминлайдиган, тезкор, оператив, амалий ечимлар берадиган бошқариш тизимини яратиш буйича услубий курсатмалар ишлаб чиқиш ва тафсияномалар бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Натижада:

инженерлик-коммуникация курилиши тармоғида кўп учрайдиган ва катта кўшимча харажатларга олиб келадиган нуқсонларни аниқлашга шароит яратилади;

техник назорат ўтказиш ва маҳсулот сифатини баҳолаш, технологик жараён қатнашчилар, ишчи-ходимларни фаолиятини баҳолаш, сифат коэффициентларини аниқлашда ёрдам беради;

сифатсиз маҳсулотни таъмирлаш, тўғрилаш натижасида пайдо бўладиган шартли йўқотишларни (материал, меҳнат харажатлари, иш ҳаққи йўқотишлари) миқдорини аниқлашда қўл келди.

Адабиётлар:

Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.- Ташкент. Ўзбекистон. 2016 й.

Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. –Т.: Ўзбекистон. 2017 й.

Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз.- Т.:Ўзбекистон. 2017 й.

Каримов И.А. Мировой финансово-экономический кризис, пути и меры по его преодолению в условиях Узбекистана». – Т.: Узбекистан, 2009.

"Корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. - Т.: Адолат, 2000

Суёнов А.С. Модернизация систем управления качеством продукции в строительном комплексе Узбекистана. Монография. – Т.: «Фан ва технология», 2011. – 124 с.

УДК :332.611

МОЛИЯ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ТУРАР-ЖОЙ КЎЧМАС МУЛКНИ БАҲОЛАШНИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ganiyeva Feruza Samievna; TurayevaMalika Xikmatovna

Самарқанд давлат архитектура курилиш институти

Мамлакатимиз банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмокда.

Калитли сўзлар: Инвестиция, инвестицион жозибадорлик, кўчмас мулк бозори, кўчмас мулк, объект, баҳолаш хизмати, капитал, фойда, дисконтлаш усули, дармад ёндашув, прогноз давр, эгалик ҳуқуқи, лойиха, рентабеллик, кўрсаткичлар, иқтисодий жараён, лойихани тадбиқ этиш, фондоқайтим, натижаларни мувофиқлаштириш.

Peculiarities of appraisal of residential real estate in the development of the financial system

The stable and reliable functioning of the banking system of our country, its growing prestige in the global financial market, as well as our bold steps towards the modernization of our country are recognized by the world community, as well as a number of influential international financial institutions.

Keywords: Investment attractiveness, real estate market, real estate, property, valuation service, capital, profit, discount method, income approach, forecast period, ownership, project, profitability, indicators, process, project implementation, savings, matching results

Особенности оценки жилой недвижимости в развитии финансовой системы

Стабильное и надежное функционирование банковской системы нашей страны, ее растущий авторитет на мировом финансовом рынке, а также наши смелые шаги в направлении модернизации нашей страны признаны мировым сообществом, а также рядом ведущих международных финансовых институтов.

Ключевые слова: Инвестиции, инвестиционная привлекательность, рынок недвижимости, недвижимость, объект, услуга оценки, капитал, прибыль, метод дисконтирования, доходный подход, прогнозный период, право собственности, проект, рентабельность, показатели процесс, реализация проекта, экономия, согласование результатов

Кириш. Мамлакатимиз банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳозирги даврда изчиллик билан амалга оширилаётган чоралар **Коронавирус пандемияси** даврида ҳам, мамлакатимиз банк-молия тизимининг янада барқарор бўлишига, банкларнинг инвестицион фаолиятини кучайтиришига ва шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга мустақам замин яратади. Бу йил юртимиз тарихида илк марта Ўзбекистоннинг суверен давлат облигациялари халқаро молия бозорларига чиқарилади.

Асосий қисм. Иқтисодиётнинг ривожлантириш мақсадларига эришиш учун юқорида айтилган активларни сезиларли даражада ўсиши керак бўлади. Йил давомида активларнинг умумий ўсиши 98% ни ташкил этди, бироқ бу таъсир 60%га валюта курсининг девальвацияси ва валюта активларининг пропорционал ўсишига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси молиявий хизматлар бозорининг ҳажмини кўриб чиқамиз



1-расм. Ўзбекистон Республикаси молиявий хизматлар бозорининг ҳажми, млрд сўм

График шуни кўрсатадики ички молия бозорининг сифими кичик. 2016 йилдан бошлаб бозор ҳажми кескин кутарилди ва 54277 млрд сўмни, айирбошлаш кўрси ўртача 2703 сўмни ташкил қилди. 2017 йилда бозор ҳажми 2 баробарига ошди ва 113053 млрд сўмни, айирбошлаш курси эса 5333 сўмни ташкил этди ва олдинги йилларга нисбатдан 81% ошди. 2019

йилда бозор ҳажми 156094 млрд. сўмни, айирбошлаш курси эса 9190 сўмни ташкил этди. Бозор ҳажми ўсишига қарамасдан, маҳаллий капитал бозори кам ривожланган ва хусусий секторнинг спекулятив турдаги қарзларини тақдим қилиш учун мамлакатда фаол бозор мавжуд эмас. Юқори даражадаги давлат иштироки, шаффофлик йўқлиги ва ҳуқуқ қўллашдаги тенгсизлик сабабли, банк тизими ва мамлакатга инвестиция киритиш хавфи юқори даражадалиги кузатилмоқда. Аҳолининг харид қилиш қобилиятининг пастлиги пассивларни жалб қилиш ва банк маҳсулотларини ривожлантириш имкониятини сезиларли даражада чеклайди. Ўзбекистонда кредитлаш амалиётлари стандартлари жаҳон даражасидан ортда қолмоқда. Давлат кўпинча кредит бериш қарорларини қабул қилиш жараёнига аралашади. Марказий банк тизимининг шаффофлигини оширишга қаратилган, жумладан, тарифларни пасайтириш ва бир қатор банк хизматлари учун комиссияларни бекор қилиш бўйича тавсияларни ўз ичига оладиган, қарор қабул қилди.

Банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳа билан Жаҳон банки кўмагида ишлаб чиқиладиган банк-молия тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегия тасдиқланади. Стратегияда: давлат маблағлари ҳисобидан имтиёзли банк кредити ажратиш амалиётини тубдан такомиллаштириш, бунда кредит фоизини қисман компенсация қилиш амалиётини кенгайтириш; банклардаги давлат улушини босқичма-босқич камайитириш; молия бозорлари, шу жумладан фонд бозори, давлат қимматли қоғозлари иккиламчи бозори ва ҳосилавий молиявий инструментлар бозорини ривожлантириш.

Банк тизимини янада ривожлантиришга рақамли меҳнат соҳасидаги инновациялар, маълумотларни таҳлил қилиш ва масофадан хизмат кўрсатиш асосида эришилади. Рақамли иқтисодиёт миллий стратегиясини ишлаб чиқиш борасидаги лойиҳа билан «Рақамли Ўзбекистон-2030» миллий стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича «йўл хари та»си лойиҳасида: «Рақамли Ўзбекистон-2030» миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш; давлат хизматлари кўрсатиш, давлат бошқаруви, иқтисодиётнинг барча тармоқлари, хизмат кўрсатиш соҳаларида рақамли трансформация қилиш; бизнес харажатлари ва маъмурий юқламани камайитириш мақсадида маъмурий тартиб-таомилларни рақамлаштириш

назарда тутилади.



Асос: Ўзбекистон Республикасининг Стратегиясининг концепцияси

Расм 2. Ўзбекистон республикасига жалб қилинадиган инвестициялар

Мамлакатимизда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларни давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш мақсадида юртимизда 2020 йилга **“Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”**, деб номланди. Тошкент шаҳрида замонавий инфратузилма “IT-парк” барпо этилди. У ўзининг дастлабки натижаларини берди. Бундай “IT-парк”лар Нукус, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ҳам ташкил этилади. **“Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини** ишлаб чиқишни икки ой муддатда якунлаш лозим. Банк тизимини ривожлантириш учун 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилиши керак. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш муҳим.

Молия тизимини ривожлантиришда баҳолаш жараёни муҳим ўринга эга. Икки ҳонали тўрар-жойни даромад ёндашувида баҳолашни кўчмас мулк объекти мисолида кўриб чиқамиз. Турар жойни бозор қийматини аниқлашда дастлабки мулжал баҳолаш, асосан маълумотлар базасида мужассамланган таклифлардан истиқболли вариантларни олдиндан танлаш учун фойдаланилади

Даромадли ёндашув – баҳоланаётган объектдан кутилаётган даромадларни аниқлаш усулларини узига мужассамлаштиради.

Икки ҳонали турар –жойдан олиниши кўзда тутилган даромад харидор-инвесторнинг кутишлари, умидларидан келиб чиққан ҳолда тасаввур қилинади. Харидор-инвестор келажакда пул маблағи қуранишида даромад олиши мулжалланади. Алмаштириш принципи ҳам даромад қилишнинг бир усули булиб, унга биноан потенциал инвестор ухшаш даромад келтирувчи бошқа кўчмас мулк олиниши харажатларига нисбатан кўп маблағ туламайди.

Баҳони ҳисоблаш тўғридан-тўғри капиталлаштириш ёки пул оқимларини дисконтлаш

усуллари орқали бажарилади. Икки ҳонали турар –жойнинг бугунги кундаги тахминий баҳосини аниқлаш мақсадида даромад усулида урганиб чиқадиган булсак, ушбу кўчмас мулкларни ижарага берилган тақдирда келиши мумкин бўлган даромадни тахминий ҳисоблаб чиқадиган булсак қуйидаги натижага эришамиз. Капитализация ставкасини аниқлашнинг энг содда ва яхши усули уни бозорда йиғилган маълумотлардан олиш ҳисобланади:

$$K = D \cdot C_{MK}$$

D- соф операцион даромад; C_{МК}-кўчмас мулк қийматми

Бундай усул билан аниқланган капитализация ставкаси капитализациянинг умумий ставкаси деб номланади. Уни аниқлаш учун худди шундай кўчмас мулкни объектни сотиш буйича маълумотларга эга бўлиш зарур. Шу билан бирга ҳар бир объект буйича D қийматини аниқлаш лозим.

Икки ҳонали турар –жойни бугунги кундаги баҳосини даромадли ёндашув усулида аниқлаш мақсадида ушбу объект ижарага берилган тақдирда келтириши мумкин бўлган даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим деб топилди. Бунинг учун маҳаллий интернет сайтларига эълонлар асосида Самарқанд вилоятида жойлашган ижарага берилмаётган объектлар, жумладан: тижорат объектлари маълумотлар аниқланиб, аналогларга қиёсан ижарасини аниқлақлаймиз.

1-жадвал

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган турар –жойни ижара ҳақини аниқлаш

| Қиёслаш элементлари | Турар жой | Аналог 1 | Аналог 2 | Аналог 3 |
|--------------------------------------|------------------------|------------------|------------------|------------------|
| Маълумот манбаси | Визуал кўрик маълумоти | “OLX” инт. сайти | “OLX” инт. сайти | “OLX” инт. сайти |
| Ижара ҳақи, у.е. | | 250 | 200 | 300 |
| Ижара ҳақи, сўм | | 2532500 | 2026000 | 3039000 |
| Майдон, м ² | 84,41 | 74 | 86 | 100 |
| Объектнинг ҳолати | Яхши | Яхши | Яхши | Қониқарли |
| Тўзатиш коэффициенти | | 1,20 | 1,0 | 0,95 |
| 1 м ² қиймат, сўм | | 41067 | 23558 | 28870 |
| 1 м ² ижара ҳақи, 1 ойлик | 2630637 | 31165 | | |
| Бир йиллик ижара ҳақи | 31567651 | | | |

Икки ҳонали турар –жойни бир йиллик ижара ҳақи 31 567 651 сўмга тенг. Бу даромаддан ҳақиқий ялпи даромад ХЯД ва соф операцион даромад СОДни аниқлаймиз:

$$ХЯД = КЯД - Йўқотишлар + бошқа даромадлар$$

$$СОД = ХЯД - Операцион харажатлар$$

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган турар –жойни даромад ёндашувида қийматини аниқлаш

Жадвал 2

| | | |
|----------------------------------|-----------|------------|
| Потенциал ялпи даромад | 2 630 637 | 31 567 651 |
| Хақиқий ялпи даромад | -14% | 27148180 |
| Операцион харажатлар | 7 % | 1900372 |
| Соф операцион даромад | | 25247807 |
| Капиталлаштириш коэф-фициенти | | 6 % |
| Баҳоланаётган объектнинг қиймати | | 420796783 |

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар –жойни даромад ёндашувида баҳолаш қиймати 420 796 783 сўмни ташкил қилди.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун 19 август 1991й. (узгартириш ва кўшимчалар билан)
2. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, Тошкент, 2017

ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ И ВИДЫ МЕЖДУНАРОДНЫХ ПЕРЕВОЗОК ГРУЗОВ И ПАССАЖИРОВ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ

Рахматуллаев Мустафоқул, доцент; Тоғаев Холмурод, старший преподаватель
Джиззахский политехнический институт

В статье приводятся правовые основы и виды международных перевозок грузов и пассажиров в условиях инновационной экономики. Отмечается, что весьма важный фактор – стоимость перевозки и порядок оплаты в договоре, как правило, приводится фиксированная сумма оплаты каждой конкретной перевозки.

Ключевые слова. Таможенная конвенция, геополитическое, автотранспортная компания, фиксированная сумма, международная перевозка, упаковка, состояние грузатаможенную документацию.

Республика Узбекистан занимает выгодное геополитическое и географическое положение. В течение многих столетий Шелковый путь был самым значительным и эффективным способом интеграции народов Азии и Европы. Именно по нему проходил обмен товарами, знаниями, технологиями, культурами, что в итоге способствовало развитию городов и цивилизации. Даже в настоящее время трудно оценить, какое глобальное значение имел этот путь для человечества. Многие государства Европы проявляют большую заинтересованность в области транспорта с Республикой Узбекистан. Республика Узбекистан является участницей многих авторитетных транспортных организации и сотрудничает со многими государствами в области транспортной политики.

Независимо от страны, автотранспортная компания осуществляет международную перевозку, отношения с ней строятся на основании договора. Договор может быть заключен с перевозчиком как отправителем, так и получателем товара. Структура договора имеет стандартное для подобного рода документов содержание и состоит из следующих основных разделов:

Предмет договора; Обязанности сторон; Оплата по договору и порядок расчетов;

Ответственность сторон; Иски и претензии, арбитраж; Прочие условия;

Юридические адреса сторон и банковские реквизиты.

Основным обязательством перевозчика является доставка товара в указанное отправителем место и в обусловленные сроки. Указыва-

ются сроки предъявления заявок на подвижной состав. Заказчик обязан подать в оговоренные сроки заявку на автотранспортное средство, предъявить в оговоренное количество груза и оплатить цену перевозки. Еще одной обязанностью грузовладельца является необходимость своевременной загрузки и разгрузки автотранспортных средств.

Весьма важный фактор – стоимость перевозки и порядок оплаты. В договоре, как правило, приводится фиксированная сумма оплаты каждой конкретной перевозки. Оплата производится против счетов, которые выставляет перевозчик заказчику. Если клиент оказывается новым для данной автотранспортной компании, то обычно перевозчик ставит условие о предоплате или выплате аванса.

Стороны несут материальную ответственность за несоблюдение условий договора. Каждая из сторон должна точно и своевременно исполнять условия договора и способствовать его выполнению другой стороной.

Заключая договор с автотранспортной компанией, заказчик должен понимать, что юридической основой международной автомобильной перевозки является Конвенция о договоре международной дорожной перевозки груза, а потому содержание договора не должно противоречить ее основным положениям. Вопросы пересечения автотранспортом границ решаются Таможенной конвенцией о международной перевозке грузов.

Международные автомобильные перевозки грузов в европейских странах, а также многие страны СНГ, осуществляются на основе поло-

жений Концепции о договоре международной дорожной перевозки грузов (КПДГ), заключенной в Женеве в 1956 г. (вступила в силу для СССР 1 декабря 1983 г.)

Данная конвенция применяется ко всякому договору об автомобильной перевозке грузов, когда место погрузки груза и место доставки, указанные в контракте, находятся на территории двух различных стран, из которых по крайней мере одна является участницей Конвенции.

Если на части маршрута перевозки автотранспортное средство транспортируется вместе с перевозимым им грузом по морю, железной дороге, внутреннему водному пути или по воздуху, настоящая Конвенция применяется ко всей перевозке в целом.

Договор перевозки устанавливается накладной. Полное ее наименование – «международная товарно-транспортная накладная», однако в оперативной терминологии она известна под названием накладная ЦМР (CMR), по латинской аббревиатуре названия самой Конвенции.

Накладная составляется в трех оригинальных экземплярах, подписанных отправителем и перевозчиком, причем эти подписи могут быть отпечатаны типографическим способом или заменены штампом отправителя и перевозчика (если это допускается законодательством страны, в которой заполнена накладная).

Отправитель в накладной указывает - Наименование, адрес и страну отправителя;

Страну и место разгрузки груза (так как это не всегда совпадает с адресом получателя);

Страну, место и дату погрузки груза;

Прилагаемые товаросопроводительные документы;

Вес брутто и объем груза в кубометрах;

Объявленную стоимость груза;

Условия оплаты;

Дату и место накладной;

Время прибытия автотранспортного средства под погрузку и его убытия (с подписью и штампом).

Перевозчик в накладной указывает:

Наименование, страну и адрес перевозчика;

Наименование, страну и адрес последующего перевозчика (если он предполагается);

Оговорки и замечания перевозчика (в этой графе перевозчик должен максимально точно указать внешнее состояние груза и его упаковки);

Регистрационный номер тягача, полуприцепа, их марки;

По километровой тариф, тарифное расстояние, различные доплаты.

Первый экземпляр накладной передается отправителю, второй сопровождает груз и предназначен для получателя, третий передается перевозчику. Для удобства расчетов, для таможенного оформления, для учета или отчет-

ности на предприятии рекомендуется составлять лишние два- три экземпляра накладной.

Отправитель несет ответственность за все издержки перевозки и убытки, причиненные ему вследствие неточности или недостаточности указаний в накладной или инструкции, которые даются отправителем для составления накладной или для включения в нее.

При принятии груза перевозчик обязан проверить точность записей в накладной относительно числа грузовых мест, их маркировки и номеров, а также внешнего состояния груза. Отправитель имеет право требовать проверки перевозчиком веса брутто или количество груза, а также содержимого грузовых мест.

Результаты проверок вносятся в накладную. При отсутствии в накладной обоснованных перевозчиком оговорок отмечается, что груз и его упаковка были внешне в исправном состоянии в момент принятия груза перевозчиком и что число мест, а также их маркировка и номера соответствовали указанным в накладной.

Отправитель обязан приложить к накладной или предоставит в распоряжение перевозчика все необходимые документы и сообщить все требуемые сведения для выполнения таможенных и иных формальностей.

Отправитель имеет право распоряжаться грузом, в частности требовать от перевозчика прекращения перевозки, изменения места, предусмотренного для доставки груза, или доставки груза не тому получателю, который указан в накладной. Отправитель теряет это право с того момента, когда груз и второй экземпляр накладной переданы получателю.

Перевозчик несет ответственность за полную или частичную потерю груза или за его повреждение, происшедшее в промежуток времени между принятием груза к перевозке и его сдачей получателю. Перевозчик освобождается от этой ответственности, если его вины нет или имели место обстоятельства, избежать которых перевозчик не мог. Перевозчик не может ссылаться на дефекты автотранспортного средства с целью сложения с себя ответственности.

Когда перевозчик обязан возместить ущерб, вызванный полной или частичной потерей груза, размер подлежащий возмещению суммы определяется на основании стоимости груза в месте и во время принятия его для перевозки.

Прохождение границ автотранспортом в европейских странах регулируется Таможенной Конвенцией о международной перегрузке грузов с применением книжки МДП (Конвенция МДП), принятой ООН 14 ноября 1975 года.

Данная Конвенция касается перевозки грузов, осуществляемой без их промежуточной перегрузки, в дорожных транспортных средствах, составах транспортных средств или контейнерах, с пересечением одной или несколь-

ких границ от таможи места отправления одной из договаривающихся стран до таможи места назначения другой договаривающейся страны.

Положения данной Конвенции применяются при условии, что автотранспортные средства, составы или контейнеры отвечают определенным техническим требованиям, сформулированным в данной Конвенции, и допущены к перевозке.

Грузы, перевозимые с соблюдением процедур данной Конвенции в запломбированных автотранспортных средствах, составах или контейнерах, как правило, освобождаются от таможенного досмотра в промежуточных таможенных транзитных стран.

На каждое автотранспортное средство или контейнер составляется одна книжка МДП. Единая книжка МДП может составляться на состав транспортных средств или на несколько контейнеров, погруженных на одно автотранспортное средство.

Каждое автотранспортное предприятие, осуществляющее международные перевозки, имеет собственный прейскурант цен. Цены автотранспорта рассчитываются в зависимости от рода груза, вида отправки, веса груза, расстояния перевозки в расчете на 1 т или 1 куб.м, если это объемный груз.

Тарифы устанавливаются по принципу базовой расчетной ставки и надбавок. Базовым считается автомобиль грузоподъемностью 23 т с объемом кузова 68 куб. м. Надбавки применяются:

За использование специального подвижного состава (надбавка за рефрижератор – 10-25% к базовой цене);

За использование состава повышенной кубатурности;

За негабаритность и тяжеловесность груза;

За срочность перевозки, вплоть до 50 %, ес-

ли подача подвижного состава должна произойти за 24 ч с момента подачи заявки.

При расчете провозной платы расстояние исчисляется по кратчайшему маршруту, за исключением тех случаев, когда это невозможно по дорожным условиям или обстоятельствам.

В тарифах могут устанавливаться размеры штрафов, например за неправильное оформление товарно-транспортной накладной и другие нарушения условий перевозки.

В случае если предприятие осуществляет международные автомобильные перевозки собственным транспортом, оно должно выполнять следующие условия:

Это должна быть уставная деятельность с указанием возможности осуществления, международных автомобильных перевозок;

Водитель должен иметь международные права и визы страны назначения и транзитных стран;

Перевозка должна быть оформлена международной товарно-транспортной накладной (накладной CMR) с приложением всей необходимой сопроводительной документации, включая TIR и таможенную документацию, необходимую для беспрепятственного прохождения границ.

Литература:

1. Назаренко В.С., Назаренко К.М. «Транспортное обеспечение ВЭД», М., 2001г.

2. Дегтярева О.И, Полякова Т.Н., Саркисов С.В. «Внеэкономическая деятельность», изд-во «Дело», Москва, 1999 г.

3. Рахматуллаев М., Касымов С.Х. Организация международных перевозок грузов на автомобильном транспорте. Узбекистан, Фергана. Научно-технический журнал ФерПИ. 2019г. Том 23. №3.

4. Интернет:

<http://www.un.ru>

<http://www.iru.ru>

<http://www.ece.ru>

QURILISH KORXONALARIDA BOSHQARILADIGAN MA'LUMOTLAR BAZALARI BILAN ISHLASH JARAYONIDA MUAMMOLAR, QULAYLIKLAR VA TAVSIYALAR.

Karimov A.A., Elmuradov B.E.

Самарканд давлат архитектура қурилиш институти

Boshqariladigan ma'lumotlar ba'zolari ko'plab kompaniyalar va ishlab chiqaruvchilar uchun mo'ljallangan ko'plab funktsiyalarni taklif etadi. Ammo boshqariladigan ma'lumotlar bazasi barcha muammolarni hal qila olmaydi va har kimning ehtiyojlarini qondira olmaydi. Biroq, bunday ma'lumotlar ba'zolari shubhasiz afzalliklarga ega - ulardan foydalanish qulayligi, kengaytirilishi, avtomatik zaxiralash va yangilash shuningdek yuqori imkoniyatlar hamdir. Ushbu afzalliklar boshqariladigan MB larni turli qurilish sa'noatida ommabop yechimga aylantiradi.

Kalit so'zlar: Ma'lumotlarni xavfsizligi, boshqariladigan ma'lumotlar bazalari, bulut texnologiyasi, konfiguratsiya parametrlari, kichik moslashuvchanlik.

Управляемые БД предлагают множество функций, предназ-наченных для широкого круга компаний и разработчиков. Но управляемые базы данных не могут решить все проблемы и удовлетворить потребности каждого. Однако у таких БД есть неоспоримые плюсы – простота исполь-зования, масштабируемость, автоматическое резервное копирование и обновление и высокая доступность. Эти преимущества делают управ-ляемые БД довольно популярным решением в различных отраслях строительства.

Ключевое слова: безопасность данных, управляемые базы данных, облачные технологии, параметры

конфигурации, небольшая гибкость.

Managed databases offer many features designed for a wide range of companies and developers. But managed databases cannot solve all problems and satisfy everyone's needs. However, such databases have undeniable advantages - ease of use, scalability, automatic backup and update, and high availability. These advantages make managed DBs a rather popular solution in various construction industries.

Key words: Data security, managed databases, cloud technology, configuration settings, little flexibility.

Boshqa ko'plab sohalardagi kabi qurilish korxonalarida ham mahalliy ma'lu-motlar bazalarini tuzish yoki bulut hisoblash texnologiyalari resurslaridan samarali foydalana bilish aynan shu sohaning rivojida va yagona ma'lumotlar bankining shakl-lanishida kechiktirib bo'lmaydigan dolzorb masalalardan biri sifatida yondoshgan holda, mavjud bir qator muammolarga yechim topgan bo'lamiz. Ma'lumotlarni xavfsiz va ishonchli holda saqlash deyarli barcha zamonaviy dasturlar uchun doimiy ravishda muammo tug'dirib keladi. Biroq, avtonom faoliyat yurituvchi mahalliy ma'lumotlar bazasi uchun zarur bo'lgan infratuzilma ko'plab korxonalarni qiziqirsada, ammo ularning moliyaviy imkoniyatlaridan tashqarida. Shu bilan birga, ishlab chiqarish muhitida ma'lumotlar bazasini samarali yuritish uchun zarur bo'lgan ko'nikma va tajribaga ega xodimlarni topish juda muskuldir. Qurilish korxonalarini uchun arxitektura va dizaynerlik yo'nalishlarida mutaxassis tayyorlovchi oliygoh-larda shu sohaga oid bakalavr yonalishida hamda magistratura mutaxassisligi bo'yicha loyhachilar va dizaynerlarni yetkazib bersada, masalaga faqat bir tomonlama yondashilganligini ko'rish mumkin. To'g'ri Respublikamizda qurilish korxonalariga loyihachilar hamda dizaynerlar juda zarur, Respublikamizda ulkan bunyodkorlik ishlari amalga oshirilmoqda. Aynan shu o'rinda biz aytmoqchi bo'lgan dolzorb muammolardan biri-qurilish korxonalarida **boshqariladigan ma'lumotlar bazalari (BMB)**dan keng ko'lamlil foydalana oladigan mutaxassislarining yetishmasligidir. Shu sababli ham loyihalarda o'xshashlik, bir xillikning takrorlanishiga olib kelmoqda va shu barobarida korxonalarda xorijiy loyihalarga qiziqishning ortishiga sabab bo'lmoqda.

Zamonaviy texnologiyalarning uzluksiz kirib kelishi va bulutli hisoblash xizmat-larining keng ko'lamlil tarqalishi bilan, ma'lumotlar bazasini qo'llab-quvvatlash va undan samarali foydalanish yanada arzonlashdi, ammo ko'plab qurilish korxonalarini hali ham o'zlarining ehtiyojlariga muvofiq ma'lumotlar bazasini boshqarish va sozlash uchun yetarli tajribaga ega emaslar. Shu sababli, ko'pgina kompaniyalar boshqariladigan ma'lumotlar bazasi xizmatlariga murojaat qilmoqdalar, bu ularning o'z ehtiyojlariga mos ravishda ma'lumotlar bazalarini yaratish va hajmini oshirishga yor-dam beradi.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtiradigan bo'lsak, Ushbu maqolada boshqariladigan ma'lumotlar bazalari nima ekanligini va qanday

hollarda ular foydali bo'lishi mumkinligi haqida fikr yuritiladi. Shuningdek, boshqariladigan ma'lumotlar bazasi asosida dastur yaratilishidan oldin e'tiborga olinishi kerak bo'lgan ba'zi amaliy tavsiyalarni ko'rib chiqamiz.

Boshqariladigan ma'lumotlar bazasi bulutli ma'lumot xizmati bo'lib, unda bulut provayderi ma'lumotlar bazasiga kirishni ta'minlaydi va oxirgi foydalanuvchi buning uchun to'lovni amalga oshiradi. Oddiy ma'lumotlar bazasidan farqli o'laroq, foydalanuvchilar boshqariladigan ma'lumotlar bazasini mustaqil ravishda sozlashlari yoki saqlashlari shart emas; aksincha, provayder ma'lumotlar bazasi infratuzilmasini bosh-qarishi kerak. Bu foydalanuvchiga ma'lumotlar bazasini yaratishda va uni yangilash-da vaqtni sarflash o'rniga o'zlarining dasturlarini yaratishga e'tibor berishga imkon beradi. Boshqariladigan ma'lumotlar bazasi vositalari ma'lumotlar bazasini tayyorlash va saqlash jarayonini soddalashtiradi. Terminaldan o'rnatish va sozlash buyruqlarini bajarish o'rniga, brauzerga bir necha marta ketma-ket murojat qilish orqali ishlab chiqarish muhiti uchun tayyor ma'lumotlar bazasini joylashtirish mumkin. Ma'lu-motlar bazasini boshqarishni soddalashtirish va avtomatlashtirish orqali bulut ta'mi-notchilari ma'lumotlarga asoslangan dasturlar va veb-saytlarni yaratishni tezlash-tirmoqdalar.

Boshqariladigan ma'lumotlar bazasini tayyorlash jarayoni provayderga bog'liq, ammo umuman olganda hamma joyda deyarli bir xil. Hisobni ro'yxatdan o'tkaz-gandan va tizimni boshqaruv paneliga kiritgandan so'ng, foydalanuvchi mavjud ma'lumotlar bazasi parametrlarini (ma'lumotlar bazasi mexanizmi, klaster hajmi) ko'-rib chiqadi va tegishli konfiguratsiyani tanlaydi. Boshqariladigan ma'lumotlar baza-sini tayyorlagandan so'ng, unga grafik interfeys yoki mijoz orqali ulanish mumkin, so'ngra ma'lumotlarni yuklab olishni va dastur bilan birlashtirish mumkin bo'ladi. Bulutli hisoblash modelining paydo bo'lishidan oldin, ma'lumotlar bazasiga muhtoj bo'lgan har qanday tashkilot uni yaratish uchun vaqt, bo'sh joy va resurslarni sarf qilishi kerak edi. O'z ma'lumotlar bazasini ishga tushirish bilan, tashkilot asbob-uskunalarga xizmat ko'rsatishi, dasturiy ta'minotni yangilashi, shuningdek ma'lu-motlar bazasini boshqarish va o'z xodimlaridan uni qanday ishlatishni o'rgatish uchun qo'shimcha mablag' evaziga ularni qayta tayyorlovdan o'tkazib olishlari kerak edi. Bu kabi muammolar guyoki yechimini topgandek tuyulsada, vaqt o'tishi bilan

boshqa bir muammolar yetilib chiqaveradi. Demak boshqariladigan ma'lumotlar bazasiga ko'plab mahalliy ma'lumotlar bazalaridan murojaatlar va so'rovlarning uzluksiz kelib turishi natijasida bir qator muammolar yuzaga kelishi mumkin. Garchi bulutli hisob-lash texnologiyasi an'anaviy ma'lumotlar bazasini yaratish jarayonini soddalashtirgan bo'lsa-da, mijozlarning barcha muammolarini hal qila olmadilar. Jumladan:

- birinchidan bulutda oldindan ma'lumotlar bazasi infratuzilmasining ideal hajmini aniqlash hali ham qiyin. Bu esa juda muhimdir, chunki iste'mol qilingan resurslarga qarab, bulutli kompyuterdan foydalanuvchilarga haq olinadi va agar qabul qilingan server hajmi zarur bo'lgandan ko'proq bo'lsa, ular kutganidan ko'proq pul to'lashlari mumkin;

- ikkinchidan, an'anaviy mahalliy ma'lumotlar bazalarida bo'lgani kabi, bulutda o'z ma'lumotlar bazangizni boshqarish qimmatga tushishi mumkin. Shul sabab Sizning ehtiyojlarinigizga qarab, hali ham tajribali mutaxassisni yollashingiz yoki ma'lumotlar bazasini boshqaradigan jamoani o'qitishga ko'p vaqt va pul sarflashingiz kerak bo'li-shi mumkin;

-uchinchidan, kichik guruhlar odatda kamroq resurslarga ega, natijada ular faqat o'zlarining bilimlaridan foydalanishlari mumkin boladi, ushbu muammolarning ko'pi tadbirkorlik sub'yektlari va kichik tashkilotlar uchun yanada ko'proq qiyinchiliklar tug'diradi. Yirik biznes tashkilotlari esa ma'lumotlar bazasi bo'yicha chuqur bilimga ega bo'lgan xodimlarni yollashi mumkin. Buning natijasida mahalliy yagona qurilish korxonalarining MB va MB ni sakllantirishda hamda undan jamoa tarzida foydalanish va xaxiralash kabi vazifalarni sezilarli darajada murakkablashtiradi.

Demak qurilish korxonalarining yagona MB va MB ni sakllantirish hamda bosh-qariladigan ma'lumotlar bazasi xizmatlaridan birgalikda foydalanish ushbu kam-chiliklarni bartaraf etishga yordam beradi va korxonalar va ishlab chiqaruvchilar uchun ko'plab afzalliklarni taqdim etadi.

Boshqariladigan ma'lumotlar bazasi xizmatlari ma'lumotlar bazasini tayyorlash va boshqarish bilan bog'liq ish hajmini kamaytirishga yordam beradi. Birinchidan, bosh-qariladigan ma'lumotlar bazalari asosida dasturlar yaratish orqali ishlab chiquvchilar ma'lumotlar bazasi serverini tayyorlash jarayonini sezilarli darajada tezlashtirishi mumkin.

Boshqariladigan ma'lumotlar bazalarining yana bir afzalligi avtomatlashtirishdir. Boshqariladigan ma'lumotlar bazasida ushbu va boshqa vazifalar avtomatik ravishda yoki so'rov bo'yicha bajariladi, bu esa inson xatolari xavfini sezilarli darajada kamaytiradi.

Umuman olganda, boshqariladigan ma'lumotlar bazasi ma'lumotlar bazasini yaratish va saqlash bilan bog'liq vazifalarni soddalashtiradi. Boshqariladigan ma'lumotlar bazasi bilan ishlash o'z-o'zini boshqarish ma'lumotlar bazasiga qaraganda ancha kam tajribani talab qiladi.

Xulosada shuni aytish mumkinki, boshqariladigan ma'lumotlar bazalari ko'plab kompaniyalar va ishlab chiqaruvchilar uchun mo'ljallangan ko'plab funksiyalarni taklif etadi. Ammo boshqariladigan ma'lumotlar bazasi barcha muammolarni hal qila olmaydi va har kimning ehtiyojlarini qondira olmaydi. Ba'zi hollarda boshqariladigan ma'lumotlar bazasining funksiyalari va konfiguratsiya parametrlari haddan tashqari cheklangan bo'ladi, boshqalarida yuqori narx va nisbatan kichik moslashuvchanlik ushbu xizmatning barcha afzalliklaridan ustun turadi. Biroq, bunday ma'lumotlar bazalari shubhasiz afzalliklarga ega - ulardan foydalanish qulayligi, kengaytirilishi, avtomatik xaxiralash va yangilash hamda yuqori imkoniyatlari kabi afzalliklar boshqariladigan MB larni turli sohalarda ommabop yechimni topishda yagona xaloskorga aylantiradi.

Adabiyotlar:

1. Пирогов В.Ю. Информационные системы и базы данных: организация и проектирование. Учебное пособие СПб. БХВ - Петербург. 2009 г., 528 стр.
2. <https://dzone.com/articles/crossing-the-chasm-eight-prerequisites-for-a-graph-2>.

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШДАГИ ЎРНИ

Абдусаматов Б.Қ., и.ф.н., доцент; **Каржавов Зайниддин Каржавович,** и.ф.н., доцент
Самарқанд давлат архитектура курилиш институти

Маколада, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарали фаолият юритишнинг корпоратив бошқарув модели ва механизми акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, барқарор индустриал ва иқтисодий ўсишни таъминлаш каби масалалар ёритилган.

В статье рассматриваются такие вопросы, как модель и механизм корпоративного управления для эффективной работы в условиях модернизации экономики, привлечения инвестиций в акционерные общества, обеспечения устойчивого институционального и экономического роста при модернизации производства.

The article discusses such issues as the model and mechanism of corporate governance for effective work in

conditions of modernization of the economy, attracting investments in joint-stock companies, ensuring sustainable institutional and economic growth during modernization of production.

Кириш. Ҳозирги шароитда Республикаимизда турли мулкчилик шаклига асосланган иқтисодий ривожланиш, корпоратив бошқарув модели ва механизми яратиш ҳамда ундан самарали фойдаланишни тақоза этади.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида самарали фаолият юритишнинг корпоратив бошқарув модели ва механизми акциядорлик жамиятларига инвестицияларни жалб қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, барқарор индустриал ва иқтисодий ўсишни таъминлаш каби муаммолар ечимини таъминлаши мумкин [1].

Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимини ривожлантиришга оид ислохотлар, асосан, миллий корпоратив бошқарув тизимида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, уларга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларнинг очиклиги ва жозибадорлигини таъминлаш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шароитлар яратиш каби чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилмоқда, корпоратив бошқарув тизимидаги тамойил ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, унга бозор иқтисодиётига хос бўлган ҳақиқий тусни бериш борасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Асосий қисм. Мамлакатимиз тараққиёти ривожланишининг асосий дастури ҳисобланган “2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” [2] да корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш иқтисодиётни кейинги йилларда ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони билан қабул қилинган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси” да ҳам корпоратив ҳуқуқни ривожлантириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини жорий этиш бўйича чора - тадбирлар белгиланиб, улар ҳозирда Республикаимизда корпоратив бошқариш механизми яратиш ва ҳаётга татбиқ этишда қўлланилмоқда.

Республикаимизда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувнинг ташкилий – иқтисодий ва ижтимоий – ҳуқуқий механизмларини янада ривожлантиришдан олдин “корпоратив бошқарув” тушунчасига илмий – назарий таҳлил беришни мақсад қилиб қўйдик:

1. Корпоратив бошқарув – эътироф этилган

мақсаддан келиб чиқиб, бизнесни ташкилий – ҳуқуқий расмийлаштириш, ташкилий тузилмани оптималлаштириш ҳамда компаниянинг ички муносабатларини яратишдир [3].

2. Корпоратив бошқарув – маълум стратегик самаралар йиғиндисидир [4].

3. Корпоратив бошқарув – манфаатдор шахсларнинг даромад олиш мақсадида биргаликдаги ҳаракатларидир [5].

4. Корпоратив бошқарув – корпорацияларнинг бошқарув қонунлари, механизмлари ва тамойилларига хос, унинг асосида ётувчи мақсад, вазифалар ва муносабатлар асосида фаолият кўрсатувчи тизимдир [6].

5. Корпоратив бошқарувнинг асосий мазмуни акциядорлик жамиятининг фаолиятига жалб этилган турли шахслар манфаатлари мувозанатини ўрнатишдан иборат [7].

Юқорида келтирилган фикрлар ва ёндашувлар, корпоратив бошқарув бўйича ҳуқуқий муносабатларнинг маълум бир жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қилинганлиги кўриниб турибди.

Бизнинг фикримизча “корпоратив бошқарув” – корпоратив муносабатларининг иштирокчилари тамонидан акциядорлик жамиятининг фойда ва даромадини кўпайтиришга қаратилган стратегиядир. Корпоратив муносабатларнинг иштирокчилари 1-расмда келтирилган.

Корпоратив муносабатлари турли иштирокчиларининг вазифа ва манфаатлари ўзаро бир – биридан фарқ қилиб, жамиятда корпоратив бошқаришни амалга оширишда ушбу жиҳатларни ҳисобга олиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Бу жиҳатлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- корпоратив бошқарувдаги иқтисодий масалаларни инновациялар билан ўзаро боғлиқлик ҳолда ечиш мумкин;


- корпоратив бошқарувдаги корпоратив мулкчилик, корпоратив молия ва меҳнат фаолиятларининг биргаликдаги таъсири ўртасидаги ўзаро алоқаларга қаратилган бўлиши лозим;

- акционерлик жамиятида иқтисодий жараёнларни ривожлантириш билан иш юритиш учун корпоратив бошқарув назарияси инновацион ресурслар тақсимотининг ташкилий ва стратегик даражаларига ўтиши керак;

- Ўзбекистонда давлат иштирокидаги корхоналарни корпоратив бошқариш концепциясини ривожлантириш бўйича тавсиялари ишлаб чиқариш зарурдир;

- яхши корпоратив бошқарув корхоналарни самарали бошқаришда ҳал қилувчи асосий роллардан бирини ўйнайди, чунки у бошқарув ва

технологик инновацияларнинг муваффақиятли амалга оширилишини белгилаб берувчи омилдир.



1-расм. Корпоратив муносабатларининг иштирокчилари.

Ўзбекистонда охириги йилларда амалга оширилган меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши натижасида, тартибга солувчи ва институционал тадбирлар натижасида корпоратив бошқарувнинг ўзига хос тизими, яъни корпоратив муносабатларининг ички ва ташқи иштирокчиларини ўз ичига олган акциядорлик жамиятлари миқёсида шаклланиб бормоқда.

Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими (2-расм) миллий корпоратив қонунчилиққа мувофиқ ҳамда халқаро амалиётни инобатга олинган ҳолда ривожланиб келмоқда ва ҳозирда у мамлакатимизда фаолият юритаётган баъзи - бир акциядорлик жамиятларида намуна сифатида қўлланилиб келинмоқда.

Республикада миллий корпоратив бошқарув тизимини шаклланиши ва ривожланишининг муайян ижобий жараёнларига қарамасдан, корпоратив бошқарув соҳасида айрим муаммолар мавжуд, жумладан:

- корхоналарни бошқаришда эскирган маъмурий-режали ёндашувлар сақланиб қолиниши оқибатида акциядорлик жамиятлари фаолиятида корпоратив бошқарув шартларини бажаришга ҳалиям расмиётчилик билан қарашлар давом этмоқда;

- акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашларининг фаолияти (айниқса, давлат иштироки бўлган акциядорлик жамиятларида), уларнинг корхонани стратегик ривожлантиришдаги роли деярли сезилмайди, аксарият кузатув кенгашлари аъзолари етарли билим ва малакага эга эмаслиги ҳозирги шароитда билиниб қолмоқда;

- устав капитали ва ҳажмига нисбатан ортиқча ва самарасиз талабларнинг мавжудлиги акциядорлик жамиятлари ривожланишига тўсқинлик қилмоқда, уларнинг мулкчилик шаклини ўзгартиришга сабаб бўлмоқда;

- акциядорлик жамиятларида миноритар акциядорларнинг қўмитасини ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлашнинг таъсирчан

механизми йўқлиги туфайли у акциядорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини тўла рўёбга чиқара олмаяпти;

- республика фонд бозори ва корпоратив бошқарув ўртасидаги узвий боғлиқлик йўқ, фонд биржасининг самарали корпоратив бошқарувни ривожлантириш, корпоратив бошқарув стандартларини тарғиб қилишдаги роли деярли сезилмай қолмоқда;



2-Расм. Акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими.

- республика фонд бозори ва корпоратив бошқарув ўртасидаги узвий боғлиқлик йўқ, фонд биржасининг самарали корпоратив бошқарувни ривожлантириш, корпоратив бошқарув стандартларини тарғиб қилишдаги роли деярли сезилмай қолмоқда;

- акциядорлик жамиятларининг инвестицион жозибадорлиги пастлиги туфайли уларнинг акция пакетларини, шу жумладан давлат улушларини сотишда хорижий инвесторларни жалб қилишнинг қийинлиги;

- акциядорлик жамиятларида самарали корпоратив бошқарувни амалга оширишда ахборот-коммуникация технологияси салоҳиятидан фойдаланиш даражаси жуда паст.

Хулоса. Юқорида келтирилган муаммоларни ечиш ва корпоратив бошқарув миллий тизимини халқаро стандартлар асосида инновацион ривожлантириш истиқболларини белгилаб берувчи таклиф ва тавсияларни амалда қўллаш, Ўзбекистон корпоратив бошқарув тизимининг ҳуқуқий, тартибга солувчи ва институционал асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши, бу эса акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлиги ва шаффофлигини оширишда, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонларнинг корпоратив бошқарувдаги ролини кучайтиришда ва мамлакатда акционерлик жамиятларининг барқарор иқтисодий ўсишига олиб келади деган фикрдамиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 мартдаги “Ишлаб чиқаришни модернизациялаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаштиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора – тадбирлари тўғрисида” ПФ – 114 сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ПК – 475 сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz). 1. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

3. Храброва И.А. Корпоративное управление: вопрос интеграции. – М.:2000. -198 с.

4. Карнаухов С Эффективность корпоративных

структур// Риск. – М.:2004. - №1-2, - 4с.

5. Зайнутдинов Ш.Н., Рахимова Д.Н. Корпоратив бошқарув асослари. – Т.: Академия, 2007.- 48 б.

6. Н.Расулов “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май, Т.2012 йил.

7. Хашимов А.А Ўзбекистонда интеграциялашган корпоратив тузилмаларини бошқариш методологиясини такомиллаштириш.: Т.:2007. – 338 б.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ - 4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонвий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

3. Корпоратив бошқарув кодекси. // “Халқ сўзи”, 2016 йил 11 март.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz).

УДК 332.146.2

МАКРОЭКОНОМИЧЕСКИЙ ОБЗОР И АНАЛИЗ ИНВЕСТИЦИОННО-СТРОИТЕЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ Республики Узбекистан

Абдукадырова Халида Абдухамедовна, к.э.н., доцент кафедры
Гиясова Зебо Хамракуловна, стажер-преподаватель
Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Ключевым условием осуществления экономических реформ в Узбекистане с приобретением независимости являются структурные преобразования в экономике, которые во многом определяются строительно-инвестиционной политикой.

Масштабы инвестиционной и строительной деятельности в стране делают особо актуальным проведение макроэкономического анализа этой важнейшей сферы народного хозяйства.

Рассмотрены и проанализированы объемы инвестиций в основной капитал за последние пять лет, выявлена их динамика в разрезе областей, их структура, основные социально-экономические показатели инвестиционной и строительной деятельности, в том числе выработка на одного работника в строительстве и себестоимость строительного-монтажных работ.

Ключевые слова: Инвестиции, Инвестиции в основной капитал, Иностранные инвестиции, Строительные работы, Выработка, Себестоимость строительного-монтажных работ

With the gaining of Independence the key conditions of fulfilling the economic reforms in Uzbekistan are structural reformatations in economy which are mostly identified by construction investment policy.

Large scales of investment and construction activity in the country make particularly actual holding microeconomic analysis of this important sphere of economy.

Volumes of investments into the main capital within the last five years are observed and analysed, their dynamic in spheres (regions) is identified main social-economic indexes, their structures, construction activity as well as working out cost of one worker in the construction and construction - montaging work is calculated.

Введение. Экономические реформы, осуществляемые в Республике Узбекистан с приобретением независимости, нацелены на формирование социально ориентированной рыночной экономики в наибольшей мере отвечающей интересам, условиям и особенностям страны.

Ключевым условием достижения поставленных задач являются структурные преобразования в экономике, которые во многом определяются строительно-инвестиционный поли-

тикой.

Кириш. Баҳолаш фаолияти жадал суръатлар билан ривожланиб келмоқда Бу эса кузатилиши мумкин бўлган молиявий-иқтисодий инкироз шароитида яна ҳам муҳимдир. Баҳолаш фаолиятига берилаётган эътибор кундан-кундан юксалмоқда десак асло муболаға булмайди. Уни ривожлантириш учун конунлар ва турли хил меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Шунингдек **кредит муносабатларининг ривожланиши ҳам баҳолаш фаолиятига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирилди.**

Асосий қисм. Жаҳон иқтисодиёти глобаллашуви, мамлакатларнинг ўзаро интеграциялашуви ва ха халқаро ихтисослашувнинг кучайиши ҳар бир миллий иқтисодиёт олдида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллаш вазифасини қўймоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси 2017-2021 йилларда таъкидлаб ўтилганки, давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли **инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш.** Шу боисдан, мамлакатимизда молия секторини барқарорлаштиришга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш **долзарб масалалардан** ҳисобланади.

Марказий Банк ва Молия вазирлиги Жаҳон банки билан биргаликда банк секторини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқмоқда. Бундан ташқари, Молия

вазирлиги ҳузурида тижорат банкларини давлат иштирокида ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилди. Ўзбекистондаги кўплаб тижорат банклари 2020 йилда трансформация жараёнидан ўтишлари тавсия этилади. Илмий изланишлар шуни кўрсатдики (1-расм):

Ушбу омил таъсири остида банк активларининг ЯИМга нисбати 2019 йил охирига келиб 67 фоизгача (2018 йилда - 42,2 фоиз) ошди, бу эса Ўзбекистон Республикасига дунёда 81-ўринни эгаллаш имконини берди. Ҳозирги кунда фақат 1 сўм нақд пулга 0,55 сўм жисмоний шахсларнинг депозитлари тўғри келади.



1-расм. ЯИМ фоизларида банк активларининг нисбати ва жаҳон рейтингидagi ўрни (2019 йил)

Гаровга қуйилан кўчмас мулкни баҳолаш жараёнида ВІМ технологиялар кенг қўлланилса, қурилиш объектнинг уч ўлчамли модели яратилади, унинг **қиймати** ҳам шакллантирилади. ВІМ технологиясининг таркибий қисми сифатида объектнинг смета қийматини ҳисоблаш дастурий таъминоти ҳам иштирок этади. Объект ўлчамларига киритилган ҳар қандай ўзгариш унинг **смета қийматида ўз аксини топади ва лойиҳаларни бошқаришда**

бошқарув қарорларини қабул қилишда асос ҳисобланади.

Кўчмас мулкни харажат ёндашувида баҳолашни ва бўш ер участкасидан энг мақбул ва энг самарали фойдаланиш таҳлили турар –жой кўчмас мулк объекти мисолида кўриб чиқамиз. Икки хонали турар –жой Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси 12 уйда жойлашган. Икки хонали турар –жой марказий трассасида жойлашган. Икки хонали турар –жой 2016 йилда қўрилган, олти қавватли, бино узунлиги 47,2 м, эни эса 18,4 м ни ташкил қилади. Бино баландлиги 29,7 м, қаватнинг баландлиги эса 3,0 м. Баҳоланаётган турар –жой 2 хонали. Турар –жой объектнинг қўрилиш майдони 84,41 кв.м. ни ташкил этади, ошхона, ювиниш хонаси, ётоқхона, мехмонхона мавжуд. Ер участкаси мавжуд эмас.

Йириклаштирилган нормативлар асосида кўчмас мулкнинг тикланиш қийматини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтган ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Ўзгеодезкадастр бош бошқармаси, Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат Вазирлиги томонидан тасдиқланган ГККИНП-18-013-2011 йил «Турар жой бино ва иншоотларнинг тикланиш баҳолари умумлаштирилган кўрсаткичлари тўплами»дан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

2001 йил базис нархларидаги турар –жой биносининг тўлиқ тикланиш қиймати қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C = S \times C_{\text{жадв.}} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times \dots \times K_n, \quad (1)$$

бунда: С – бионинг 2011 йил ҳолатига тикланиш баҳоси; S - баҳоланаётган объектнинг ҳажми м³ (майдон м², узунлик п.м); C_{жадв.} - УПВСНЗиС жадвали бўйича 2011 йил баҳосидаги бир бирликнинг нархи; K₁ – бионинг капитал гуруҳини ҳисобга олувчи коэффициент; K₂ - ҳудуднинг зилзилага бардошлигини ҳисобга олувчи коэффициент; K₃ - ҳудудий коэффициент; K₄ - ташқи ва ички пардозлаш ишлари; K₅ - сантехник жихозлар ва бошқалар.

Тўпламнинг 21-чи жадвали & 10 бўйича қўрилиш ҳажми 10000 куб метргача бўлган 5-қаватли гиштли бионинг 2011 йилдаги 1 куб м. баҳоси 199199,2 сўмни ташкил қилади. Аналог объектнинг пойдевори –темирбетон, деворлари – пишиқ гишдан, ора ёпмалар – бруст ёғочли, поллари – ёғоч. Бинода қуйидаги муҳандислик жихозлари мавжуд: электр таъминоти, радио, телефон, телевидение.

Капиталлик гуруҳи – 1. Худудий коэффициент Самарқанд вилояти учун 1,007.

Сейсмик коэффициенти -1,15, Капиталлик гуруҳига ўтиш коэффициенти -1,0

Бино баландлигига тузатувчи коэффициент - 1,0

1-жадвал

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчасида икки хонали турар –жойни тикланиш қийматини аниқлаш

| Кўрсаткичлар | Миқдори |
|--|-------------|
| Турар –жой объектнинг қўрилиш майдони, м ³ | 253 |
| 1 м ³ қиймати, сўм | 205210 |
| Икки хонали турар –жойни 1991 йилдаги тикланиш қиймати | 51918130 |
| Бинони капиталлик гуруҳига тузатиш | 1,0 |
| Бинони баландлигига тузатиш | 1,0 |
| Худудий коэффициент | 1,007 |
| Сейсмик коэффициент | 1,15 |
| Ободонлаштириш коэффициенти | 1,11 |
| Индекс 1.01.2010й | 1,01 |
| Индекс 1.01.2011й | 1,208 |
| Индекс 1.01.2012й | 1,215 |
| Индекс 1.01.2013й | 1,213 |
| Индекс 1.01.2014й | 1,219 |
| Индекс 1.01.2015й | 0,927 |
| Индекс 1.01.2016й | 1,057 |
| Индекс 1.01.2017й | 1,122 |
| Индекс 1.01.2018й | 1,311 |
| Индекс 1.01.2019й | 1,396 |
| Индекс 1.01.2020й | 1,282 |
| Индекс 1.03.2020й | 1,004 |
| Икки хонали турар –жойни йилдаги тикланиш қиймати | 378 840 019 |

Баҳоланаётган турар жойни колдиқ қиймати: 378 840 019 – 13% = 329590817 сўм

Тадбиркорлик даромадини 15% деб қабул қиламиз.

2-жадвал

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар –жойни умумий қийматини аниқлаш

| Литер | Бионинг тури | Тикланиш қиймати, сўм | Тадбир. дар коэф. | Қиймат, сўм |
|-------|--------------|-----------------------|-------------------|-------------|
| А | тураржой | 329590817 | 1,20 | 395508980 |

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар –жойни харажат ёндашувида аниқланган қиймати 395 508 980 сўмни ташкил қилди.

Даромадли ёндашув – баҳоланаётган объектдан кутилаётган даромадларни аниқлаш усулларини ўзига мужассамлаштиради.

3-жадвал

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган турар –жойни даромад ёндашувида қийматини аниқлаш

| | | |
|----------------------------------|-----------|------------|
| Потенциал ялпи даромад | 2 630 637 | 31 567 651 |
| Хақиқий ялпи даромад | -14% | 27148180 |
| Операцион харажатлар | 7 % | 1900372 |
| Соф операцион даромад | | 25247807 |
| Капиталлаштириш коэффициенти | | 6 % |
| Баҳоланаётган объектнинг қиймати | | 420796783 |

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали тураржойни даромад ёндашувида баҳолаш қиймати 420 796 783 сўмни ташкил қилди.

Қиёсий усулнинг асосий афзаллиги қиёслаш қоидаларига тўлиқ амал қилинган ҳолатда, унинг объективлиги, тўғрилиги ва бозор ориентацияси ҳисобланади.

4-жадвал

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар –жойни қийматини қиёсий ёндашувда аниқлаш

| | Баҳолаш объекти | Самарқанд шаҳри Улуғбек кўчаси | Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси | Самарқанд шаҳри, А.Темур кўчаси |
|----------------------------------|-----------------|--------------------------------|---------------------------------|---------------------------------|
| Тикл. нархи | сўм | 434000000 | 470000000 | 480000 000 |
| Сотиш вақти | 1.03.2020 | 13.02.19 | 11. 01.20 | 16. 03.19 |
| Нарх | | 434000000 | 470 000 000 | 480000000 |
| У.м.май-дони, м ² . | 84,41 | 76 | 86 | 100 |
| Тузатиш% | | 1, 20 | 1, 0 | 0,95 |
| 1м ² нархи | 5625915 | 6852631 | 5465116 | 4560000 |
| Баҳоланаётган объектнинг қиймати | 474883541 | | | |

Шундай қилиб, Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар –жойни

қиёсий ёндашувда аниқланган қиймати 474 883 541 сўмни ташкил қилади.

5-жадвал

Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар –жойни бозор баҳосини аниқлаш

| | Қўлланилган ёндашувлар | Аниқланган қиймат, сўм | Кўрсаткичлар | Ҳисобланган баҳо, сўм |
|---|------------------------|------------------------|--------------|-----------------------|
| 1 | Харажатли ёндашув | 395 508 980 | 0,35 | 138428143 |
| 2 | Даромадли ёндашув | 420 796 783 | 0,30 | 126239034 |
| 3 | Қиёсий ёндашув | 474 883 541 | 0,35 | 166209239 |
| | Жами: | | 1 | 430876416 |

Демак, Самарқанд шаҳар Рудаки кўчаси жойлашган икки хонали турар – жойни бозор қиймати 430 876 416 сўмни ташкил қилади. Ушбу бозор қиймати ипотека кредитлашни асоси бўлиб ҳисобланади. Ўз навбатида кредитлаш банк молия секторини ривожланишига олиб келади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги Қонун 19 август 1991й. (Ўзгартириш ва қушимчалар билан)
2. Мирзиёев Ш.М. „Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”, Тошкент, 2017

КОРХОНАНИ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯЛАШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МОДЕЛИ

Бердикулов А.М. иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент; **Сиддиков М.Ю.**, катта ўқитувчи
Жиззах политехника институти

Реструктуризациялаш жараёнларини кўриб чиқувчи тадқиқотлари таҳлили корхонани ислоҳ қилиш тушунчаси ва методикасига нисбатан турлича муносабатлар мавжудлигини кўрсатиб берди. Чет эллик муаллифларнинг тадқиқотлари бизнес–жараёнларни ўзгартиришга, инжиниринг ёндашувлардан фойдаланишга йўналтирилган. Ушбу тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда муаллиф томонидан ўзгаришлар даражаси тезкор реструктуризациялашдан стратегик реструктуризациялашга томон ўсиб боровчи, сўнгра таклиф этилаётган реструктуризациялашни амалга ошириш йўллари, усуллари ва бошқичларига аниқлик киритган ҳолда бизнес–жараёнларини шаклландиранди чикиш имконини берувчи реструктуризациялашнинг концептуал модели ифодаланди.

Калит сўзлар: Реструктуризациялаш, модернизация қилиш, диверсификация қилиш, стратегия, ишлаб чиқариш, маркетинг, менежмент, молиявий ресурслар, стратегик концепция, молиявий реструктуризациялаш, тизимли таҳлил, бизнес режа, сифатни комплекс бошқариш

Conceptual model of enterprise restructuring

Annotation: An analysis of research examining restructuring processes has shown that there are different approaches to the concept and methodology of enterprise reform. Researches by foreign authors is aimed at changing business processes and the use of engineering approaches. These studies, the author expressed a conceptual model of restructuring, the level of change of which increases from rapid restructuring to strategic restructuring, and then allows to develop business processes with clarification of the proposed ways, methods and stages of restructuring.

Keywords: Restructuring, modernization, diversification, strategy, production, marketing, management, financial resources, strategic concept, financial restructuring, system analysis, business plan, integrated quality management

Концептуальная модель реструктуризации предприятия

Анализ исследований, изучающих процессы реструктуризации, показал, что существуют разные подходы к концепции и методологии реформирования предприятий. Исследования зарубежных авторов направлены на изменение бизнес-процессов, использование инженерных подходов. С учетом этих исследований автором изложена концептуальная модель реструктуризации, уровень изменения которой возрастает от быст-

рой реструктуризации до стратегической реструктуризации, а затем позволяет разрабатывать бизнес-процессы с уточнением предлагаемых способов, методов и этапов реструктуризации.

Ключевые слова: реструктуризация, модернизация, диверсификация, стратегия, производство, маркетинг, управление, финансовые ресурсы, стратегическая концепция, финансовая реструктуризация, системный анализ, бизнес-план, интегрированное управление качеством

Кириш. Республикада рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. [1].

Республикада корхоналарни ислоҳ қилишдаги базавий ҳужжат “Корхоналарнинг мулкий комплексини реструктуризациялаш бўйича услубий тавсиялар” ҳисобланади [2]. Корхоналарнинг мулкий комплексини реструктуризациялаш корхоналарни қайта ташкил этиш йўли билан, яъни қўшимча ва бошқа ишлаб чиқаришларни юридик шахс ҳуқуқига эга мустақил таркибий бўлинмаларга ажратиш, бошқа корхона кўшиб олиш ва ҳ.к., шунингдек корхона томонидан фойдаланилмаётган ускуналарнинг сотилиши, бутун бир бўлинмалар ва филиалларни бегоналаштириш, иқтисодий инфратузилма объектларини ҳокимиятлар тасарруфига топшириш ва корхона кўламини бошқа йўллар билан кенгайтириш ёки қисқартириш орқали амалга оширилади. Услубий тавсияларнинг ўзига хос хусусияти реструктуризациялашнинг фақат норматив жиҳатларини кўриб чиқиш, яъни акциядорлик жамиятини қайта ташкил этишнинг қўшилиш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш ва бошқа турлари учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ҳисобланади.

Реструктуризациялаш – мураккаб муаммо бўлиб, уни ҳал қилиш учун тегишли концепцияни яратиш ва ислоҳ қилиш бўйича малакали жамоа мавжуд бўлиши талаб қилинади. Ўз вақтида ва малакали ўтказилган реструктуризациялашкорхонага катта рақобатчилик устунликларини беради. Асосли реструктуризациялашни амалга ошириш ташқаридан бевосита инвестициялар кўринишида маблағлар келиши ва маҳаллий ҳокимиятларнинг қўллаб-қувватлашига хизмат қилади.

Асосий реструктуризациялашусули – корхонанинг мавжуд тузилмасидан мустақил бизнес бирликларни, яъни бозорда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарган ҳолда, ўз фаолиятини бозор учун керакли йўналишларда диверсификациялаш, харажатларни минималлаштириш, ўз ходимларини лозим иш ҳақи билан таъминлаш ва бозорда истиқболли ўринларни эгаллаш учун мавжуд ишлаб чиқариш ва кадрлар имкониятларини максимал ишга солишга интилади-ган кичик корхоналарни ажратиб чиқариш.


Биз реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқиш учун асос ҳисобланган корхонанинг концептуал реструктуризациялаш моделини таклиф қиламиз (1.1–расм).

Мазкур модел бир қанча хорижий тадқиқотчилар [4] томонидан қўлланилган ёндашувлар ва услубларни, шунингдек корхона реструктуризациялашнинг амалий тажрибасини умумлаштиради.

Модел иккита асосий 1 ва 2 блокларни ўз ичига олади. Биринчи блок 2–блокни реструктуризациялаш ишларининг бир қисми ёки ҳаммасини амалга оширишда таянилган ўзгартиришларнинг чуқурлигини характерлайди.

Ушбу мезон бўйича учта даража: оператив, стратегиква бизнес–жараёнлар даражаси ажратилган.

Корхонанинг айрим кичик тизимларини реструктуризациялаш ишлари босқичлари ва ҳажмларини белгилаш учун мезон сифатида ишлаб чиқариш–ҳўжалик комплексининг бошқаруви ва ҳолатини ривожлантириш даражасидан фойдаланиш таклиф қилинади.



1–расм. Корхонани реструктуризациялаш концептуал модели (муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган).

Иккинчи блок реструктуризациялаш дастурини амалга ошириш учун зарур ҳаракатлар кетма–кетлигини ўз ичига олади. Бунда реструктуризациялаш дастури деганда, ҳар битта

лойиҳани мустақил равишда бошқаришда олиб бўлмайдиган кўшимча фойдаларни таъминлаш учун мувофиқлаштирилган бошқариш ёрдамида амалга ошириладиган лойиҳалар гуруҳи тушунилади. Реструктуризациялаш тўғрисида қарор қабул қилиш корхоналар аҳволининг ҳар қандай босқичида долзарб ва корxonанинг кичик тизимларидан бирига йўналганликни такозо этади. Шунинг учун ушбу босқичда юқори менеджмент учун бош вазифа корxonани ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган элементларни тўғри аниқлаш қобилияти ва ўз вақтида ва тўғри қарорлар қабул қилишни қийинлаштирувчи субъектив тўсиқларни енгиб ўтишга интилиш ҳисобланади. [3].

Бир қанча корxonаларни реструктуризациялаш тажрибаси шуни кўрсатадики, кўпинча харажатларни қисқартириш билан боғлиқ ўзгартиришларнинг дастлабки йўналиши танланади.

Кейинги босқич – дастлабки таҳлил бўлиб, раҳбариятнинг стратегик позицияларини мувофиқлаштириш учун хизмат қилади ва қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

– раҳбариятнинг корxonадаги реал аҳвол ва ички ҳамда ташқи муҳит таъсирининг умумий тенденциялари тўғрисидаги тасавурларни шакллантириш;

– корxonа бошқарувчилари ва эгаларининг дастлабки стратегик мақсадлар ва бўлажак ўзгаришларга ягона принципиал ёндашувини ишлаб чиқиш;

– реструктуризациялаш дастурини тайёрлаш ва кўшимча ҳамда тартибга солувчи ҳужжатларни жалб қилиш заруратини аниқлаш учун корxonанинг ўз имкониятларини баҳолаш, ушбу ҳужжатларда қуйидагилар белгиланади:

– ўзгартиришлар зарурати ва умумий йўналиши;

– реструктуризациялаш бўйича жамоа таркиби, шахсий функциялар, иштирокчиларнинг ваколатлари ва жавобгарлиги;

– алоҳида лойиҳалар ва бутун дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш, жорий қилиш, назорат қилиш ва баҳолаш умумий тартиби;

– реструктуризациялаш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ходимлар билан ҳамкорлик концепцияси ва қоидалари.

Барча кейинги ҳаракатларни амалга ошириш учун ташкилий базани тайёрлаш босқичининг алоҳида аҳамиятини қайд этиш зарур.

Кейинги учта элемент – ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, реструктуризациялаш-концепциясини шакллантириш ва бизнес режаларни ишлаб чиқиш – алоҳида режалаштириш блокинни иофдаэтади. Умуман олганда корxonа томонидан ҳам асосий фаолият доирасида, ҳам

ўзгартиришлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш босқичида шакллантириладиган режалар тизими иккита даражага ажратиш мумкин: стратегикважорий. Биринчи даражадаги вазифа ҳаракатларнинг устувор йўналишларини ва корxonани ривожлантириш концепциясини белгилаш, иккинчи даражадаги вазифа – стратегик режаларни деталлаштириш варасийлаштириш ҳисобланади.

Ривожланиш стратегиясикорxonа миссиясига асосланган стратегик ҳис этишни ва ривожланиш мақсадини, шунингдек олдинга қўйилган мақсадларга эришишнинг асосий йўналишларини ўз ичига олади.

Корxonани реструктуризациялашконцепцияси бизнеснинг алоҳида турлари, функционал блоклар ва лойиҳаларга деталлаштирилган ҳолда ривожланиш стратегиясининг барча йўналишлари бўйича олдинга қўйилган мақсадларга эришиш йўллари ўзида мужассам этиши лозим.

Иккита бошқа унсур – бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни баҳолаш – анча муфассал хусусиятга эга бўлиб, чуқур формаллашган бўлиши керак. Биринчи навбатда, бизнес–режаларнинг мазмунига нисбатан талабларни, шунингдек лойиҳаларни баҳолаш мезонлари ва тартибини белгилаб олиш зарур.

Шундай қилиб, биз тақдим этган реструктуризациялашнинг концептуал модели ва ўзгаришлар лойиҳаларининг изчил босқичлари корxonани реструктуризациялашнинг ҳар бир муайян босқичида вазифаларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сон “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

2. Семь нот менеджмента. – Изд. пятое. Дополненное. - М.: ЗАО Журнал эксперт, 2002. - 656 с.

3. Ганиев К.Б., Ганиева Г.И., Бердикулов А, Сидиков М. Экономика и организация реконструкции при реструктуризации предприятия. // Учебное пособие. Издательство Фан АН РУЗ 2010 г.

4. Турдубеков У.Б., Жолболдueva Д.Ш., Султонов А.О. Синергетическая интерпретация эффективности управления государственными финансами // Экономика и бизнес: теория и практика. – 2017. – № 7.

5. Реструктуризация – основа оздоровления предприятия // Экономический вестник Узбекистан. – Ташкент, 2002. - №1 -2. -С 14-16.

6. Obidovich, S.A. The use of Modern Automated Information Systems as the Most Important Mechanism for the use of Water Resources in the Region. *Test Engineering and Management*, 83, 1897–1901. (2020).

ЙЎЛ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ, ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ КОМПЛЕКС КЎРСАТКИЧИ ВА ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ ТАРТИБИ ВА УСЛУБИ

Юсупов Жаҳонгир Марат ўғли
Жиззах политехника институти

Ушбу мақолада Автомобил йўлларни диагнозлаш ва баҳолаш, уларнинг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни ва сақлаш даражасини, транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни йўллардан фойдаланиш хусусиятларига қўйиладиган талабларга мос келиши ва мос келмаслик сабабларини аниқлаш ҳақида фикрлар баён қилинган

Калит сўзлар: автомобиль йўллари, диагнозлаш, коэффициент, ҳисобий тезлик, ўтказувчанлик қобиляти

Способы и порядок методов оценки состояния комплексных показателей элементов, размеров и характеристики дороги

В статье описываются взгляды на диагностику и оценку дорог, их эксплуатационные характеристики и уровень обслуживания, соответствие показателей эффективности транспорта требованиям к характеристикам использования дорог и причины несоблюдения

Ключевые слова: автомобильные дороги, диагностика, коэффициент, расчетная скорость, пропускная способность

This article describes the views on the diagnosis and evaluation of roads, their performance and level of maintenance, compliance of transport performance indicators with the requirements for road use characteristics and the reasons for non-compliance

Key words: automobile roads, highways, diagnostics, coefficient, calculated speed, throughput

Республикамиздаги автомобил саноатини йилдан йилга ўсиши, автомобилларни юк кўтариш қобилятини ва ташилаётган юк ҳажмини ортиши, ҳаракат жадаллиги ва тезликни ортиши автомобил йўлларининг истеъмол талабларини ортишига олиб келмоқда.

Замонавий автомобил йўллари мураккаб муҳандислик иншоотларидир. Улар автомобил оқимларининг юқори тезликларда ҳаракатланиш имкониятларини таъминлаши зарур. Уларни шундай тарзда таъмирлаш ва сақлаш лозимки, бунда автомобил йўлининг хизмат муддатлари ва ўтказувчанлик қобиляти оширилсин ҳамда йўлдаги ҳаракат хавфсизлиги таъминлансин.

Йўлларни диагнозлаш ва баҳолаш, йўл тармоқларини ривожлантириш ва такомиллаштиришни бошқариш, транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни ошириш, автомобил йўл тармоқларидаги ҳар бир йўлнинг ишончли ишлаши тизимидаги асосий звено бўлиб, йўл тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилган маблағ ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш учун замин яратади.

Автомобил йўлларни диагнозлаш ва баҳолаш, уларнинг транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни ва сақлаш даражасини, транспорт-фойдаланиш кўрсаткичларни йўллардан фойдаланиш хусусиятларига қўйиладиган талабларга мос келиши ва мос келмаслик сабабларини аниқлаш учун ўтказилади.

Алоҳида ўлчамлар ва йўл характеристикасини комплекс кўрсаткичини унинг ҳолатига таъсирини баҳолаш учун ҳар бир ўлчам учун ҳисобий тезликни таъминланганлигини хусусий коэффициентини МШН 05-2005 “Автомобил йўлларини ташхис қилиш ва баҳолаш қои-

даси”нинг 3.4.5 – 3.4.15 бўлимларига тўғри келувчи ҳар бир характерли участка характеристикасини аниқланади.

Ҳисобий тезликни таъминланганлик коэффициенти аналитик йўл билан қуйидаги хусусиятларни ҳисобга олиш орқали аниқланади.

а) маҳаллий тезликларни (аҳоли яшаш жойлари, эгрининг кичик радиуслари, автобус бекатлари, йўл белгиларини таъсир зоналари ва ҳ.к.) йўл ҳаракати қоидаларидаги тезликларни умумий чегараланишига аҳамият берилмайди;

б) йўлнинг ҳар хил йўналишлари (масалан тоғли йўлларнинг қисқа қияликларида) йўл шароитини бирдан ўзгарган ҳолларида ҳисобий тезликларни таъминланганлиги коэффициенти катталиги ҳаракатнинг икки йўналишини энг кам катталиклари қабул қилинади;

в) тезликнинг бир катталикдан бошқасига секин аста ўтиши ҳисобга олинмайди, балки кўрсаткичларнинг поғонасимон эпюраси қурилади.

Мавжуд йўлнинг тавсифи ва ҳар бир характерли участкадаги ҳисобий тезликни таъминланганлик коэффициенти хусусий қийматини аниқлаш учун йил давомида ҳаво ҳароратининг иссиқ ва совуқ даврдаги кузатишлар ва доимий ўлчашлар дастлабки баҳолаш орқали олинади (тоза, ҳақиқий фойдаланиладиган юза кенглиги ва қоплама ҳолати, йўл ёқаси кенглиги ва ҳолати, ҳаракат таркиби ва жадаллиги, раволик ва илашувчанлик коэффициенти ва бошқалар). Ўлчамлар маълумотлари йўлни кузатиш, йўл лойиҳаси, олдинги кузатишлар натижалари ёки бошқа техник ҳужжатлардан олинади.

Қисқартирилган ўлчамлар номенклатураси ва характеристикаларини қайта текшириш, йўл

холатининг ўзгаришини кузатиб бориш ва баҳолаш натижаларини саралаш вариантларини кузатиб бориш ҳаво ҳарорати пасайиши бошлангунга қадар олиб борилади. Бундан ташқари қайта текширишлар йўл участкаси қайта таъмирлаш ишлари тугагандан сўнг ҳам олиб борилади.

Ҳисобий тезликни таъминланганлигини хусусий коэффиценти қийматлари қилиб жадвалдаги тайёр қийматларини қабул қилинади. Уларнинг аниқлаш муҳимлиги МШН 05-2005 “Автомобил йўлларини ташхис қилиш ва баҳолаш қондаси”нинг 3.4.5. – 3.4.15. бўлимларида келтирилган.

Ҳисобий тезликни таъминланганлигини умумий коэффиценти K_{xmi}^{yumm} ҳар бир участка учун ҳаракатнинг йиллик кузги – баҳорги даври шароитини шу часткадаги ҳамма хусусий коэффицентларнинг минимал қийматига тенг қилиб олинади.

$$K_{xmi}^{yumm} = K_{xmi}^{\min} \quad (1)$$

Бунинг учун қисқартирилган кўндаланг кесим, асосий ўлчамлар ва характеристикалар, хусусий ва ҳисобий тезликни таъминланганлигини умумий қиймати коэффиценти ҳамда қиймати, йўлнинг ТФХ чизикларини ўз ичига оловчи чизикли график қурилади.

Чизикли графикни қуриш ва йўлнинг умумлаштирилган сифат кўрсаткичини баҳолаш МШН 05-2005 “Автомобил йўлларини ташхис қилиш ва баҳолаш қондаси”га асосан бажарилади.

Ишлар ўз ичига йўлнинг алоҳида участкаларида йўлнинг умумий сифат кўрсаткичлари (K_{ii}), қайсики ТФХ ҳамда унинг умумлаштирилган кўрсаткичлари (K_{ii}), муҳандислик жиҳозлари ва жиҳозланиши кўрсаткичи ($K_{об}$) ва йўлнинг сақланганлик кўрсаткичи (K_3) ўз ичига олади ва қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$K_{ii} = K_{ii} \cdot K_{об} \cdot K_3 \quad (2)$$

бу ерда кўриладиган йўл участкасини транспорт-эксплуатацион ҳолатини комплекс кўрсаткичи – 10 та ҳисобий тезликни таъмин-

ланганлик хусусий коэффицентни энг кичик қиймати.

Ҳисобий тезликни таъминланганлиги хусусий коэффицентини ҳақиқий қиймати $V_p^6 = 120$ км/с тенг қилиб олинган негизвий тезликка нисбатан аниқланади:

$$K_{XT} = \frac{V_{\phi\max}}{120} \quad (3)$$

бу ерда $V_{\phi\max}$ – яқка енгил автомобилнинг кўриладиган йўл участкасидаги ҳақиқий максимал тезлигини 85% таъминлангандаги қиймати.

Юқорида келтирилган хусусий кўрсаткичлар аниқлангандан сўнг уларни ҳаракат шароити бўйича талаб этиладиган қийматлари билан солиштирилади ва автомобиль йўлининг таъмирланиши лозим бўлган участкалари аниқланади.

Адабиётлар:

- ГОСТ 23457-86 «Йўл ҳаракатини ташкил қилишнинг техник воситалари» (Кўллаш қоидалари)
- МҚН 23-2008 «Йўл белги чизикларини кўллаш бўйича курсатмалар»
- Имайкин А. Охрана труда в дорожном строительстве.
- Сильянов В.В. Транспортно-эксплуатационные качества автомобильных дорог.
- ШНК 2.05.02-07 Автомобил йўллари
- МШН 05-2005 Автомобил йўлларини ташхис қилиш ва баҳолаш қондаси. Тошкент ш. «Ўзавтойўл» ДАК. 2005-408 б.
- МШН 24-05 Автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлашга доир техник қоидалар. Тошкент ш. «Ўзавтойўл» ДАК. 2005-572 б.
- МҚН 52-2008 «Нобикир йўл тўшамалари мустаҳкамлигини баҳолаш ва уни кучайтиришни ҳисоблаш бўйича кўрсатмалар», «Ўзавтойўл» ДАК Автомобиль йўллари илмий – текшириш институти, Тошкент 2008 й., 75 бет.

ФОРМИРОВАНИЕ ПРОФИЛЯ ДОЛЖНОСТИ НА ОСНОВЕ СТРЕТЕГИЧЕСКИХ И ТЕКУЩИХ ЦЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Мухаммадиев У.А., к.т.н., доцент, Жуманов Ш.Н., ассистент
Самаркандский государственный архитектурно-строительный институт

Данная статья посвящена созданию профиля компетенций, опыта, а также анкетных данных, необходимых для выполнения конкретной работы в конкретной организации. Грамотное построение профиля позволяет четко соотносить подбор людей со стратегическими задачами, постоянно совершенствовать процессы подбора и развития персонала и в конечном счете дает важнейшее конкурентное преимущество уровню людей, работающих в компании.

Ключевые слова: профиль должности, компетенция, коммуникабельность, коммуникативные навыки, индивидуально-личностные характеристики, стрессоустойчивость, общая и профессиональная компетенция, стиль руководства.

This article is devoted to creating a profile of competencies, experience, as well as personal data necessary to

perform specific work in a particular organization. Competent profile building allows you to clearly correlate the selection of people with strategic objectives, constantly improve the selection and development of personnel, and ultimately gives the most important competitive advantage to the level of people working in the company.

Keywords: job profile, competence, sociability, communication skills, individual and personality characteristics, stress resistance, general and professional competence, leadership style.

“В настоящее время строительная отрасль стала одним из важных драйверов экономики. Это подтверждает тот, факт, что ее доля в валовом внутреннем продукте превысила 6 процентов. В целях дальнейшего развития отрасли необходимо гармонизировать нормы и правила в сфере строительства с международными стандартами, внедрять современные строительные технологии и материалы, кардинально реформировать систему подготовки кадров”.

Правильная постановка задачи при поиске персонала организации является фактором, предопределяющим подбор методов оценки. Это вопрос стратегии и выстраивания организации на много лет вперед.

Информация о требованиях кандидату на вакантную должность требуется структурированная, сведенная в единую систему критериев и требований (профессиональных и личностных) к будущему сотруднику, учитывающую при этом корпоративные установки организации относительно персонала, кадровой политики, особенности рабочего места.

Профиль - это описание компетенций, опыта, а также анкетных данных, необходимых для выполнения конкретной работы в конкретной организации. Компетенции подразделяют как индивидуально-личностные характеристики (например, стрессоустойчивость, склонность к командной работе, креативность и другие), так навыки (например, умение вести переговоры или составлять бизнес план). Компетентность (от лат. *competere*) -соответствовать, подходить.

Таким образом, на основании сформированных и осознанных стратегий составляется профиль должности будущего кандидата - первый шаг в процессе подбора и оценка персонала. При составлении профиля учитывается четыре основных момента:

1. особенности корпоративной культуры – системы ценностей, норм и правил;

2. особенность ближайшего окружения, с которыми будет взаимодействовать человек в ходе работы;

3. перспективы развития должности (необходим ли лидерский потенциал или он только будет мешать, должен ли человек быть склонен к переменам или постоянству);

4. особенности выполняемой работы и среды, в которой она выполняется.

Часть, включающая ожидания от нового сотрудника в соответствии с корпоративной культурой организации, а также соответствие ценностей и взглядов сотрудника ценностям компании являются не менее важными, чем профессиональные компетенции, при составлении профиля. Остановимся на общих правилах составления профиля:

1. Каждая компетенция должна быть сформирована предельно конкретно. Очень часто в описании требований к кандидату можно встретить такую формулировку, как «коммуникабельность, или коммуникативные навыки». На самом деле - это разные понятия. Коммуникабельность- это умение быстро устанавливать контакт с незнакомыми людьми. А компетенция например, для PR-менеджера, умение быстро по своей инициативе устанавливать контакт с нужными людьми.

2. В профиле должны быть четко расставлены приоритеты. Как именно это делается, в значительной степени зависит от корпоративной культуры, особенностей выполняемой в будущем работы, от личности руководителя и многих других факторов.

3. Каждая компетенция, указанная в профиле, должна иметь свой «измеритель». Собственно это техники и методики оценки кандидатов, и этой теме должно быть уделено максимально больше времени. Правильно составленный профиль- это безусловно, первый и очень важный шаг, но никакой правильный профиль не поможет, если мы «забудем» подобрать к нему инструменты оценки людей с четкими измерителями и параметрами (таблица 1, фрагмент). Разработка соответствующего оценочного инструментария становится следующим крупным шагом, формирующим стратегию компании в области поиска «своего» персонала. На основании всех перечисленных выше моментов можно приступить к формированию профиля должности конкретного специалиста. Важно помнить, что профиль индивидуален для каждой компании, хотя и имеет общие особенности, исходя из специфики работы как таковой.

В таблице 2 приведен профиль одной из вакансий, характерных для строительного бизнеса.

Таблица 1

| Должность | Навыки | Способности | Личностные качества, темперамент | Модели поведения |
|------------------------|--|---------------|---|---|
| Торговый представитель | Не очень значимы, обучить можно легко и быстро | Очень значимы | Очень значимы, так как, продажа требует повышенной контактности и стрессоустойчивость | Очень значимы, так как высок риск конфликтных ситуаций. |

| Должность | Навыки | Способности | Личностные качества, темперамент | Модели поведения |
|----------------------------------|--|--------------------|--|---|
| Переводчик (письменные переводы) | Очень значимы, так как приобретение требует длительного времени | Значимы | Не очень значимы, так как работа большей степени независит от взаимодействия с другими людьми. | Значимы в контексте соответствия корпоративной культуре. |
| Руководитель отдела | Значимы, хотя можно говорить и о частичном обучении при наличии достаточного потенциала. | Средняя значимость | Очень значимы, так как эффективность сильно зависит от взаимодействия с другими людьми. | Очень значимы, имеют серьезное влияние на организацию. |
| Финансовый аналитик | Очень значимы | Средняя значимость | Не очень значимы | Значимы только в контексте соответствия корпоративной культуре. |

Таблица 2

| № п/п | Исходные данные | Компетенции |
|-------|---|--|
| 1. | Принципы компании | Честность и лояльность, в том числе честность по отношению клиентам. |
| 2. | Принципы компании | Склонность к работе в демократическом стиле управления. |
| 3. | Принципы компании | Люди представляют собой важную ценность. |
| 4. | Установка компании на рост и развитие сотрудника, а также сложная продукция и большой объем информации. | Хорошая обучаемость |
| 5. | Необходимость сочетания ориентации на мнение клиента и коллег и умения отстаивать собственную точку зрения. | Смешенная референция |
| 6. | Необходимость выполнения большого объема работ в условиях общения со сложными клиентами. Необходимость проведения публичных презентаций перед большими аудиториями. | Стрессоустойчивость |
| 7. | Могут возникать сложные нестандартные ситуации, требующие быстрого принятия решений. | Креативность и умение быстро находить выходы из сложных ситуаций. |
| 8. | Установка компании на формирование позитивного имиджа и долгосрочные отношения с партнерами. | Умение располагать к себе и установка на долгосрочные отношения к клиентам |
| 9. | Высокая степень самостоятельности и реально значительная зона ответственности. | Инициативность и способность к самостоятельной работе. |
| 10. | Большой объем информации на иностранном языке. | Знание иностранного языка не ниже среднего уровня. |
| 11. | Политика компании в отношении развития персонала. | Мотивация на рост и развитие. |
| 12. | Желательно, на высоком уровне. | Навыки проведения переговоров. |

Грамотное построение профиля, позволяет четко соотносить подбор людей со стратегическими задачами, постоянно совершенствовать процессы подбора и развития персонала и в конечном счете дает важнейшее конкурентное преимущество уровень людей, работающих в компании. А это именно тот решающий фактор, на основе которого конкурируют наиболее успешные в бизнесе компании.

Литература:

1. Иванова С. Искусство подбора персонала. М.: Альпина Паблишер. 2018 г.
2. М.Мескон, Альберт Хедоури Основы менеджмента. М.: Дело. 2016 г
3. Иванова С. Как найти своих людей. М.: 2013.
4. Мухаммадиев Ў.А., Джабриев А.Н., Буриев Х.Т., Юзбоева М.З. «Менежмент» Ташкент. 2019.
5. Мухаммадиев Ў.А., Буриев Х.Т., Юзбоева М.З. «Менежмент савол ва жавобларда» Ташкент. 2019.

УДК. 274.11

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲУСУСИЯТИДАГИ КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ("ARITEKS" ишлаб чиқариш корхонаси мисолида)

Rayimov Ma'ruf, magistr, **Ganiyeva Feruza Samiyevna**, и.ф.н.

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти иқтисодий ислохотларни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган катта ишнинг бир қисмидир. Ҳозирги кунда баҳолаш фаолиятини камраб олувчи хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормокда

Калитли сўзлар: Хизматлар соҳаси, ишлаб чиқариш ташкилотлар, инвестиция, инвестицион жозибадорлик, кўчмас мулк бозори, кўчмас мулк, объект, баҳолаш хизмат и, капитал, фойда, дисконтлаш усули, даро-

мад ёндашув, прогноз давр, эгалик ҳуқуқи, лойиҳа, рентабеллик, кўрсаткичлар, иқтисодий жараён, лойиҳани тадбиқ этиш, фондоқайтим, натижаларни мувофиқлаштириш.

Оценка производственного предприятия на примере «APITEKS»

В настоящее время сфера услуг, включающая оценочную деятельность, в стране стремительно развивается. Следует отметить, что Президент и Правительство Республики уделяют особое внимание оценке недвижимости, разгосударствлению, радикальному изменению безразличных взглядов наших граждан, повышению экономической и правовой грамотности в вопросах владения, пользования и распоряжения имуществом.

Ключевые слова: сфера услуг, производственные организации, инвестиции, инвестиционная привлекательность, рынок недвижимости, недвижимость, объект, услуга оценки, капитал, прибыль, метод дисконтирования, доходный подход, прогнозный период, право собственности, проект, рентабельность, показатели процесс, реализация проекта, экономия, согласование результатов

Evaluation of a manufacturing enterprise using the example of «APITEKS»

Currently, the service sector, including appraisal activities, is developing rapidly in the country. It should be noted that the President and the Government of the Republic pay special attention to real estate appraisal, denationalization, a radical change in the indifferent views of our citizens, improving economic and legal literacy in matters of ownership, use and disposal of property.

Keywords: services, manufacturing organizations, investments, investment attractiveness, real estate market, real estate, property, valuation service, capital, profit, discount method, income approach, forecast period, ownership, project, profitability, indicators, process, project implementation, savings, matching results

Кириш. Ўзбекистон Республикасида баҳолаш фаолияти иқтисодий ислохотларни амалга ошириш юзасидан олиб борилаётган катта ишнинг бир қисмидир. Ҳозирги кунда баҳолаш фаолиятини қамраб олувчи хизматлар соҳаси мамлакатимизда жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Республикаимиз Президенти ва ҳукумати томонидан кўчмас мулкни баҳолаш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, фуқароларимизнинг мулкка бўлган лоқайд қарашларини тубдан ўзгартириш, мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишдаги иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Асосий қисм. Мамлакатимизда Президент Ш.М.Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида бозорнинг барча бўғинларини ривожлантириш механизмлари яратилди. Кўчмас мулк бўйича амалга ошириладиган битимлар замонавий бозор муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Кўчмас мулк бозори фаолиятини тартибга солиш, уни давлатимизнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган йуналтирилган иқтисодий сиёсати тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадида миллий Қонунчилигимиз такомиллаштирилмоқда. Ишлаб чиқариш корхонаси - баҳолаш услубиятини ўрганиш асосий мақсад қилиб қўйилган.

«APITEKS» ишлаб чиқариш корхона тиклаш қиймати лойиҳа-смета ҳужжатларига биноан аниқланади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлмаса, кўчмас мулк тикланиш қийматининг йириклаштирилган нормативларидан фойдаланишга йўл қўйилади. Йириклаштирилган нормативлар асосида кўчмас мулкнинг тикланиш қийматини аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар ойида чоп этиладиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи-

ларнинг қимматлашиш индекслари ахборот бюллетени асосида тасдиқланган ГККИНП-18-013-2001 йил «Хизмат кўрсатиш объектларни тикланиш баҳолари умумлаштирилган кўрсаткичлари тўплами»дан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади.

2001 йил базис нархларидаги нон ишлаб чиқарувчи объект биносининг тўлиқ тикланиш қиймати қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C = S \times C_{\text{жадв.}} \times K_1 \times K_2 \times K_3 \times \dots \times K_n \quad (1)$$

бунда: C – биносининг 2001 йил ҳолатига тикланиш баҳоси

S - баҳоланаётган объектнинг ҳажми м³ (майдон м², узунлик п.м); $C_{\text{жадв.}}$ - УПВСНЗиС жадвали бўйича 2001 йил баҳосидаги бир бирликнинг нархи; K_1 – биносининг капитал гуруҳини ҳисобга олувчи коэффициент; K_2 - худуднинг зилзилага бардошлигини ҳисобга олувчи коэффициент; K_3 - худудий коэффициент; K_4 - ташки ва ички пардозлаш ишлари; K_5 - сантехник жиҳозлар ва бошқалар.

1-жадвал

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона тикланиш қийматини аниқлаш

| Кўрсаткичлар | Миқдори |
|--|---------|
| «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона қўрилиш ҳажми, м ³ | 29641 |
| 1 м ³ қиймати, сўм(УПВС18-076-03,1 китоб,жадвал 12 г) | 102,3 |
| «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона 1991 йилдаги тикланиш қиймати | 3032288 |
| Бинони капиталлик гуруҳига тузатиш | 1,0 |
| Бинони баландлигига тузатиш | 1,0 |
| Худудий коэффициент | 1,0 |
| Сейсмик коэффициент | 1,15 |
| Ободонлаштириш коэффициенти | 1,11 |
| Қимматлашув индекси 1991- 1998 й. | 61,8 |
| Индекс 1999-2009 й | 8,57 |
| Индекс 1.01.2010й | 1,01 |

| | |
|---|------------|
| Индекс 1.01.2011й | 1,208 |
| Индекс 1.01.2012й | 1,215 |
| Индекс 1.01.2013й | 1,213 |
| Индекс 1.01.2014й | 1,219 |
| Индекс 1.01.2017й | 0,927 |
| Индекс 1.01.2018й | 1,057 |
| Индекс 1.01.2017й | 1,122 |
| Индекс 1.01.2018й | 1,311 |
| Индекс 1.01.2019й | 1,396 |
| Индекс 1.05.2019й | 1,084 |
| «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона тикланиш қиймати, сўм | 9800646288 |

Баҳоланаётган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона қолдиқ қиймати:

$$9800646288 - 14\% = 8428555808 \text{ сўм}$$

Ер майдони билан фойдаланиш ҳуқуқи

Ер майдони- 5200 м², жамоат бино жойлашган ер майдони учун солиқ миқдори- 27 979 000 сўм - 1га(10000 м²). 1 м²=2797сўм. Ер майдонидан олинадиган даромадни ер солигидан аниқлаштирамиз:

$$5200 \times 2797 = 14544400 \times 12 = 174532800 \text{ сўм}$$

Капитализация ставкаси рефинансли ставкасига асосан олинди ва 16% ташкил этди.

$$174532800 / 0,16 = 109083000 \text{ сўм}$$

$$109083000 + 174532800 = 283 615 800 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб, ер майдонидан келиб тушадиган даромад- 283 615 800 сўмни ташкил қилади

«APITEKS» ишлаб чиқариш корхона қийматини аниқлаш учун унинг қолдиқ қийматида тадбиркорлик фаолияти даромади қўшилади. Тадбиркорлик даромади одатда 10-30% ни ташкил этади. Тадбиркорлик даромадини 10 % деб қабул қиламиз.

2-жадвал

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона харажат ёндашувида қийматини аниқлаш

| Бинонинг тури | Тикланиш қиймати, сўм | Тадбиркорлик даромади коэффициент | Ер билан фойдаланиш қиймати | Қиймат, сўм |
|---------------------------------|-----------------------|-----------------------------------|-----------------------------|-------------|
| «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона | 8428555808 | 1,10 | 283615800 | 9555027188 |

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона харажат ёндашувида аниқланган қиймати 9 555 027 188 сўмни ташкил қилди.

«APITEKS» ишлаб чиқариш корхона бугунги кундаги баҳосини даромадли ёндашув усулида аниқлаш мақсадида ушбу объект ижарага берилган тақдирда келтириши мумкин бўлган даромаддан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш лозим деб топилди. Бунинг учун маҳаллий интернет сайтларига эълонлар асосида Тошкент вилоятида жойлашган ижарага берилаётган объектлар, жумладан: тижорат объектлари

маълумотлар аниқланиб, аналогларга қиёсан ижарасини аниқлақлаймиз.

3-жадвал

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона ижара ҳақини аниқлаш

| Қиёслаш элементлари | Кафе | Аналог 1 | Аналог 2 | Аналог 3 |
|--|------------------------|------------------|------------------|------------------|
| Маълумот манбаси | Визуал кўрик маълумоти | “OLX” инт. сайти | “OLX” инт. сайти | “OLX” инт. сайти |
| Ижара ҳақи, у.е. | | 1500 | 1400 | 1300 |
| Ижара ҳақи, сўм | | 12600000 | 11760000 | 10920000 |
| Майдон, м ² | 5200 | 5180 | 5160 | 5155 |
| 1 м ² ижара ҳақи | | 2432 | 2279 | 2118 |
| Объект ҳолати | Яхши | Яхши | Яхши | Қониқарли |
| Тўзатиш коэффициенти | | 1,20 | 1,20 | 1,05 |
| Қиймат, сўм | | 20432 | 19534 | 23940 |
| 1 м ² ижара ҳақи, бир ойлик | 110770400 | 21302 | | |
| Бир йиллик ижара ҳақи | 1329244800 | | | |

«APITEKS» ишлаб чиқариш корхона бир йиллик ижара ҳақи 1329244800 сўмга тенг.

Операцион харажатлар – бу кўчмас мулкнинг одатдаги ҳолатда ишлаши ва ҳақиқий ялпи даромадни қайта тиклаш учун зарур бўлган харажатлар. Шундай қилиб капиталлаштириш коэффициенти $\gamma \approx 16\%$ тенг. «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона ижарага бериш орқали келтириши мумкин бўлган даромадини дисконтлаш орқали ҳисоблаблаймиз:

4-жадвал

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона даромад ёндашувида қийматини аниқлаш

| | | |
|----------------------------------|-----------|------------|
| Потенциал ялпи даромад | 110770400 | 1329244800 |
| Ҳақиқий ялпи даромад | -5% | 1262782560 |
| Операцион харажатлар | 4% | 50511302 |
| Соф операцион даромад | | 1212271257 |
| Капиталлаштириш коэффициенти | | 16% |
| Баҳоланаётган объектнинг қиймати | | 7576695360 |

Тошкент вилояти Яккасарой тумани жойлашган «APITEKS» ишлаб чиқариш корхона даромад ёндашувида қиймати 7 576 695 360 сўмни

Сотувни қиёслаш усули, шунингдек бозор ва бозор ахбороти усули, тўғридан – тўғри қиёслаш усули баҳолашнинг кенг қўлланиладиган усули ҳисобланади. Ҳар хил номларига, турли мамлакатларда ҳар хил қўлланишига қарамасдан, усулнинг моҳияти бир хил, яъни мулк қиймати ўхшаш объектларнинг яқиндаги олди

– сотди баҳоларига солиштириш йўли билан аниқланади.

5-жадвал

«АРИТЕКС» ишлаб чиқариш корхона қийматини қиёсий ёндашувда аниқлаш

| | Баҳолаш объекти | Тошкент вилояти | Сирдарё вилояти | Самарқанд, Ургут шаҳри |
|------------------------|------------------------------|-----------------------------------|------------------------------|------------------------------|
| Тақл. нархи | сўм | 9750000000 | 8490000 000 | 8550 000 000 |
| Сотиш вақти | 1.05.19 | 19.04.18 | 19. 04.18 | 18. 04.19 |
| Нарх | | 9750000 000 | 8490000 000 | 8550 000 000 |
| Мулкнинг эгалик ҳуқуқи | тўлиқ | тўлиқ | тўлиқ | тўлиқ |
| Тузатиш% | | 1,00 | 1,00 | 1,00 |
| Нарх | | 9750000 000 | 8490000 000 | 8550 000 000 |
| Молиявий шарт | тўлиқ | тўлиқ | тўлиқ | тўлиқ |
| Тузатиш% | | 1,00 | 1,00 | 1,00 |
| Нарх | | 9750000 000 | 8490000 000 | 8550 000 000 |
| Сотиш шартлари | тижорат | тижорат | тижорат | тижорат |
| Тузатиш% | | 1,00 | 1,00 | 1,00 |
| Нарх | | 9750000 000 | 8490000 000 | 8550 000 000 |
| Жойлашган манзили | Тошкент Қибрай тумани | Тошкент, Қибрай тумани | Сирдарё вилояти | Самарқанд вилоят Ургут шаҳри |
| Тузатиш% | | 1,00 | 1,00 | 1,00 |
| нарх | | 9750000 000 | 8490 000 000 | 8550 000 000 |
| Ум.майдони кв.м. | 5200 | 5186 | 5160 | 5180 |
5. Accepted design schemes and stages of loading, forces and movements in the nodes of cable-stayed networks are determined by at least 3 types of disadvantageous combinations of loads.

6. The maximum force in the cable-stayed belts and support rings from unprofitable load combinations is determined.

7. The section of all elements of hanging coatings and supporting structures is determined. The shape and size of the cross section of the outer support rings are preliminarily set. $h \cdot b$, $h = D/50$, $b = 0,4 h$.

8. The values of the values of the preliminary tension of the threads of the lower and upper zones of the cables are determined.

9. The deformation of the hanging coating structure and supporting structures from possible combinations of loads is determined.

10. If necessary, structural checks are performed for special effects: displacement of supports, temperature stress, fatigue, stability

The results of the research are used to develop an algorithm and a block diagram of a computer calculation that can be used to assess the stress-strain state of the design solutions developed by the author both for the design stage and for the operation stage of these systems.

УДК 621.315.592

ZAMONAVIY INSHOOTLARNI ELEKTR, ISITISH-SOVUTISH ENERGIYASI VA SUV BILAN TA'MINLASH QURILMALARIDA ISHLATILADIGAN n-InP YARIMO'TKAZGICHLARNING SIFATINI ANIQLASH

Рахимов Odil, dotsent, f-m.f.n., Samarqand davlat arxitektura-qurilish instituti

В настоящей работе исследовано взаимодействие квазиточных скоплений акцепторов n-InP:cd с собственными точечными дефектами, возникающими при гамма облучении, которые изменяет функции распределения $N_z(z)$ квазиточных скоплений по числу составляющих их акцепторных центров.

Ключевая слова: N_A акцепторы и N_D доноры, собственно-точечный дефектов, эффективные сечение, диффузия, путь дрейфа, электро активные центры.

In the present work, the interaction of n-InP:cd acceptor clusters with intrinsic point defects arising under gamma irradiation, which changes the distribution function $N_z(z)$ of quasi-fold clusters according to the number of their acceptor centers, is investigated.

Key word: N_A absorbers and N_D donors, specific dental disorders, effective section, diffusion, drifting, electric-active centers.

Kirish. Fan va texnikaning rivojlanishi zamonaviy inshootlarni elektr energiyasi bilan ta'minlash, isitish sovutish tizimlarida yarim o'tkazgichli materiallarning koinotdan keluvchi α , β , γ radiaktiv nurlar ta'sirida o'zlarining o'tkazuvchanlik xossalari saqlab qolish yoki o'zgartirish xususiyatlarini inobatga olishga to'g'ri keladi.

Hozirgi paytda yarim o'tkazgichlardagi kompensatsiyalovchi aralashmalar atomlarning kristall hajmi bo'ylab taqsimlanishini hamda ularning radiaktiv nuqsonlar bilan o'zaro ta'sirlarini o'rganish, yarim o'tkazgichli asboblarni yaratishda muhim ahamiyatga ega bo'lganligi sababli ko'pchilikning diqqatini tortmoqda.

Fosfid indiy tuzilishidagi defektlarni o'rganish boshqa yarim o'tkazgichlarga nisbatan kamroq o'rganilgan. InP dagi nuqtaviy nuqsonlar, hususiy - nuqtaviy nuqsonlarning birikmalari yoki hususiy - nuqtaviy nuqsonlar bilan aralashma atomlari

Literature

1. Раззаков С.Р., Ботиров Д.М., Ахмадиёров У.С. Особенности расчета и проектирования уникальных большепролетных зданий и сооружений с учетом длительности эксплуатации //Международная научно-практическая конференция "Актуальные проблемы обеспечения интеграции науки, образования и производства" Ташкент, 2008. с. 393-395.

2. Раззаков С.Р., Фридман Г.С., Ахмадиёров У.С. Нормирование деформаций и перемещений большепролетных висячих покрытий //Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта Ресурсосберегающие технологии в строительстве Ташкент, 2009. с. 49-51.

3. Раззаков Х.С., Ахмадиёров У.С. Особенности расчета круглых тонких плит и мембран с учетом характера нагружения // Москва 2011. –Тезисы докладов научной сессии. с. 51-52.

4. Качурин В.К. Статический расчет вантовых систем. – Л.: Стройиздат, 1969. – 141 с.

birikmalari holida uchraydi va bu birikmalar 100-300 K haroratda turg'un holatda bo'ladi. Gamma nuri yoki energiyasi 1 Mev bo'lgan elektron bilan hosil qilingan xususiy-nuqtaviy nuqsonlar 77 K haroratda harakatchan bo'ladi [1].

Legirlanmagan, kimyoviy toza yo'l bilan olingan, InP tarkibida $\sim 8 \cdot 10^{15} \text{sm}^{-3}$ vodorod atomiga o'xshash atomlari mavjud bo'lib, akseptorlarning konsentratsiyasi 10^{15}sm^{-3} dan oshmaydi [2]. Bundan kamroq elektron konsentratsiyali materialni olish uchun mis, rux, kadmiy va boshqa akseptorli aralashmalardan foydalaniladi. Akseptorli aralashmalarining bir qismi kristall hajmi bo'ylab bir jinsli (tekis) taqsimlanadi va bir qismi esa majmualarni hosil qilishlari mumkin. Bunday majmualar fazoviy zaryadlar sohasi bilan o'raladi. Bu soha materialning elektr parametrlariga kuchli ta'sir qiladi va bir jinsli bo'lmay qoladi [3]. Fazoviy zaryadlar sohalari yarim o'tkazgichning fatoelektrik

xossasiga juda kuchli ta'sir qiladi. Bu xossani o'rganish akseptorlar hamda elektr aktiv markazlar (EAM) majmualarini o'rganish usullaridan biridir.

Majmualar konsentratsiyasi va ularga kirgan EAM lar sonini fotoo'tkazuvchanlikning kamayish kinetikasini o'lchash usuli bilan aniqlash mumkin [4-8].

Asosiy qism. Ishning maqsadi, n-InP:cd materialida gamma kvanti ta'sirida hosil bo'ladigan xususiy-nuqtaviy nuqsonlar o'zgarish tezligi kinetikasini va akseptor atomlari majmualari o'zgarishini tekshirish.

n-InP:cd materiali Choxralskiyning o'stirish usuli bilan olingan. Gamma kvanti bilan nurlantirish 60C° qurilmasida, xona haroratida bajarildi.

Xoll koeffitsienti, elektro'tkazuvchanlikning haroratga bog'liqligi 4,2-300 K oralig'ida va fotoo'tkazuvchanlikning kamayish kinetikasi 77 K da gamma kvantining har xil dozalarida o'lchandi (1-jadval).

2-jadvalda n-InP materiallaridagi danorlar va akseptorlar hosil bo'lishining effektiv kesim qiymatlari σ_D , σ_A berilgan.


3-jadvalda n-InP ning N_M akseptor majmualari sonining γ -nurlanishda ortishi va bu majmua egallab turgan f hajm qiymati keltirilgan.

Natijalarni tahlil qilib, zaryad tashuvchilar uzluksizlik tenglamasini yechib, elektronlar konsentratsiyasini, harakatchanligini va N_A akseptorlar, N_D donorlar konsentratsiyalarini hisoblab topdik.

n-InP:cd da N_A va N_D konsentratsiyalarining gamma kvant dozasi bog'liqligi ya'ni doza orta borishi bilan chiziqli o'sishi 1-rasmda keltirilgan. N_A va N_D o'zgarish tezliklari orasidagi farqni xususiy-nuqtaviy nuqsonlar harakatchanligi hamda aralashma atomlari bilan birikmalar hosil qilishi orqali izohlash mumkin.

Gamma nurining akseptorlar majmualari o'lchamiga ta'sirini qarasaq, n-InP:cd materialida akseptorlar majmualari N_Z konsentratsiyasining ularga kiruvchi Z akseptorlar soniga bog'liqlik $N_Z(Z)$ funksiyasi, nurlantirilmagan va γ -nuri bilan nurlantirilgan xollar uchun 2-rasmda ko'rsatilgan. $N_Z(Z)$ funksiya gamma kvanti dozasi bog'liq holda o'zgaradi (ortadi).


Nurlantirilmagan n-InP:cd da eng katta o'lchamli majmualarda akseptorlar soni $Z=30$ va ularning konsentratsiyasi $\sim 10^{10} \text{sm}^{-3}$ ga teng. Gamma nuri dozasi ko'payganda katta majmualardagi akseptorlar soni $Z=40$ bo'lgan konsentratsiyasi $\sim 10^{11} \text{sm}^{-3}$ ga yetgan (2-rasm, 1 va 2 grafiklar).



1- rasm. n-InP uchun N_A akseptorlar va N_D donorlar konsentratsiyasining gamma kvant dozasi bog'liqligi.

1 - N_A akseptorlar

2 - N_D donorlar



2-rasm. n-InP:cd materialida akseptorlar majmualari N_Z konsentratsiyasining ularga kiruvchi Z akseptorlar soniga bog'liqlik $N_Z(Z)$ funksiyasi.

1 - $F=0$

2 - $5,2 \cdot 10^{18} \text{cm}^{-2}$.

Qoldiq fotoo'tkazuvchanlikni o'lchash usuli bilan kichik o'lchamli akseptor majmualarini ($Z < 10$) topishning imkoni bo'lmaydi, chunki majmualar o'lchami tok tashuvchi elektronlarning erkin chopish yo'lidan kichik.

Kichik majmualar elektronlar uchun effektiv sochuvchi markazlar vazifasini bajaradilar.

1-jadval. Fosfid indiyning asosiy paramerlari

| Legirliangan | $F \cdot 10^{19} \text{sm}^{-2}$ | $n \cdot 10^{15} \text{sm}^{-3}$ | | $n_1 \cdot 10^{15} \text{sm}^{-3}$ | $n_2 \cdot 10^{15} \text{sm}^{-3}$ | $R\sigma, \text{cm}^2/\text{V} \cdot \text{s}$ | | $\sigma, \text{om}^{-1} \cdot \text{sm}^{-1}$ | | |
|--------------|----------------------------------|----------------------------------|------|------------------------------------|------------------------------------|--|-----|---|------|----------------------|
| | | 300K | 78K | | | 300K | 78K | 300K | 78K | 4,2K |
| Cd | 0 | 6,07 | 3,88 | 5,2 | 4510 | 10500 | 125 | 4,4 | 7,02 | 0,104 |
| | 0,59 | 5,68 | 3,57 | 4,64 | 4500 | 10020 | 100 | 4,1 | 6,24 | $7,6 \cdot 10^{-2}$ |
| | 1,47 | 4,81 | 2,87 | 3,86 | 4470 | 9480 | 71 | 3,4 | 4,76 | $4,37 \cdot 10^{-2}$ |
| | 2,90 | 3,9 | 2,01 | 3,21 | 4380 | 8940 | 32 | 2,7 | 3,14 | $2,63 \cdot 10^{-2}$ |
| | 3,49 | 3,38 | 1,53 | 2,0 | 4090 | 8660 | 23 | 2,2 | 2,3 | $7,08 \cdot 10^{-3}$ |
| | 3,85 | 3,2 | 1,42 | 1,83 | 3840 | 8470 | 15 | 2,0 | 2,13 | $4,4 \cdot 10^{-3}$ |
| | 4,08 | 2,93 | 1,36 | 1,6 | 3740 | 8240 | 11 | 1,7 | 1,95 | $2,82 \cdot 10^{-3}$ |
| | 4,62 | 2,6 | 1,15 | - | 3600 | 7700 | - | 1,5 | 1,51 | $1,23 \cdot 10^{-3}$ |
| | 5,07 | 2,47 | 1,03 | - | 3570 | 7210 | - | 1,4 | 1,28 | $4,79 \cdot 10^{-4}$ |
| Zn | 0 | 1,36 | 0,91 | - | 2650 | 7600 | - | 0,79 | 1,26 | - |

| | | | | | | | | | | |
|----|------|------|------|---|------|------|---|-----|------|---|
| | 0,86 | 0,60 | 0,22 | - | 2070 | 1062 | - | 0,2 | 0,38 | - |
| Cu | 0 | 2,5 | 1,5 | - | 2450 | 5600 | - | 0 | 1,34 | - |
| | 0,59 | 1,5 | 1,0 | - | 1640 | 2440 | - | 0,4 | 0,53 | - |

2-jadval. n-InP materialida donorlar va akseptorlar hosil bo'lishini effektiv kesimlari σ_D va σ_A .

| Legirlangan | $\sigma_D \cdot 10^{-26} \text{ sm}^{-2}$ | $\sigma_A \cdot 10^{-26} \text{ sm}^{-2}$ |
|---------------|---|---|
| Legirlanmagan | 0,4 | 1,0 |
| Cd | 0,33 | 0,66 |
| Cu | 1,3 | 1,3 |
| Zn | 3,1 | 3,1 |

3-jadval. n-InP materialida N_m akseptorlar majmualari sonining γ nurlanish ta'sirida o'sishi.

| Legirlangan | f, % F=0 | $N_M \cdot A^{*}, s$ m^{-1} F=0 | $F \cdot 10^{19} s$ m^{-2} | f, % F≠0 | $N_M \cdot A^{*}, s$ m^{-1} F≠0 |
|---------------|-------------|---|---------------------------------|-------------|---|
| Legirlanmagan | 1 | $3 \cdot 10^3$ | 3,20 | 1 | $3 \cdot 10^3$ |
| Cd | 1 | $3 \cdot 10^3$ | 5,08 | 1 | $3,7 \cdot 10^4$ |
| Cu | 34 | $1,1 \cdot 10^5$ | 0,59 | 52 | $1,2 \cdot 10^5$ |
| Zn | 36 | $1,2 \cdot 10^5$ | 0,86 | 62 | $1,2 \cdot 10^5$ |

*) Baholash [6] metodi yordamida, $T=300$ K haroratda (amalg oshirilgan) qilingan.

Xulosa qilib aytganda, katta o'lchamli ($Z > 10$) akseptor majmualari o'lchami gamma nuri dozasi oshishi bilan kattalashadi va to'siq-izolyator

kattalashadi va to'siq-izolyator vazifasini bajaradi, shuning uchun elektronlar izolyatorlardan aylanib o'tishga majbur bo'ladilar.

1. n-InP:cd materialida gamma kvant ta'sirida NA akseptorlar va ND donornlarning hosil bo'lish tezliklari har xil ekanligi topildi.

2. n-InP:cd materialida akseptorlar majmualari mavjud bo'lsa, gamma kvant ta'sirida majmualardagi akseptorlar soni oshishi aniqlandi.

Gamma kvant ta'sirida akseptor majmualari o'lchamlarining ortish tabiati hozircha ma'lum emas, ammo ikki xil ehtimoliyatga ko'ra bo'lishi mumkin degan tahminlar bor:

a) dastlabki (nurlanmagan) materialda kichik sonli akseptorlar majmualari bo'lgan bo'lsa, nurlanishda hosil bo'layotgan donorlar N_D va akseptorlar N_A konsentratsiya ayirmalari kamayishi hisobiga zaryadlarning ekranlashuv uzunligi ortadi va mos ravishda fazoviy zaryadlar sohasi radiusining ham ortishiga olib keladi;

b) kristall strukturasi hosil bo'layotgan xususiy nuqtaviy nuqsonlarni diffuziya yoki dreyf yo'li bilan majmualar tortib oladilar.

Bu usul bilan olingan n-InP:cd materialini zamonaviy inshootlarni elektr energiyasi bilan ta'minlash va isitish-sovutish qurilmalarida ishlatish yaxshi effekt bermasligini ta'kidlash lozim.

n-InP materialidagi aralashmalari kristallning hajmi bo'ylab bir jinsli taqsimlana, gamma-kvant ta'sirida ham elektr aktiv markazlar majmualari hosil bo'lmasligi aniqlangan [4] va bunday materialdan yasalgan asboblarda yaxshi effekt beradi.

Adabiyotlar

1. Врайловский Е.Ю., Кярапетян Ф.К. Тартанчик В.П. Отжиг точечных радиационных дефектов в n-InP. - ФТП, 1979, т.13, в.10, с.2044-2046.

2. Кавалевская Г.Г., Попов Ю.Г., Слукаев Н.В. Электрические свойства n-InP при низких температурах. - ФТП, 1967, т.1, в.2, с.225-229.

3. Дахно А.Н., Емельяненко О.В., Лагунова Т.С., Старосельцева С.П. Особенности переноса электронов в компенсированных кристаллах n-InP. - ФТП, 1979, т. 13, в.10, с.1988-1994.

4. Витовский Н.А., Лагунова Т.С. Однородный компенсированный фосфид индия с низкой концентрацией электронов. - ФТП. 1981, т.15, с. 1034-1036.

5. Витовский Н.А. Метод определения заряда квазиточечных скоплений атомов примесей и дефектов в полупроводниках и функции распределения скоплений по их заряду. - ФТП. 1982, т.16, в.5, с.832-385.

6. Витовский Н.А., Емельяненко О.В., Лагунова Т.С., Рахимов О. Определение заряда квазиточечных скоплений атомов акцепторной примеси в компенсированных кристаллах n-InP. - ФТП. 1982, т.16, в.6, с. 1122-1124.

7. Баграев Н.Т., Витовский Н.А., Власенко Л.С., Машовец Т.В., Рахимов О. Скопления электрически активных центров в термообработанном кремнии, выращенном по методу Чохральского. - ФТП, 1983, т.17, в.11, с.1979-1984.

8. Raximov O., Eshbekov A.A. n-InP:cd materialida akseptor tuzilmalarining gamma kvanti hosil qiladigan hususiy-nuqtaviy nuqsonlar bilan ta'cirini o'rganish. - Яримўтказгичлар физикасининг hozirgi zamon muammolari. Республика илмий анжумани материаллари. 26-27 октябрь 2018 йил. Тошкент.

КУРИЛИЩДА ТАЪЛИМ

UO'K 65.050.9 (5U)Ya7

QURILISHDA ZAMONAVIY MENEJER VA UNING KREATIV TA'LIMI

Aynaqulov Muxitdin Abduhamidovich, iqtisod fanlari nomzodi, dotsent.
Jizzax Politehnika Instituti

Maqolada iqtisodiyotning qurilish majmuasida xodimlar boshqaruvini ta'minlash, ularning ruhiyatiga ijodiy yondashish maqsadida kreativ ta'limning imkoniyatlari, omillari, usullari bayon qilingan.

Tayanch so'zlar: Kreativ ta'lim, kreativ fikrlash, kreativ muammolar, kreativ usullar, kreativ imkoniyatlar, kasb-kor, bilim o'lchovi, ta'lim guruhleri, o'quv guruhi, ijodkorlik, tasviriy va golografik fikrlash, skeptitsizm, innovatsion salohiyat.

В статье изложены возможности, факторы и методы креативного образования для обеспечения креативного управления и креативных подходов к персоналу в строительной отрасли.

Ключевые слова: креативное образование, креативное мышление, креативные проблемы, креативные методы, креативные возможности, занятие, когнитивное измерение, учебные группы, учебная группа, креативность, визуальное и голографическое мышление, скептицизм, инновационный потенциал.

The article describes the possibilities, factors and methods of creative education to ensure creative management and creative approaches to personnel in the construction industry.

Keywords: creative education, creative thinking, creative problems, creative methods, creative opportunities, occupation, cognitive measurement, study groups, study group, creativity, visual and holographic thinking, skepticism, innovative potential.

Menejment boshqa jarayonga nisbatan yuksak darajada XXI asrning eng muhim ijtimoiy hodisasi sanalgan ta'limdagi portlashni, ammo barcha narsalarni emas, barchasidan avval KREATIV likni bayon qilib beradi.

Kreativ fikrlash – bu qurilish majmuasida zamonaviy menejning eng muhim dastaklaridan biri bo'lishi bilan birga juda nozik, e'tibor talab qiladi, eng asosiysi maqsadli yo'naltirilgan tarbiyadir. Ko'plab mutaxassislar an'anaviy ta'lim tizimi tufayli analitik nuqtai nazarga ega bo'lishga moyil. Faqat bir necha, kreativ jarayonlarni faollashtirishni kiritadi. Shu bilan birga deyarli barcha odamlar, boshqacha qilib aytganda, o'zlarining amaliy faoliyatida sezgi va ijodkorlikdan foydalanadilar. "Kreativ faoliyat", "ijodiy qobiliyat", "kreativ ta'lim" tushunchalari bugungi kunda rivojlangan mamlakatlardagi singari keng tarqalgan bo'lib, mamlakatimizda ham o'quv va ilmiy adabiyotlarda juda aniq va ravshan keltirilib, amaliy ahamiyatga ega bo'lmoqda.

Kreativ ta'lim - insonning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga, muammo larni tahlil qilishni o'z ichiga olgan uning kasbiy tafakkurida innovatsiya tarzida joylashishga yo'naltirilgan ta'limdir. Bu ta'lim haqiqatni mustaqil o'rganishga undash, yakka holatda o'z-o'zini anglash, o'z-o'zini rivojlantirish va fikrlashda bilimlarni o'zlashtirishdir. Kreativ ta'lim reproduktiv, asosan pragmatik, "tajriba bilimlari" ni o'rgatish, me'yoriy (ijroi) kabi ta'limlarga muqobil sanaladi. Kreativ ta'lim ta'limning muayyan va belgilangan sharoitlarida

vujudga keladigan va namoyon bo'ladigan boshqaruv san'atini rivojlantirish va ma'qullashga yo'naltirilgan.

Zamonaviy kompyuter texnologiyalari kreativ ta'lim tizimida ishlashi kerak. Bugungi kundagi ta'lim sohasida, ayniqsa, menejrlarni tayyorlashda keyslar bo'yicha o'qitish avj oldi. Bu, albatta, kreativ ta'limning maqsadlariga mos keladigan yaxshi an'anadir. Keyslar mustaqil va ijodiy fikrlashni o'rgatadi, aniq amaliy vaziyatlarga yaqinroq o'rganishni oshirish, amaliy tahlil vositalarini o'zlashtirishga hissa qo'shadi.

Ijodiy xilma-xillikni tanlash, muqobillarni baholash, maqsadni anglash asosida shakllanadi. Bularning barchasi ta'lim texnologiyasini nazarda tutadi.

Kreativ ta'limda muhim omil - bu yetarlicha fundamental tayyorgarlik. O'z vaqti bilan zamonaviy ta'limda bu ikki an'ana o'rtasida o'ziga xos kurash mavjud. Bir tomondan, ta'limni nazariylashtirish istagi bor, matematik umumlashtirish va mavhumlashtirish, boshqa tomondan pragmatika, tafsilot, cheklangan amaliy aniqlik.


Zamonaviy ta'limdagi katta muammo kasbiy faoliyatni nazariy va amaliy jihatdan o'zlashtirishning maqbul birikmasidir. Ammo mazkur muammo yanada chuqurroqdir. Fundamental ta'lim nafaqat nazariyani egallabgina qolmay, balki ba'zida paydo bo'ladigan, ammo tizimlashtiruvchi ta'sirga ega bo'lgan, uzluksiz ta'limni rag'batlantiruvchi kasbiy faoliyatda ma'lumotlarning izchil va amalda samarali o'sishining asosi hisoblanadi. Bu kelajakni ko'zda

tutadigan, rivojlanish an'analarini baholaydigan istiqbolli ta'limdir. Kreativ ta'lim nafaqat uslubiy xususiyatlari bo'yicha muammolidir, balki tarkibiy jihatdan bog'liq bo'lgan masalalarda ham muammoli hisoblanadi.

Kasb-kor – bu madaniyatning alomati, fikrlash faoliyati va maxsus bilim va ko'nikmalar. Bu bilan bahslashish mumkin emas. Lekin qanday qilib, biz doimiy bu madaniyat ko'inishiga erishamiz? Zamonaviy ta'lim jarayonida ushbu sikllar bir-biriga qarama-qarshilikda bo'lgan holatlarda ularda yakkalanish holatlari kam uchraydi.

Zamonaviy kreativ ta'lim - uni maqsadga muvofiq tashkil qilishsiz tasavvur qilishning iloji yo'q. Kreativ ta'limni tashkil etishning asosiy jihati - fanlarni tanlash imkoniyati, ta'lim guruhlarini shakllantirish, tinglovchilar yoki bo'ysunuvchilarning faoliyat yuklamasi, shakllar, nazorat turlarining taqsimlanishi va miqdori hisoblanadi.

Kreativ ta'lim - bu faqatgina tashkiliy qayta qurish yo'li bilangina erishib bo'lmaydigan ta'limning yangi ta'lim turi. U moliyaviy mablag'larni, o'qituvchi-larning mahoratini oshirishni, o'z ishlarida ijodkorlikka moyillikni va innovatsion faoliyatlarida shart-sharoitlar yaratishni talab qiladi. Bundan tashqari, o'quv to'lovlari taqdim etilayotgan o'quv kurslarining soni va sifatiga, shuningdek, o'qituvchining haqiqiy malakasiga qarab baholanadigan tegishli sinovlar yordamida amalga oshirish mumkin. Kreativ ta'limning muhim belgisi uning motivatsiyasi, ya'ni, moyillikni uyg'otish, qiziqtirish, undash, chorlashdir. Har bir ta'lim turi muayyan darajada motivatsion omillar bilan izohlanadi. Ular shunday bo'lishi mumkin: mutaxassislik diplomi bilan tasdiqlangan maqom, aqliy rivojlanish ehtiyoji, yakka shaxsga tegishli bo'lgan qobiliyatlarni amalga oshirish, mutaxassislar bilan boyitilgan muloqot, zamonaviy kasbiy faoliyatda bilim va ko'nikmalar (tilni bilish, kompyuter bilimi va hokazo), kasbiy ambitsiyalar, ta'limda "ochiq tashnalik", "rusum" kabilarni qamrab oladi



1-chizma. Kreativ ta'lim muammolari chizmasi.


Bu omillar birgalikda harakat qiladi. Ammo, bir tomondan, haqiqiy hayotda haqiqiy inson doimo

biror narsa beradiki, bu omillardan biri ustuvorligi jihati bilan yetakchi o'rinda turadi.

Ta'lim jarayonida omillar harakatini unga undash, qiziqtirish yo'li bilan bunga asoslangan holda kreativ ta'lim mazmuniga va mazmuniga mos keladigan qilib boshqarish kerak. Masalan, ta'lim jarayonini fakultativ tarzda, ya'ni, to'g'ridan-to'g'ri darslar tashkil etish yo'li bilan emas, balki, tadbirlar, ixtiyoriy topshiriqlarni bajarish, va kasbiy fikrlashning turi, daliliylik bo'yicha baholash, va rag'batlantirishni xulosalarning noto'g'riligi uchun emas, aksincha, ularning amaliy samaradorligi uchun tashkil etish mumkin. Kreativ ta'lim zamonaviy menejerni sifatli tayyorlashning muhim sharti va mezon bo'lib hisoblanadi.

Menejrlarning zamonaviy ta'lim olishiga yo'naltirilgan an'anaviy yoki innovatsiyaga asoslangan ta'limning bir nechta qoidalarini taqdim etish mumkin:

1. Qaysi biri yaxshiroq: ozgina narsalar yoki hamma narsa haqida ozgina. Bu ta'limning bo'lishi mumkin bo'lgan muqobil variantlari sifatida ko'pgina hollarda ko'rib chiqiladi. Albatta, bugungi kunda ham, hech kim ham yetarlicha yetuk bo'lishi mumkin emas: birinchisi yuzaki, ikkinchisi tor doirada ixtisoslashtirilgan. Qidirilishi va topilishi mumkin bo'lgan muqobil variant mavjud.



2-chizma. Kreativ ta'limning usullari chizmasi

2. Faoliyat sohasidagi eng asosiy narsa aslida faqat asosiy narsa hisoblanadi. Bu keng ko'lami sohada o'rnatilgan maxsus ta'limning formulasidir.

3. Ta'lim muayyan faoliyat turini hozirlash uchun emas, balki muayyan sinf muammolarini aniqlash uchun zaruriy tafakkurning shakllanishi uchun kerak. Zamonaviy ta'lim shunday bo'lishi kerakki, unda eng muhimlari - bu bilim turi, ta'lim texnologiyasi va uslubiyati, sifatni monitoring qilish, hamkorlik pedagogikasi, ta'lim jarayonida o'zini-o'zi tahlil qilish asosida baholab borishdir.

4. Ta'lim birqancha bilimga ega bo'lish emas, birmuncha qobiliyatlarni rivojlantirishdir. *Bilim o'Ichovi* - tushunishda va o'zining qobiliyatlarining bardavomligini rivojlantirish darajasidadir. Bilim uchun chegara yo'q, ulardan foydalanish imkoniyatlari uchun esa cheklovlar mavjud, o'z

navbatida ular inson bilimi va qobiliyatlarining tarkibi bilan aniqlanadi.

5. Insonning qobiliyatlari ichida eng qadrli bu uning ijodkorlik qobiliyati hisoblanadi. Kreativ ta'lim bu qobiliyatga asos soladi va uni rivojlantiradi.

6. Bilimga bo'lgan ehtiyoj bilan ta'limga bo'lgan ehtiyoj bir xil emas.

Kreativ ta'limning asosiy jihati:

a) tasviriy va golografik fikrlash, **b)** rivojlangan tasavvurlar, **v)** sog'lom umidsizlik (skeptitsizm), **g)** fundamental bilim, **d)** uslubiy madaniyat (mantiqiy fikrlashni bilish, isbotli, aniq va h.k), **e)** tizimli bilim (muvozanat, kombinatsiya, integratsiya va boshqalar), **j)** o'rgatishni bilish, **z)** ta'limning uzluksizligi, **i)** innovatsion salohiyat, **k)** kasbiy mas'uliyat.

Ta'lim – bu bilimlarni iste'mol qilish emas, balki, ijodkorlik energiyasini to'plash uchun uni kuchlantirishdir.

Mutaxassislar va kreativ ta'lim targ'ibotchilari tavsiyalarining asosiy jihatlarini ko'rib chiqib quyidagi xulosalarni qilish mumkin[1]:

1. Zamonaviy menejerning innovatsion va tadqiqot salohiyati nafaqat uning tadqiqotlar asosida qurilishi bilan, balki ta'limning tabiati, bilim tuzilishi, ijodiy faoliyat ko'nikmalari, professional fikrlash turi bilan belgilanadi.

2. Zamonaviy menejerning faoliyati, qachonki, doimiy va uzluksiz rivojlanishda bo'lsa, qachonki, u tashkilotning hayotiyiligini ta'minlovchi o'zgarishlarga qaratilgan bo'lsa, uning innovatsion

salohiyati maqsadli yo'naltirilgan bo'lsa, u doimo va uzluksiz muvaffaqiyatga erishishi mumkin. Zamonaviy menejmentda kreativ yondashuvning qo'llanilishi boshqaruvning asosiy vazifalaridan biri bo'lib qoladi.

3. Menejer shaxs faoliyatining shart-sharoitlarini, qiziqish va g'oyalarini, uning qadriyatlaridagi o'zgarishlarni ko'rishi va baholashi kerak.

4. Yangi uslubiyatni va texnik vositalarni qo'llash orqali kreativ ta'limni rivojlantirish butun ta'lim tizimini isloh qilishni talab qiladi. Ammo, o'zlarining qobiliyatlarining rivojlanishini sifat jihatidan yangi darajaga ko'tarishni istamaydigan millionlab odamlarning ong va tafakkurini isloh qilish eng muhim hisoblanadi.

5. Zamonaviy menejer mukammal bo'lishi uchun tashkilot faoliyatining natijador va samarador bo'lishi sari intilishi, ya'ni ishlab chiqarishni diversifikatsiyalash, infratuzilmani rivojlantirish, inson kapitaliga investitsiyalar kiritish masalalariga alohida e'tibor qaratishi kerak.

Adabiyotlar:

1. Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента: Пер. с англ. - М., «Дело»
2. Попов А.В. Теория и организация американского менеджмента. М., Изд-во МГУ.
3. Уткин Э.А. Профессия – менеджер. М., Экономика.
4. Гулямов С.С., Семенов Б. Основы современного менеджмента. Т.

УДК 744

ИННОВАЦИИ В ОБРАЗОВАНИИ КУРСА ИНЖИНИРИНГА ГРАФИКА В НЕПРЕРЫВНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Мухитинов А.Б., старший преподаватель; **Мухитинов А.А.**, ассистент
Джизакский политехнический институт

В статье определяется педагогическая технология как область теоретических и прикладных исследований, которая затрагивает все организационные аспекты педагогической системы для достижения конкретных и потенциально педагогических результатов.

Калит сўзлар: Педагогика, технология, лойиха, инновация, таълим, илмий, амалиёт, техника, санъат, материал.

Мақолада педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларига эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.

Ключевые слова: педагогика, технология, дизайн, инновация, образование, наука, практика, технология, искусство, материал.

The article defines pedagogical technology as a field of theoretical and applied research that deals with all the organizational aspects of the pedagogical system to achieve specific and potentially pedagogical outcomes.

Keywords: Pedagogy, technology, design, innovation, education, science, practice, technology, art, material.

Научно-технический прогресс развивается не только во многих областях, но и в сфере культуры и образования. Сегодня информация может рассматриваться как информационные технологии, медицина, образование и бесплат-

ные технологии.

Исторически, технология превратилась в технологически продвинутый подход, и он все еще соответствует доктрине искусств, ремесел и науки.

Технология, как правило, предполагает обработку сырья и процесс проектирования, а также обобщение научных описаний. В Политическом словаре (М., 1989) также упоминаются технологии: 1) обработка сырья, материалов, полуфабрикатов, состояние подготовки, технические характеристики и способы модификации формования; 2) методика преподавания предметов, материалов и полуобработанного сырья с использованием двигательных средств.

Энциклопедия словаря хорошо описана, но кенгуру так или иначе полезны: «На самом деле, технология - это функция каждого эффективного и быстрого процесса, который очерчивает физику, химию, механику и механику». (1979)

Технология означает греческий, техно-арт, мастерство, логотипы - учение.

Современные технологии обучения и педагогические инновации требуют разработки и совершенствования инвентаризации. В высшем образовании проблемы научного обоснования педагогических технологий, классификации уларинга, сущности процесса и технологии учебного процесса.

В истории становления и развития педагогических технологий были разные перспективы: утверждалось, что обучение техническим средствам является последовательной и систематической организацией образовательного процесса. В настоящее время существует несколько определений педагогической технологии.

В.П. Беспалко определяет конкретный педагогический инвентарь как проект, который будет включать педагогические технологии в практику. Он считает, что педагогическая система является основой для использования технологий. Основное внимание уделяется учебно-педагогическому процессу, использованию дидактических заданий и технологий обучения. Таким образом, В.П. Беспалко явно не является автором проекта, который является автором серфера, увы, педагогической технологии и идей проекта.

Несмотря на то, что педагогическая технология является благом для процесса обучения, она остается неточной. Исследователи упростили проведение науки и операций.

Н.Ф. Талалина считает, что каждый педагог должен иметь знания о технологическом процессе познания до того, как сформируется актуальный педагогический процесс. Он считает, что наука и действие должны сопровождаться методами, методами и необходимостью использования отдельных дисциплин в процессе решения проблем.

Некоторые авторы утверждают, что наука и искусство коренятся в науке и искусстве.

Аналогичным образом, в одном варианте осуществления технология обучения также из-

вестна как своего рода воплощение всех средств обучения. Затем технология потребует технической обработки процесса.

Обучение на основе технологий позволяет использовать новые или передовые знания и технологии в преподавании. Эта технология используется как научный принцип и как практическое применение.

Технологические прорывы - это отличный анализ, и многие из них смирились с тем, что технологии бесплатны. В некоторых технологиях теоретические основы были укреплены, а практический объем не так оптимизирован.

Т.А. Балло является несовершеннолетним по технологии, то есть по ходу обучения. Проблемы с компьютером или обученным компьютером часто являются проблемой.

Л. В. Занков, Т. Я. Гальперин, В. И. Давыдов исследовали развитие ледовых технологий океанического океана.

1. Есть много необъяснимых проблем в педагогической технологии. Этот важный исследовательский подход связан с точным характером технологии и методологической сущностью.

Педагогическая технология определяется как область теоретических и практических исследований, связанных с организационной структурой всех педагогических систем с целью достижения уникальных и потенциально разрушительных педагогических результатов.

Мы считаем желательным включить определения педагогики-дидактизма в сущность педагогической технологии.

«Педагогическая технология - это технология - искусство» (В.П. Беспалко).

«Педагогические технологии - описание процесса продвижения к намеченным результатам» (И.П. Волков).

«Технология-развитие, трансформация искусства, умений, навыков и приемов» (В.М. Шепель).

«Педагогические технологии - это модель любой педагогической деятельности студентов, преподавания и обучения путем создания необходимых условий для проектирования, организации и ведения образовательного процесса». (В.М. Манахов)

«Педагогическая технология - это инновационный метод обучения, внедрения и выявления самых передовых методов обучения технологии и человечности, а также интеграции обучения и обучения в процесс интеграции обучения и обучения». (ЮНЕСКО).

«Педагогическая технология - это систематическое распределение индивидуальных возможностей, инструментов и методологий, используемых для достижения педагогических целей» (М.В. Кларин).

Из этих анализов можно сделать вывод, что педагогические технологии - это инструмент для обучения планированию и реализации перечня инструментов, необходимых для обучения.

Интеллектуальное и эмоционально-мотивированное развитие учащихся на основе персонализированных технологий, формирование знаний и профессиональных навыков, обеспечение качественного подхода к учебному процессу, активное обучение, формирование англ-

ийского языка и самостоятельности.

Литература:

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Ишмухамедов Р., Абдукодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий таълим). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
3. Ю.Қирғизбоев ва бошқалар. Машинасозлик чизмачилик курси. Т., 1981 «Ўқитувчи».

УДК 514.1

ЎЙИЛМАЙДИГАН ЧИЗИҚЛИ СИРТЛАР ҚОЛИПЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ КОМПОЗИЦИЯСИ

Абдумоннонов М., Ахматов Н., Сувонов О.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Мақолада ўйилмайдиган чизикли сиртларнинг меъморий композицияларини топиш, шаклларнинг меъморий композицияларини чодирлар ёки синтетик тўсиқлар кўринишига олиб келиш алгоритмлари келтирилган. Ўйилмайдиган чизикли сиртлар компьютер графикаси ёрдамида тасаввур қилиш ва тасвирлашнинг афзалликлари ва қулайликлари ёритилган. Ушбу сиртларни темирбетон қурилмаси сифатида қурилиш жараёнида қўллаш имкониятлари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: Каноид, цилиндроида, параболоид. Дискрет нукталар. Аксиоматик алгоритм ва аксиоматик муносабатлар. Сиртларнинг архитектуравий композицияси.


В статье приведён алгоритм нахождения архитектурных композиций неразвертываемых линейных поверхностей и преобразования архитектурных композиций в форму палаток или синтетических укупок. Изложены преимущества и удобства представления и изображения неразвертываемых линейных поверхностей с помощью компьютерной графики. Рассмотрены возможности применения данных поверхностей в строительном процессе в качестве железобетонных конструкций.

Ключевые слова: Каноид, цилиндроида, параболоид. Аксиоматический алгоритм и аксиоматические отношения. Архитектурная композиция поверхностей.

The article presents an algorithm for finding architectural compositions of non-expandable linear surfaces and converting architectural compositions into the form of tents or synthetic closures. Outlined the advantages and convenience of the presentation and image of non-deployable linear surfaces using computer graphics.

Keywords: Canoid, cylindroid, paraboloid. Axiomatic algorithm and axiomatic relations. Architectural composition of surfaces.

Ўйилмайдиган чизикли сиртларни ҳосил қилиш қонунияти чизма геометрия фанида ўрганилади. Сиртлар йўналтирувчиларининг формасига асосан, ўйилмайдиган чизикли сиртлар коноид, цилиндроида, параболоид турларига бўлинади (1, 2-расм).



1-расм.

2-расм.

Ушбу сиртларни компьютер графикаси усулида тасвирлаш учун, қуйидаги алгоритмлардан фойдаланилади.

- Сиртни ҳосил қилувчи йўналтирувчилар қолип режасига жойлаштирилади.

- Ясовчи, (арматура ёки синтетик толалардан) иборат йўналишни, йўналтирувчи чизиклар устида ўлчанган координаталар бўйича қўйиб чиқилади.

Бунга биз формалашган геометрик модели деб таъриф берамиз. Формал моделдан компьютер геометрия моделига ўтиш учун, қуйидаги аналитик тенгламани режага нисбатан ёзамиз:

- Сирт тенгламасидан бошқарув параметрларини аниқлаймиз;

- Тенгламанинг координаталарини исботлашни қулай вазиятга келтираемиз;

- Сиртнинг координаталарини ҳисоблаш ва арматуралар йўналишини компьютер графикасида топиш учун, сирт тенгламасини дискрет нукталарда ёзиш талаб қилинади.

Ўйилмайдиган чизикли сиртларни компьютер графикаси усулида тасаввур қилиш ва тасвирлаш учун, махсус график дастурлар таъминотидан ва аксиоматик алгоритмдан фойдаланилади.

Уларга қуйидагилар қиради:

- Берилган ўлчамли режани чизиб олиш;

- Берилган режада арматуралар жойлашуви натижаларини ўрганиш;
- Йўналтирувчи чизикнинг формасини чега-равий чизикка ўрнатиш;
- Ясовчиларини бир номли координаталарда туташтириш.

Ёйилмайдиган чизикли сиртларнинг архитектуравий композициясини топиш учун, сирт қолипларини комплекс режада жойлаштириш талаб қилинади. Ушбу аксиоматик муносабатлар куйидагича ёзилади:

- Компьютер хотирасидан йўналтирувчи чизиклар параметрлари ёрдамида аниқланади;
- Йўналтирувчи чизиклар режада жойлаштирилади;
- Компьютер графикасининг буриш, суриш, кўйиш, айлантириш, катталаштириш ва кичрайтириш масштабларидан фойдаланиб, композиция тузилади;
- Қолипларни жойлаштиришдан ҳосил бўлган архитектуравий композиция масштаблари аниқланади;
- Тасаввур ва тасвирлар аксонометрик ёки перспектив кўринишда лойиҳаланади.

Қолипларнинг архитектуравий композицияси тентлар ёки синтетик ёпилмалар кўринишига келтириш учун, компьютер графикасининг махсус дастурий таъминот қўлланилади. Юқорида келтирилган мантиқий фикрлар амалда чизма геометрия, компьютер геометрияси, компьютер графикаси услубини ёйилмайдиган чизикли ёпилмаларнинг қолипларини назарий асослашни ва амалий архитектуравий композиция лойиҳаларини тузишни кўриб ўтамиз:

1. Ёйилмайдиган сиртнинг формал геометрик модели коноид бўлсин.

Геометрик шартлар куйидагича берилган бўлсин:


- Биринчи йўналтирувчи айлана, эллипс, парабола ва ҳоказо ихтиёрий эгри чизик бўлиши мумкин. Иккинчи йўналтирувчи тўғри чизикдан иборат бўлиб, оғма вазиятда жойлашади;

Ясовчи тўғри чизик (арматура) – режага параллел жойлашган деб, қабул қиламиз.

2. Коноид сирт компьютер геометриясида куйидагича аниқланади:

- Биринчи йўналтирувчи чизик устида $M(x_o, y_o, z_o)$ нукта олинади;
- Иккинчи йўналтирувчи чизикда $M(x_o, y_o, z_o)$ нуктадан уринма текислик ўтказилади;
- Тўғри чизикнинг уринма текисликда ётиши ва нуктадан ўтишлик шартлари аниқланади.

3-расмда сирт қолиплари композициясининг компьютер графикаси моделлари келтирилган.



3-расм.

Харакат параметрлари ёрдамида ясовчиларнинг ўрнини аниқловчи коноид сиртининг тенгламаси ҳосил қилинади ва координата услубида куйидагича ёзилади:

$$y = x \operatorname{tg} \frac{z}{h} \quad \text{ёки} \quad \frac{y}{x} = \operatorname{tg} \frac{z}{h}, \quad \frac{z}{h} = \operatorname{arctg} \frac{y}{x},$$

$$z = h \operatorname{arctg} \frac{y}{x}.$$

Натижада коноид сиртининг тенгламаси келиб чиқади.

Компьютер графикасига ўтиш учун, сирт тенгламасини дискрет кўринишга келтирамыз.

$$z_i = h \operatorname{arctg} \frac{y_i - y_i}{x_i - x_i} \quad i=1, 2, 3, \dots n$$

1-таъриф. Ёйилмайдиган чизикли сиртлар йўналтирувчиларининг формаларини ва режага нисбатан вазиятини ўзгартириш натижасида сиртларнинг компьютер геометрияси ахбороти яратилади.

2-таъриф. Ёйилмайдиган чизикли сиртларнинг компьютер графикасида тасвирлаш учун амалий дастурларнинг компьютер геометрияси кутубхонасидан фойдаланилади.


3-таъриф. Ёйилмайдиган чизикли сиртларнинг архитектуравий композициясини тузиш учун, сирт тенгламасидаги харакат параметрлари лойиҳалаш амалиёти стандартларига мос келувчи қийматлар қўйилади.

Юқорида келтирилган мантиқий геометрик натижалар асосида ёйилмайдиган чизикли сиртларнинг геометрик модели тенгламасини куйидаги кўринишга келтирамыз:

$$\frac{x - r \cos \frac{z}{a_1}}{a_2^2 + z^2 - a - z^2 r \cos \frac{z}{b_1}} = \frac{y - r \sin \frac{z}{a_1}}{2(a - a_2)}$$

$$= \frac{y - r \sin \frac{z}{a_1}}{\sqrt{r_2 - \left(\frac{a_2^2 + z^2 - a^2 - r^2}{2(a - a_2)} + a_2 \right)^2 - \sin^2 \frac{z}{b_1}}}$$

Агар, Ушбу тенгламани дискрет кўринишда ёзсак, куйидаги компьютер геометриясининг ҳисоблаш формуласи келиб чиқади:



$$\frac{(x - x_i) - r \cos \frac{z_1}{a_1}}{a_2^2 + z^2 - a - z^2} = \frac{r \cos \frac{z_i}{a_1}}{2(a - a_2)}$$

$$= \frac{(y - y_i) - r \sin \frac{z_i}{a_1}}{\sqrt{r^2 - \left(\frac{a_2^2 + z_o^2 - a^2 - r^2}{2(a - a_2)} + a_2\right)^2 - r \sin \frac{z_i}{b_1}}}$$


бу ерда $0 \leq x - x_i \leq 1$, $0 \leq y - y_i \leq 1$, $0 \leq r \leq 1$, $0 \leq a_1 \leq 1$, $0 \leq a_2 \leq 1$, $0 \leq r_1 \leq 1$

z_i – ясовчи чизикнинг координаталарини ушбу тенгламага қийматлари орқали қўйиш натижасида, йўналтирувчилари ҳар хил бўлган вазиятда жойлашган архитектуравий композицияни ҳосил қилиш мумкин.

4-расмда колипларнинг архитектуравий композицияси келтирилган. Архитектуравий композиция тузиш учун, сиртларнинг кутубхонасидан оралиқ вариантлар олинади.

Натижада юқорида кўриб чиқилган ёйилмайдиган сиртлардан кичик архитектуравий формалар кўринишида бино ва иншоотларда фойдаланиш мумкин бўлади. Одатий ҳолдаги темирбетон қурилмалари билан таққосланганда қарийиб икки баробар арматура ва бетон сарфи

тежалиши билан биргаликда фазовий эгри сиртнинг турғунлиги, зилзила бардошлиги, ташқаридан таъсир қилувчи ҳар хил деформацияларга чидамлилиги ошиши билан конструкциянинг соф оғирлигини камайишига олиб келади.



4-расм.

ёйилмайдиган сиртларнинг одатий ҳолдаги конструкцияларга нисбатан меъморий кўриниши яхшиланади. Конструкциянинг ички қисмида эса, мутадил иқлим шароити яхшиланади ҳамда узоқ муддатли эксплуатация қилиш имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Адабиётлар

1. Строительное черчение и рисование. Короев Ю.И. – М., 1983.
2. Строительное черчение и рисование. Будасов Б.В. и другие. – М., 1981.

OLIV TA'LIM MUASSASALARIDA MASOFAYIV O'QITISHNI TASHKIL ETISH

Yuzbayeva M.Z., Xudaykulov U.Ch.

Samarqand davlat arxitektura qurilish instituti

Ushbu maqolada oliy ta'lim muassasalarida masofaviy ta'lim asosida o'qitishni tashkil etish dolzarbligi, hamda uning afzalliklari to'g'risida fikr yuritilgan.

Kalit so'zlar: masofaviy ta'lim, masofaviy o'qitish, an'anaviy o'qitish, modullik, metod.

В данной статье рассматриваются актуальность и преимущества дистанционного обучения в высших учебных заведениях.

Ключевые слова: дистанционное обучение, система дистанционного обучения, традиционное обучение, модульное обучение, методика.

This article discusses the relevance and benefits of distance learning in Higher Educational Institutions.

Keywords: distance learning, distance learning system, traditional training, modular training, methodology.

Respublikamizda ta'lim tizimini takomillash-tirish orqali xalqaro standartlar darajasiga javob beradigan kadrlarni tayyorlashga katta e'tibor berilmoqda. Bu borada kadrlar tayyorlash va uzluksiz ta'lim tizimini isloh qilishning huquqiy asoslari yaratilib, bosqichma-bosqich amalga oshirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida ta'lim va fan sohasini rivojlantirishda uzluksiz ta'lim tizimini yanada takomillash-tirish, sifatli ta'lim xizmatlari imkoniyatlarini oshirish, mehnat bozorining

zamonaviy ehtiyojlariga mos yuqori malakali kadrlar tayyorlash siyosatini davom ettirish muhim omil sifatida belgilangan.

O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Konsepsiyada oliy ta'limni rivojlantirishning strategik maqsadlari, ustuvor yo'nalishlari, vazifalari, o'rta va uzoq muddatli istiqboldagi bosqichlarini belgilaydi hamda sohaga oid dasturlar va kompleks chora-tadbirlarni ishlab chiqish uchun asos bo'ladi.

Oliy ta'lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida quyidagilar nazarda tutilgan:

- oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini

bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish;

- xalqaro tajribalardan kelib chiqib, oliy ta'limning ilg'or standartlarini joriy etish, jumladan o'quv dasturlarida nazariy bilim olishga yo'naltirilgan ta'limdan amaliy ko'nikmalarni shakllantirishga yo'naltirilgan ta'lim tizimiga bosqichma-bosqich o'tish;

- oliy ta'lim mazmunini sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo'shadigan, mehnat bozorida o'z o'rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo'lga qo'yish;

- oliy ta'lim muassasalarining akademik mustaqilligini ta'minlash.⁶

Hozirgi vaqtda respublikamizda yosh avlodni tarbiyalash o'qitish bilim berish zamonaviy axborot texnologiyalarga yaqindan yondashish hamda yangi texnika va texnologiyalar bilan ishlashni o'rgatish maqsadida juda ko'p ijobiy ishlar amalga oshirilib borilmoqda. Ulardan asosiysi "Masofadan o'qitish texnologiyasi"dir.

Zamonaviy axborot va kommunikasiya texnologiyalari vositalarini ta'lim jarayoniga kirib kelishi an'anaviy o'qitish usullariga qo'shimcha ravishda yangi o'qitish shakli - masofaviy o'qitish yaratilishiga omil bo'ldi.

Masofaviy o'qitish nazariyasi va amaliyoti boy chet el va milliy tajribalar tadqiqotlar yo'nalishlari umuman dolzarbligini tasdiqlaydi. Yangi pedagogik axborot va telekommunikatsiya texnologiyalardan foydalanishga asoslangan ta'lim olish usulidan biri hisoblangan masofaviy ta'lim mohiyatini tushunishga bizni yaqinlashtiradi.

Masofaviy ta'lim - masofada turib o'quv axborotlarini almashish vositalariga asoslanuvchi maxsus axborot ta'lim muhiti yordamida ta'lim xizmatlari to'plamidan iborat. Masofali ta'lim axborot - ta'lim muhiti foydalanuvchilar ta'lim olish ehtiyojlarini qondirishga mo'ljallangan ma'lumotlar uzatish vositalari axborot resurslari o'zaro aloqalar protokollari apparat-dasturli va tashkiliy-metodik ta'minotlar sistemali - tashkiliy to'plamidan iborat.

Masofaviy ta'lim - o'qituvchilarni talabalarga o'rganilayotgan ma'lumotlarning asosiy hajmini yetkazib berishni o'qitish jarayonida o'qituvchilar va talabalarning interaktiv o'zaro aloqalarini, talabalarga o'rganilayotgan materialni mustaqil o'zlashtirish bo'yicha mustaqil ishlash imkonini berishni hamda o'qish jarayonida ularning olgan bilim va ko'nikmalarini baholashni ta'minlovchi axborot texnologiyalari to'plami.

